ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

# 2022 — 2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИНИ «ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ»ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида белгиланган вазифаларга мувофиқ аҳолининг ҳаёт даражасини янада юксалтириш, таълим сифатини илғор халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, барқарор иқтисодий ўсишга эришиш ҳамда камбағалликни қисқартириш борасидаги ислоҳотларимизни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида:

1. Жамоатчилигимиз ва халқимиз билан кенг муҳокамаларда билдирилган таклифлар асосида ишлаб чиқилган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да амалга оширишга оид давлат дастури (кейинги ўринларда — Давлат дастури) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Давлат дастури ижросини самарали, қатъий тартиб-интизом асосида ташкил этиб, 10 кун муддатда ҳар бир туман, шаҳар ва маҳалла кесимида амалий чора-тадбирларни белгиласин ҳамда кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари иштирокида мунтазам равишда масъул шахсларнинг ҳисоботини эшитиб борсин.

Олий Мажлис палаталари ва маҳаллий Кенгашларга Давлат дастурининг бажарилишини туманлар, шаҳарлар ва маҳаллаларга бориб ўрганиш, масъул давлат органлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиб бориш тавсия этилсин.

2. Халқимизнинг оғирини енгил қилиш, аҳоли учун қўшимча қулайликлар яратиш ва уларнинг харажатларини тежаш мақсадида, 2023 йил 1 июлдан бошлаб:

а) барча давлат органлари ва ташкилотларида «Аҳоли ва тадбиркорларга сервис сифатини ошириш» чора-тадбирлари белгилансин.

Вазирлар ва бошқа мустақил ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари 15 кун муддатда ўз тизимида масофадан туриб, шу жумладан мобил иловалар орқали кўрсатиладиган давлат хизматларини кўпайтириш, ундириладиган тўловлар миқдорини камайтириш, талаб қилинадиган ортиқча ҳужжатларни бекор қилиш, кўриб чиқиш жараёнлари ва муддатларини кескин қисқартириш, шаффофликни ошириш, аҳоли ва тадбиркорлар билан доимий мулоқот майдончаларини ташкил этиш, ходимларнинг муомала маданиятини юксалтириш, тезкор ва сифатли хизмат кўрсатишга ўқитиш бўйича тадбирлар дастурини тасдиқлаб, аҳоли ва тадбиркорларга эълон қилсин;

б) давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари сони 300 тага, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатиладиган хизматлар сони эса 570 тага етказилсин;

в) аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари (ногиронлиги бўлган шахслар, оғир беморлар, кексалар ва бошқалар)га миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги давлат хизматларини доимий яшаш ёки вақтинча турган жойига чиқиш орқали кўрсатилган хизмат учун қўшимча тўлов ундирилмаган ҳолда кўрсатиш йўлга қўйилсин;

г) электр, газ ва сув сарфи ҳисоблагичларини қиёслашдан ўтказиш бўйича давлат хизматларини проактив тарзда кўрсатиш (фуқаро мурожаатини кутмасдан, хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз ташаббуси билан) таклифини юбориш йўлга қўйилсин.

3. 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига субсидия ажратиш билан боғлиқ барча хизматлар босқичма-босқич «Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига субсидия ажратишнинг ягона электрон платформа»сига ўтказилсин ҳамда субсидияларни ажратишнинг мақсадга мувофиқлигини электрон платформа орқали онлайн текшириш тизими йўлга қўйилсин.

Бунда, субсидиялар ажратиш тўғрисидаги аризаларни Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ёки исталган туман (шаҳар) давлат хизматлари марказлари орқали топшириш имкониятини яратиш ҳамда ортиқча бюрократик тўсиқлар ва бошқа коррупциявий омилларни бартараф этиш таъминлансин.

4. Фуқароларнинг пенсия таъминотини яхшилаш ва пенсионерларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, 2024 йил 1 январдан бошлаб пенсионерга ҳисобланган, лекин ўз вақтида олинмаган пенсияни тўлаш муддати 12 ойдан 24 ойга узайтирилсин.

5. Ногиронликни белгилашда фуқароларга қўшимча енгилликлар яратиш мақсадида:

а) 2023 йил 1 апрелдан бошлаб ногиронлик идоралараро электрон маълумотлар алмашинуви асосида ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган, анатомик нуқсонлари бўлган, шунингдек, нохуш клиник прогнозга эга касалликлар ва асоратларда фуқароларнинг иштирокисиз белгиланади;

б) Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги (Б. Мусаев) 2023 йил 1 апрелга қадар ногиронликни белгилашнинг ижтимоий моделига босқичма-босқич ўтиш концепцияси лойиҳасини киритсин, унда:

фуқароларнинг меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасидан келиб чиқиб ногиронликни белгилаш амалиётидан воз кечиб, унинг ўрнига жаҳон стандартлари асосида ногиронликни белгилашга ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳаётга ижтимоий мослашуви ва уларнинг соғлиғини қайта тиклашга;

ногиронлиги бўлган шахслар учун қулай форматлардаги ахборот технологияларидан, имо-ишора тилидан ҳамда мулоқотнинг бошқа муқобил шаклларидан фойдаланиш имкониятларини яратишга эътибор қаратилсин.

6. «Янги Ўзбекистон» массивларини ривожлантириш ва аҳолининг уй-жойга бўлган талабини қондириш мақсадида 2023 йилда:

«Янги Ўзбекистон» массивлари ва 161 та бошқа массивларда, жумладан, хусусий пудрат ташкилотлари томонидан янги уй-жойлар қуришнинг йиллик ҳажмлари 1,6 бараварга оширилиб, 90 мингга етказилсин. Бунда, уй-жой ҳамда ижтимоий ва савдо объектларини лойиҳалаштириш ва қуришда автотранспорт воситаларининг тураргоҳлари, шу жумладан кўп қаватли ва ер ости автотураргоҳлар мажбурий равишда барпо этилиши таъминлансин;

32 минг нафар фуқарога бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари, шунингдек 11 минг нафар фуқарога бошланғич бадал ва фоиз тўловларининг бир қисмини қоплашга субсидиялар ажратиш учун Давлат бюджетидан етарли маблағлар йўналтирилсин;

аҳолини бозор тамойиллари асосида ипотека кредитлари орқали уй-жой билан таъминлашнинг янги тартиби доирасида мулк ҳуқуқи асосида уй-жойга эга бўлмаган фуқаролар учун Тошкент вилоятида тажриба-синов тариқасида «Менинг биринчи уйим» дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилсин;

халқаро ва маҳаллий фонд биржаларида «Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси» АЖнинг ипотека облигацияларини чиқариш ва жойлаштириш учун компаниянинг устав фонди 100 млн АҚШ доллари эквивалентига етказилсин. Бунда, ипотека облигацияларини жойлаштириш ҳисобига жалб қилинган маблағлар ипотека кредитлари учун ресурс сифатида банкларга жойлаштирилсин.

7. Ташаббусли бюджет амалиётини ҳамда маҳаллаларнинг молиявий мустақиллигини кенгайтириш мақсадида:

2023 йилда жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 8 триллион сўм, шундан «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари учун 4 триллион сўм йўналтирилсин;

2023 йилда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар дастурлари доирасида амалга ошириладиган тадбирларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 4 триллион сўм ажратилсин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш. Кудбиев) уч ой муддатда лойиҳаларни жамоатчилик фикри ва «Очиқ бюджет» порталида тўпланган овозлар асосида молиялаштиришнинг самарали тизимини яратсин ва амалиётга киритсин.

Бунда, овоз бериш жараёнларини холис ва маъмурий аралашувларсиз ташкиллаштиришнинг аниқ механизмларини жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилсин.

8. Таълим сифатини ошириш, соҳани илғор хорижий тажриба асосида ислоҳ қилиш мақсадида:

а) 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб ҳар бир туман (шаҳар)нинг биттадан умумий ўрта таълим муассасасида ўқувчиларни иккита хорижий тил ва битта касб-ҳунарга ўргатиш амалиёти босқичма-босқич йўлга қўйилсин;

б) 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб босқичма-босқич умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларни умуминсоний ва миллий қадриятлар, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, шунингдек, уларда коммуникатив кўникмалар, танқидий ва креатив фикрлаш, жамоа бўлиб ишлаш, тадқиқотчилик каби кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим дастурлари амалиётга киритилсин.

Бунда:

умумий ўрта таълим муассасаларининг 1 — 4-синфларида ўқувчиларни илғор хорижий тажриба асосида ишлаб чиқилган дарсликлар бўйича ўқитиш;

5 — 9-синфларда ўқувчиларга умумтаълим фанларидан таянч билимлар бериш;

10-11-синф ўқувчиларининг қизиқиш ва қобилиятига мос бўлган ихтисослашган дастурлар асосида билим бериш амалиёти жорий қилинсин;

в) 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб республиканинг барча вилоятлари ва Тошкент шаҳрида бошланғич синф ўқувчиларини бепул овқат билан таъминлаш йўлга қўйилсин.

Бунда, овқат турлари ўқувчиларнинг ёши ва соғлиғи ҳолатига кўра меъёрланган ҳолда етказиб берилиши ҳамда санитария талабларига жавоб бериши таъминлансин;

г) 2023 йил 1 апрелдан бошлаб мактабгача таълим қамровини кенгайтириш мақсадида:

янги мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини кўп квартирали уйларнинг нотурар қаватларида ёки якка тартибда қурилган уй-жойларни сотиб олиш ва кейинчалик уларни таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш орқали ташкил этишга рухсат этилсин;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаси доирасида ижарага берилган ер участкасида нодавлат мактабгача таълим ташкилоти биносини қурган хусусий шерик томонидан ушбу бинонинг мазкур лойиҳа учун банк кредитлари бўйича гаровга қўйилишига оид чекловлар бекор қилинсин;

д) профессионал таълим тизимини ривожлантириш, меҳнат бозори ва иш берувчиларнинг талабларига мос бўлган малакали ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш мақсадида:

2023/2024 ўқув йилидан бошлаб давлат грантлари коллеж ва техникумларнинг дуал таълим шакли бўйича ҳам ажратилсин;

2023 йил 1 сентябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида малакали хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда Европа касбий таълим ва касбга ўқитиш сифатини таъминлаш тизими талабларига тўлиқ жавоб берадиган 1 тадан намунавий профессионал таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилсин;

е) 2023 йил 1 апрелдан бошлаб:

профессионал таълим муассасаси педагогларининг базавий тариф ставкалари мос равишда умумий ўрта таълим муассасаси педагогларининг базавий тариф ставкаларига;

профессионал таълим муассасаси биринчи ва иккинчи малака тоифасига эга бўлган, малака тоифасига эга бўлмаган олий маълумотли ҳамда олий маълумотга эга бўлмаган ишлаб чиқариш таълими усталарининг базавий тариф ставкалари тегишинча умумий ўрта таълим муассасаси биринчи ва иккинчи малака тоифали ўқитувчиси, олий маълумотли ўқитувчиси ҳамда ўрта махсус маълумотли ўқитувчисининг базавий тариф ставкаларига тенглаштирилсин.

9. Аҳолига бирламчи тиббий хизматларни яқинлаштириш ва фуқароларни сифатли тиббий хизматлар билан таъминлаш, касалликларни эрта босқичда аниқлаш, шунингдек, беморларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида:

а) Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А. Иноятов):

2023 йилда 30 та оилавий поликлиника, 110 та оилавий шифокор пункти ва 520 тагача ихчам маҳалла тиббиёт пунктларини ташкил этиш;

18 — 40 ёшли 12,6 миллион нафар аҳолини профилактик кўрикдан ўтказиш, 40 ёш ва ундан катта ёшдаги сурункали касаллиги бўлмаган 6,3 миллион нафар аҳолини юрак қон-томир касалликлари ва қандли диабет, 3 миллион нафар аҳолини онкологик касалликларни эрта аниқлаш бўйича скрининг текширувларидан ўтказиш;

спинал мушак атрофияси билан касалланган 112 нафар болани дори воситалари билан таъминлаш;

250 нафардан ортиқ заиф эшитувчи болада кохлеар имплантация операцияларини ўтказиш, шунингдек, бундай операциялар ўтказилган 132 нафар болада нутқ процессорларини алмаштириш чораларини кўрсин;

б) вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ва бошқа тиббий маълумотномаларни бериш босқичма-босқич электрон шаклга ўтказилсин. Бунда:

вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ва бошқа тиббий маълумотномаларни бериш Навоий ва Сирдарё вилоятларида — 2023 йил 1 июлдан бошлаб, Тошкент шаҳри, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида — 2023 йил 1 октябрдан бошлаб, республиканинг бошқа ҳудудларида — 2024 йил 1 январдан бошлаб электрон шаклга ўтказилсин.

2024 йил 1 январдан бошлаб вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ва бошқа тиббий маълумотномаларни қоғоз шаклда талаб қилиш тақиқлансин;

в) 2023 йил 1 июлдан бошлаб Тошкент шаҳрида босқичма-босқич давлат тиббий суғуртаси механизмлари жорий этилсин;

г) 2023 йил якунига қадар ногиронлиги бўлган шахсларни амбулатор ва стационар шароитда бепул тиббий-ижтимоий реабилитация чоралари билан қамраб олиш кўлами 30 минг нафарга етказилсин.

10. Аҳоли орасида юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва жисмоний фаоллик даражасини ошириш мақсадида қуйидагиларни назарда тутувчи «Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи» умуммиллий ҳаракати йўлга қўйилсин:

аҳолига смартфон ва мобил иловалар ёрдамида ўз соғлиғи ва овқатланишини назорат қилишни ўргатиш, тўғри овқатланиш бўйича мобил илова яратиш;

болаларга мўлжалланган носоғлом озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар, болалар озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда энергетиклар, дори воситалари, биологик фаол моддалар рекламасига талаб ва чекловларни кучайтириш;

таълим муассасаларида болалар ва ёшлар учун тавсия этилмайдиган маҳсулотлар, шу жумладан таркибида шакар, туз, трансёғлар миқдори юқори бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари, таъм ва ранг берувчи қўшимчалар рўйхатини тасдиқлаш ва уларнинг истеъмолини камайтириш;

маҳаллий маҳсулотлар турларидан келиб чиқиб, аҳолининг ҳар бир хавф гуруҳи ва касаллик турлари учун алоҳида-алоҳида соғлом овқатланишга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқиш;

ёши, тана тузилиши, турмуш тарзи ва касалликларга мойиллигидан келиб чиқиб, болалар, катталар ва кексалар учун қисқа тўғри овқатланиш бўйича тавсиялар, соғломлаштириш машқлари ва гигиена қоидалари тўпламини яратиш;

иш жойларида ходимларнинг жисмоний тарбия билан шуғулланиши ва соғлом овқатланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш.

11. 2023 йил 1 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига доир тасдиқнома амал қилиш муддати давомида чет эл фуқаролари хориждан олиб келинган шахсий автотранспорт воситасини олиб чиқиб кетиш муддатини узрли сабабларга кўра ўтказиб юборганда, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган йиғимни тўлашдан озод этилсин.

12. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш мақсадида 2023 йил 1 июлдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан янги турдаги жавобгарлик ва жазо чораларини жорий этишга уч йиллик мораторий ўрнатилсин.

Адлия вазирлиги (А. Ташкулов) Бош прокуратура (Н. Йўлдошев) билан биргаликда бир ой муддатда савдо ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини бузганлик учун жиноий жавобгарликни маъмурий юрисдикцияга ўтказиш орқали бекор қилишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Қишлоқ хўжалигини сув ресурслари билан барқарор таъминлаш мақсадида 2023 йилда:

сув ресурсларини бошқаришда узлуксиз тизимни йўлга қўйиш ҳамда сувни тежайдиган рақамли технологияларни жорий қилиш ҳисобига сувни етказиб беришдаги табиий йўқотишлар ҳажми 10 фоизгача камайтирилиши;

қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш ва балиқ етиштириш (ўстириш) учун фойдаланиладиган сув ҳажми бўйича солиқ ставкасини ошириш орқали сув солиғи бўйича тушумларнинг бир қисми туманларда суғориш хизматларини ривожлантириш, ариқ, зовур ва каналларни бетонлашга йўналтирилиши таъминлансин.

Сув хўжалиги вазирлиги (Ш. Хамраев) 2023 йил якунига қадар:

а) сув ресурсларини бошқаришда рақамли технологияларни кенг жорий қилиш, сув тежовчи технологиялардан фойдаланиш, зарур ирригация ва мелиорация тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш орқали камида 7 млрд метр куб сув иқтисод қилинишини ҳамда 300 минг гектар майдонда такрорий экинларни суғоришга йўналтирилишини таъминласин;

б) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги (Ш. Кудбиев) билан биргаликда:

сувнинг ҳисобини очиқ-ошкора юритиш тизимини жорий этиш мақсадида 13 мингта сув хўжалиги объектларини рақамлаштириш билан боғлиқ барча харажатларни Давлат бюджети маблағлари ва халқаро молия институтлари грантлари ҳисобидан молиялаштириш;

16 та йирик насос станцияларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш учун киритсин.

14. Адолат ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш борасида қуйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳалари белгиланган тартибда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилсин:

жиноятларни тергов қилиш жараёнида «Хабеас корпус» институтини қўллаш амалиётини янада кенгайтириш мақсадида тинтув ўтказиш, телефон сўзлашувларини эшитиб туриш ва мулкни хатлашга санкция бериш ваколатини прокурорлардан судларга ўтказиш;

жиноят ишини судларга айблов хулосаси (айблов далолатномаси) ва ҳимоячи фикри билан бирга тақдим этиш тартибини жорий этиш;

адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш учун юридик мутахассислик бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлиш талабини бекор қилиш.

Олий суд (Б. Исламов), Адлия вазирлиги (А. Ташкулов) ва Бош прокуратура (Н. Йўлдошев) мазкур бандда назарда тутилган масалалар бўйича тегишли қонунлар лойиҳаларининг Давлат дастурида белгиланган муддатларда ишлаб чиқилиб, киритилишини таъминласин.

15. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасини «шаҳар автомобиллар эмас, балки пиёдалар учун» ғояси асосида ислоҳ қилиш мақсадида:

а) 2023 йил 1 апрелдан бошлаб Тошкент ва Нукус шаҳарларида ҳамда вилоятлар ва туманларнинг марказларида транспорт воситалари ҳаракатланишининг энг юқори тезлиги соатига 70 километрдан 60 километргача туширилсин;

б) 2023 йил 1 декабрдан бошлаб транспорт воситасининг эгасига транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқи ўтказилган шахс билан биргаликда тегишли ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатни (ишончнома ва бошқалар) тақдим этган ҳолда, давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларини транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини ўтказганлиги ҳақида хабардор қилиш ҳуқуқи берилсин.

Бунда, хабарнома олинган кундан бошлаб ваколатли орган томонидан Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг Ягона автоматлаштирилган ахборот-таҳлил тизимига тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳамда ушбу транспорт воситасида содир этилган йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги учун бошқариш ҳуқуқи ўтказилган шахсга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштириш тартиби жорий этилиши белгилансин.

16. Адлия вазирлиги, «Тараққиёт стратегияси» маркази ва «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати:

Давлат дастури амалга оширилишининг боришини тизимли мониторинг қилиш, уни сифатли ва ўз вақтида бажариш учун қўшимча чоралар кўриш бўйича тавсияларни ишлаб чиқсин;

Давлат дастурида назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида ишлаб чиқилиши ҳамда келишилишида амалий ёрдам кўрсатиб борсин;

Давлат дастурини амалга ошириш якунларига бағишланган ахборот-таҳлилий шарҳларни тайёрлаш, уларни хорижий тилларда эълон қилиш ва кенг тарқатишни таъминласин;

мониторинг натижалари тўғрисидаги ахборотни ҳар ойда 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш бўйича республика комиссиясига киритиб борсин.

17. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А. Ходжаев), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А. Хаджаев) ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А. Кўчимов) мунтазам равишда Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари, шу жумладан машҳур

давлат арбоблари, тажрибали сиёсатшунос, ҳуқуқшунос, иқтисодчи ва бошқа мутахассислар иштирокида кенг шарҳлаб борилишини ҳамда унинг мазмун-моҳияти жамоатчиликка тушунтирилишини таъминласин.

18. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб вазирликлар ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш бўйича республика комиссиясига юклансин.

Амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот киритиб борилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2023 йил 28 февраль,
ПФ-27-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 февралдаги ПФ-27-сон Фармонига
ИЛОВА

**2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили»да амалга оширишга оид**

ДАВЛАТ ДАСТУРИ

| **Т/р** | **Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар** | **Амалга ошириш механизмлари** | **Амалга ошириш шакли** | **Муддати** | **Амалга ошириш харажатлари** (молиялаштириш манбалари) | **Назорат қилувчилар** | **Масъул ижрочилар** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **I. ИНСОН ҚАДРИНИ ЮКСАЛТИРИШ ВА ЭРКИН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ХАЛҚПАРВАР ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШ** | | | | | | | |
| **1-мақсад: Маҳалла институти фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантириш** | | | | | | | |
| 1. | Фуқароларнинг **ўз маҳалласи ҳаётидаги иштирокини кучайтириш** ҳамда давлат органлари ва маҳаллалар ўртасида тўғридан-тўғри | **«Рақамли маҳалла» марказини** ташкил этиш ҳамда **«Ижтимоий маҳалла» ахборот тизимини** жорий этиш. Бунда: маҳалладаги аҳоли ва тадбиркорларнинг мавжуд муаммо ва камчиликларини | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2023 йил апрель | Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш, ҳоким ёрдамчилари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, хотин- | Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Қўчқоров** | Камбағаллликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | алоқаларни йўлга қўйиш. | «**хонадонбай**» ўрганиш бўйича **сўровномаларни** ўтказиш, **натижаларини** тегишли давлат органлари ва ташкилотларига юбориш ҳамда кўрилган чоралар тўғрисидаги маълумотларни **ахборот тизимига киритиш**;<br>«Темир дафтар»га киритилган оилалар ҳамда «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизлар ва «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга кўрсатилган ёрдам ҳақидаги маълумотларни ахборот тизимига киритиб бориш;<br>маҳаллаларнинг ҳудуди, майдони, инфратузилмаси, чегараси акс этган харитаси, хонадонларнинг **жойлашуви**, **рақамлари** ва кўча номларининг **ягона базасини** юритиш;<br>«**Ижтимоий маҳалла**» **ахборот тизими** ҳамда «**Электрон ҳукумат**» **тизимининг** идоралараро интеграциялашув платформаси орқали **40 турдаги** маълумотларнинг ягона базасини юритиш назарда тутилади. | | | қизлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ёшлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармалари маблағлари | | **Б. Мусаев,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги<br>**Ш. Кудбиев,** Рақамли технологиялар вазирлиги<br>**Ш. Шерматов**, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 2. | Жойларда **ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда маҳаллалар ролини** ошириш. | **1. Маҳаллаларга** тегишли ҳудуддаги туман (шаҳар) маҳаллий Кенгашлари сессиялари **кун тартибига кўриб чиқиш учун таклиф киритиш, туман (шаҳар) маҳаллий Кенгашларининг қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда иштирок этиш** ҳуқуқини тақдим этиш.<br>**2.** Ҳар бир маҳалланинг **«ўсиш нуқталари»** ва уларда яшовчи аҳолининг эҳтиёжидан келиб чиқиб, **маҳалланинг молиявий мустақиллигини кучайтириш** мақсадида маҳаллалар қошида тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш.<br>**3.** Маҳаллаларда **«Тадбиркорлар кенгашлари»ни ташкил этиш**, уларнинг мақоми ва вазифаларини белгилаш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2023 йил май | - | Олий Мажлис Сенати **Т. Нарбаева** *(келишув асосида)* | Камбағал ликни қисқартир иш ва бандлик вазирлиги **Б. Мусаев,** Адлия вазирлиги **А. Ташкуло в**, Қорақалп оғистон Республи каси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлик лари |
| 3. | Маҳаллаларнинг **моддий-техника базасини** мустаҳкамлаш. | **1.** Маҳаллаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича **2023 — 2025 йилларга мўлжалланган манзилли дастурни** ишлаб чиқиш. Бунда:<br>хизмат биносида муаммоси бўлган **2 327 та** маҳаллалар учун **хизмат биноларини қуриш**, **жиҳозлаш, замонавий** | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2023 йил апрель | Бюджетда маҳаллалар инфратузилма-сини ривожлантириш учун кўзда тутилган маблағлар доирасида, ҳомийлик, давлат-хусусий шериклик, «Маҳалла» | Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Қўчқоров** | Камбағал ликни қисқартир иш ва бандлик вазирлиги **Б. Мусаев,** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **ахборот технологиялари билан таъминлаш**;<br>биноларни қуришда маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли ҳамда профилактика инспекторлари учун алоҳида хоналар бўлишига эътибор қаратиш назарда тутилади. | | | жамғармаси маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар | | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги **Б. Закиров,** Рақамли технологиялар вазирлиги **Ш. Шерматов,** Ички ишлар вазирлиги **П. Бобожонов,** Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги **А. Икрамов** |
| 4. | Маҳалла институтини **жамият** | **1. «Маҳалла институтининг Ўзбекистонда** | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил июль | Вазирлар Маҳкамасининг | Вазирлар Маҳкамаси | Камбағалликни |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | **ҳаётида тутган ўрнини халқаро ҳамжамиятга етказиш.** | **фуқаролик жамиятини қарор топишидаги ўрни ва роли: кеча, бугун ва эртага**» мавзусида илмий-амалий конференция ўтказиш.<br>**2.** Мамлакатимизда юқори даражадаги **Халқаро форумни** ташкил этиш. | | | захира жамғармаси маблағлари | **Ж. Ходжаев** | қисқартириш ва бандлик вазирлиги **Б. Мусаев,** Ташқи ишлар вазирлиги **Б. Саидов,** Адлия вазирлиги **А. Ташкулов,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев,** Рақамли технологиялар вазирлиги **Ш. Шерматов,** Ички ишлар вазирлиги |
| | | **3.** Мамлакатимизда ўтказилиши режалаштирилган юқори даражадаги **Халқаро форумга** хорижий иштирокчиларни жалб қилиш мақсадида тадбирнинг концепцияси ва дастурини **рус ва инглиз тилларида** Ташқи ишлар вазирлигига тадбирдан **3 ой олдин** тақдим қилиш.<br>**4.** Халқаро форумда хорижий мутахассислар иштирокини таъминлаш.<br>**5.** «Маҳалла институтини жамият ҳаётида тутган ўрни» **Халқаро форумини ўтказиш**. | | 2023 йил май<br><br>2023 йил сентябрь | | | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | **П. Бобожонов,** Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги **А. Икрамов** |
| **2-мақсад: Халқ депутатлари Кенгашларини ҳудудларда мавжуд муаммоларни ҳал қилишдаги асосий бўғинга айлантириш** | | | | | | | |
| 5. | **Халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг** маҳаллалардаги муаммоларни ҳал қилишдаги ролини ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, **аҳолининг турмуш даражасини ошириш бўйича доимий комиссиялар фаолиятини** кучайтириш. | **1**. Тажриба тариқасида халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар **Кенгашларининг комиссия раисларини доимий асосда фаолият олиб боришларини** ташкил этиш.<br>**2.** Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқишда ва уни амалга оширишда халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг **доимий комиссиялари иштирокини таъминлаш.** | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2023 йил сентябрь | - | Олий Мажлис Сенати **Т. Нарбаева,** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Р. Давлетов** | Адлия вазирлиги **А. Ташкулов,** Олий Мажлис Сенати сенаторлари *(келишув асосида),* Давлат бошқаруви академияси **А. Бекмуродов** |
| **3-мақсад: Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг институционал асосларини замон талабларига мослаштириш** | | | | | | | |
| 6. | Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг | **1.** Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини тартибга солувчи | Ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар | 2023 йил сентябрь | - | Олий Мажлис Сенати **Т. Нарбаева,** | Адлия вазирлиги |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | **институционал асосларини такомиллаштириш орқали** уларга юклатилган ортиқча вазифа ва функцияларни мақбуллаштириш, улар фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш. | норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хатловдан ўтказиш.<br>**2.** Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг такрорланадиган вазифа ва функцияларини қайта кўриб чиқиш ва мақбуллаштириш. | | | | Олий Мажлис Қонунчилик палатаси **Н. Исмоилов,** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Ғ. Мирзаев, Р. Давлетов** | **А. Ташкулов,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев** |
| **4-мақсад: Давлат бошқаруви органлари фаолиятини «фуқароларга хизмат қилишга йўналтириш» тамойили асосида трансформация қилиш** | | | | | | | |
| 7. | Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятининг **институционал ва ташкилий-ҳуқуқий асосларини** такомиллаштириш. | **1.** Республика ижро этувчи ҳокимият органларини ташкил этиш ва тугатиш асослари ва мезонларини уларнинг ваколатлари ҳамда жавобгарлик соҳаларини аниқлаштирган ҳолда белгилаш. | Қонун лойиҳаси | 2023 йил апрель | - | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Ғ. Мирзаев, Р. Давлетов,** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлиги **Ш. Вафаев** | Адлия вазирлиги **А. Ташкулов,** Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги **О. Хасанов,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев,** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | Давлат бошқаруви академияси **А. Бекмуродов** |
| | | **2.** Давлат бошқаруви органлари ходимларининг маъмурий тартиб-таомилларни қўллаш борасидаги малакаларини ошириш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | Ҳисоб-китобларга кўра | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Ғ. Мирзаев** | Адлия вазирлиги **А. Ташкулов,** Давлат бошқаруви академияси **А. Бекмуродов** |
| **5-мақсад: Ихчам, профессионал, адолатли, юқори натижадорликка хизмат қиладиган давлат бошқаруви тизимини жорий қилиш** | | | | | | | |
| 8. | Вазирлик ва идораларнинг функция ва вазифаларини қайта кўриб чиқиш. | **1.** Вазирлик ва идораларнинг такрорланадиган **168 та** вазифа ва **301 та** функцияларини мақбуллаштириш нуқтаи назардан кўриб чиқиш.<br>**2.** Фаолияти самарасиз деб топилган ва давлат-ҳокимият ваколатлари берилган **40 дан ортиқ** идоралараро коллегиал органларни мақбуллаштириш, зарурат бўлганда уларнинг | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2023 йил октябрь | - | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Р. Давлетов,** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик | Адлия вазирлиги **А. Ташкулов,** Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | вазифаларини тегишли идораларга ўтказиш. | | | | ислоҳотлар агентлиги **Ш. Вафаев** | **О. Хасанов,** вазирлик ва идоралар |
| 9. | Давлат бошқаруви тизимида **адлия органларининг ҳуқуқий мақоми**ни қонун ҳужжати билан мустаҳкамлаш. | Ҳуқуқ ижодкорлиги соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш, ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ундан фойдаланишни таъминлаш ҳамда ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш борасида адлия органлари фаолиятини мустаҳкамлашга қаратилган қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш. | Қонун лойиҳаси | 2023 йил сентябрь | - | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Д. Кадиров** | Адлия вазирлиги **А. Ташкулов** |
| **6-мақсад: Давлат бошқаруви тизимида маъмурий аппаратни ихчамлаштириш ва иш жараёнларини мақбуллаштириш** | | | | | | | |
| 10. | **Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларининг иккинчи босқичи** доирасида ҳудудлардаги бошқарув тизимини ислоҳ қилиш. | Маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг фаолиятини чуқур таҳлил қилган ҳолда уларнинг фаолиятини такомиллаштириш ва ташкилий тузилмасини мақбуллаштириш, бўйсунув тизимини қайта кўриб чиқиш бўйича таклифларни тайёрлаш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари | 2023 йил апрель | - | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Б. Мавлонов** | Адлия вазирлиги **А. Ташкулов**, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | шаҳри ҳокимликлари |
| 11. | Давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш орқали иш жараёнларини мақбуллаштириш. | **Давлат бошқаруви органлари кесимида давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш бўйича чора-тадбирлар дастури** лойиҳасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари | 2023 йил ноябрь | - | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Б. Мавлонов,** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлиги **Ш. Вафаев** | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев**, Адлия вазирлиги **А. Ташкулов** |
| **7-мақсад: Мамлакатимиздаги ислоҳотларни изчил давом эттиришда Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар ролини янада ошириш** | | | | | | | |
| 12. | Парламент палаталари қўмиталарини назорат-таҳлил жараёнларига янада кенгроқ жалб этилишини таъминлаш. | Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қўмиталарига ҳукумат аъзоларининг, давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан парламент эшитувларини ўтказиш ташаббуси ҳуқуқини бериш бўйича таклифлар киритиш. | Ахборот-таҳлилий маълумотнома | 2023 йил июнь | - | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Р. Давлетов** | Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти **Ф. Отахонов**, Олий Мажлис Қонунчил |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | ик палатаси *(келишув асосида)* |
| **8-мақсад: Норма ижодкорлиги жараёнини модернизация қилиш, қонунчилик ҳужжатларининг қатъий ижросини таъминлаш** | | | | | | | |
| 13. | **Ҳуқуқий эксперимент** ўтказиш тартиби, асоси ва механизмини аниқ белгилаш. | **«Ҳуқуқий эксперимент асослари тўғрисида»ги қонун** лойиҳасини ишлаб чиқиш. Бунда:<br>ҳуқуқий экспериментнинг асосий принциплари, уни ташкил этиш ва ўтказиш тамойиллари (шартлари), давомийлик муддати;<br>ҳуқуқий эксперимент жорий этиш мумкин бўлмаган соҳалар;<br>ҳуқуқий эксперимент ўтказиш шакллари ва усуллари ва бошқа масалалар назарда тутилади. | Қонун лойиҳаси | 2023 йил октябрь | - | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Р. Давлетов** | Адлия вазирлиги **А. Ташкулов** |
| **9-мақсад: «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш, электрон давлат хизматларининг улушини 100 фоизга етказиш ҳамда бюрократияни бартараф этиш** | | | | | | | |
| 14. | Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш. | **1.** Никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрик натижаларини тиббиёт муассасалари томонидан **«ФҲДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизимига реал вақт режимида жойлаштириш** тартибини йўлга қўйиш.<br>**2.** Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари билан боғлиқ бўлган суд қарорларини | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2023 йил июль | - | Ўзбекистон Республикаси Президе?ти Администрацияси **Д. Кадиров** | Адлия вазирлиги **А. Ташкулов,** Соғлиқни сақлаш вазирлиги **А. Иноятов,** Олий суд |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | улар қонуний кучга кирган куни ушбу қарорни қабул қилган суд органи томонидан «ФҲДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизимига электрон тизим орқали юбориш ҳамда судда кўриб чиқилаётган далолатнома ёзувларини ахборот тизимидан юклаб олиш орқали, қарорларни ўзаро боғлаш тартибини жорий этиш. | | | | | **Б. Исломов** |
| 15. | Фуқаролар ва давлат идоралари ўртасидаги муносабатларда **ортиқча бюрократия ҳолатларига барҳам бериш** ишларини давом эттириш. | **1.** Давлат хизматларини қўшимча тўлов асосида **хизмат кўрсатувчи ходимни фуқаронинг яшаш жойига чақириш орқали махсус техник қурилмалар ёрдамида кўрсатиш** амалиётини кенгайтириш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2023 йил апрель | Ҳисоб-китобларга кўра | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Д. Кадиров** | Адлия вазирлиги **А. Ташкулов,** давлат хизматини кўрсатувчи вазирлик ва идоралар |
| | | **2. Вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақалари ва бошқа тиббий маълумотномалар берилишини** босқичма-босқич **электрон шаклга ўтказиш.** | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2023 йил апрель | Ҳисоб-китобларга кўра | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Л. Тўйчиев** | Соғлиқни сақлаш вазирлиги **А. Иноятов**, Рақамли технологиялар вазирлиги |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | **Ш. Шерматов** |
| | | **3.** Аҳолига давлат хизматлари кўрсатадиган давлат органлари ва ташкилотларида кўрсатилган **хизмат сифати, ходимларнинг муомала маданияти ва бошқа кўрсаткичларни** махсус электрон мосламалар орқали баҳолаш тизимини йўлга қўйиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил апрель | Ҳисоб-китобларга кўра | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Д. Кадиров** | Давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органлари ва ташкилотлари, Адлия вазирлиги **А. Ташкулов,** Рақамли технологиялар вазирлиги **Ш. Шерматов** |
| | | **4.** Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига субсидия ажратиш билан боғлиқ барча хизматлар босқичма-босқич ягона электрон платформага ўтказиш ҳамда субсидияларни ажратишнинг мақсадга мувофиқлигини электрон платформа орқали онлайн текшириш тизими йўлга қўйиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил август | Ҳисоб-китобларга кўра | Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Қўчқоров** | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев,** Адлия вазирлиги |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | **А. Ташкулов,** Рақамли технологиялар вазирлиги **Ш. Шерматов** |
| | | **5. Давлат хизматлари марказлари** орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари сонини **300 тага**, **Ягона интерактив давлат хизматлари портали** орқали кўрсатиладиган хизматлар сонини **570 тага** етказиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2023 йил май | Ҳисоб-китобларга кўра | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Р. Гулямов, Д. Кадиров** | Адлия вазирлиги **А. Ташкулов,** Рақамли технологиялар вазирлиги **Ш. Шерматов** |
| | | **6.** Айрим фаолият турлари бўйича лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни олмасдан тегишли фаолиятни бошлаш ҳамда уч ойлик «ўтиш ва мослашиш даври»ни белгилайдиган **«Бизнесга лицензиясиз кириш» (Zero Licensing) режимини** жорий этиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2023 йил май | Ҳисоб-китобларга кўра | Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Қўчқоров** | Адлия вазирлиги **А. Ташкулов,** Савдо-саноат палатаси **Д. Вахобов**, Рақамли технологи |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | ялар вазирлиги **Ш. Шерматов** |
| | | **7.** Камида **10 та** давлат хизматларини ариза берувчининг хоҳишига кўра қўшимча тўлов эвазига **тезлаштирилган тартибда кўрсатиш** амалиётини йўлга қўйиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил май | Ҳисоб-китобларга кўра | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Д. Кадиров** | Адлия вазирлиги **А. Ташкулов** |
| | | **8.** Электр, газ ва сув сарфи ҳисоблагичларини қиёслашдан ўтказиш бўйича давлат хизматларини **проактив тарзда** кўрсатиш (хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг ўз ташаббуси билан фуқаро мурожаатини кутмасдан) юзасидан таклиф бериш амалиётини йўлга қўйиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил май | Ҳисоб-китобларга кўра | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Р. Гулямов** | Энергетика вазирлиги **Ж. Мирзамахмудов**, Адлия вазирлиги **А. Ташкулов** |
| 16. | Электрон давлат хизматларининг улушини **55 фоиз**га етказиш. | **1.** 2023 йил мобайнида Ягона интерактив давлат хизматлари порталида жорий этиладиган ва оптимизация қилинадиган **40 та** давлат хизматлари ва сервислари рўйхатини тасдиқлаш. | Чора-тадбирлар режаси | 2023 йил март | Ҳисоб-китобларга кўра Ижрочилар маблағлари лойиҳа-техник ҳужжатларига мувофиқ | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Р. Гулямов** | Рақамли технологиялар вазирлиги **Ш. Шерматов**, Адлия вазирлиги |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | **А. Ташкулов,** манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| | | **2. Талабаларни ётоқхонага онлайн жойлашиш** имкониятларини берувчи, Давлат хизматлари маркази ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатиладиган бепул электрон хизматни жорий этиш. Бунда:<br>ётоқхоналар ҳисобини юритиш реестрини ишлаб чиқиш;<br>**ижтимоий ҳимояга муҳтож талабаларни устувор равишда жойлаштириш**;<br>Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали **электрон ариза бериш ва тўловларни амалга ошириш** имкониятини яратиш назарда тутилади. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2023 йил май | | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **О. Абдурахмонов** | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги **И. Абдурахмонов**, Рақамли технологиялар вазирлиги **Ш. Шерматов**, Адлия вазирлиги **А. Ташкулов** |
| | | 3. Қуйидаги давлат хизматларини Давлат хизматлари маркази ва Ягона интерактив давлат хизматлари | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2023 йил июнь | | | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | портали орқали кўрсатишни йўлга қўйиш:<br>**кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси** ва моддий ёрдам тайинлаш учун онлайн ариза тизимини жорий этиш;<br>спорт турлари бўйича **спорт унвонлари ва спорт разрядларини бериш.** | | | | | **Ш. Кудбиев,** Адлия вазирлиги **А. Ташкулов,** Рақамли технологиялар вазирлиги **Ш. Шерматов** Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги **А. Икрамов** |
| **10-мақсад: Давлат фуқаролик хизмати тизимини замонавий стандартлар асосида ташкил этиш** | | | | | | | |
| 17. | Давлат фуқаролик хизматини замонавий стандартлар асосида рақамлаштириш мақсадида **«Давлат хизматчиси» мобил дастурини** жорий этиш. | **1.** Давлат фуқаролик хизматчисининг юридик ҳамда жисмоний шахслар билан **иш фаолиятига оид муносабатларини рақамлаштириш** юзасидан таҳлил ўтказиш.<br>**2.** Техник топшириқ ҳужжатини шакллантириш ва молиялаштириш манбаларини аниқлаш.<br>**3.** Мобил иловани ишлаб чиқиш ва **«Электрон ҳукумат»** | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил март<br>2023 йил май<br>2023 йил июль | Давлат хизматини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **К. Куранбаев** | Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги, **О. Хасанов**, Рақамли технологиялар вазирлиги |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **тизимининг Идоралараро интеграциялашув платформаси** билан илова ўртасида электрон ахборот алмашинувини йўлга қўйиш.<br>**4.** «Давлат хизматчиси» мобил дастурини ишга тушириш. | | 2023 йил август | | | **Ш. Шерматов**, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги **Б. Мусаев** |
| 18. | Давлат фуқаролик хизматчиларининг раҳбарлик лавозимларига истиқболли ва салоҳиятли бошқарув кадрларини саралаш ва тайёрлаш бўйича **«100 нафар энг илғор етакчи» дастурини** йўлга қуйиш. | **1.** Ишчи гуруҳ тузиш, дастурни ташкил этиш юзасидан хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганиш.<br>**2.** Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.<br>Бунда:<br>ҳар икки йилда **100 нафар** салоҳиятли бошқарув кадрлари танлов асосида саралаб олинади;<br>улар учун **махсус ўқув дастури ва хорижда стажировка** ташкил этилади.<br>**3. «100 нафар илғор етакчи»** дастурини ташкил этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2023 йил сентябрь | Ҳисоб-китобларга кўра<br>Давлат хизматини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари, «Эл-юрт умиди» жамғармаси маблағлари, халқаро молия институтларининг грантлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси<br>**К. Куранбаев** | Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги **О. Хасанов**, Давлат бошқаруви академияси **А. Бекмуродов**, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | **И. Абдурахмонов,** Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги **Б. Мусаев** |
| 19. | Фуқароларнинг давлат фуқаролик хизматига кириш имкониятларини кенгайтириш. | Давлат фуқаролик хизматчиларининг вакант лавозимларига очиқ танловни ўтказишда шаффофликни ошириш ва инсон омилини қисқартириш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2023 йил июнь | - | Президенти Администрацияси **К. Куранбаев** | Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги **О. Хасанов** |
| **11-мақсад: Халқ билан мулоқот механизмларини такомиллаштириш** | | | | | | | |
| 20. | Ҳукуматнинг **ҳудудлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш**, ҳудудларда аҳоли томонидан кўтарилаётган **долзарб муаммоларни тезкор ҳал этиш** мақсадида **ҳар ойда камида бир маротаба** Қорақалпоғистон Республикаси, | **1. «Ҳукумат куни»**ни ҳудудлар кесимида ўтказиш бўйича режа-графикни ва унда иштирок этувчи мансабдор шахслар рўйхатини тасдиқлаш. **2. «Ҳукумат куни»** доирасида муҳокама қилинадиган муаммоларни таҳлил қилиш ва уни Ҳукумат аъзоларига ўрганиш учун етказиш бўйича соҳалар кесимидаги доимий ишчи гуруҳларни шакллантириш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2023 йил апрель | - | Вазирлар Маҳкамаси **А. Арипов** | Адлия вазирлиги **А. Ташкулов,** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Ҳукумат аъзолари иштирокида **«Ҳукумат куни»ни ўтказиб бориш амалиётини** йўлга қўйиш. | **3. «Ҳукумат куни»**ни ўтказиш тартибини тасдиқлаш. | | | | | шаҳри ҳокимлик лари |
| **12-мақсад: Таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш** | | | | | | | |
| 21. | Вазирлик, идора ва ташкилотлар томонидан **аҳоли эътирозларига сабаб бўлаётган тизимли масалаларни аниқлаш** ва уларга ечим топиш ишлари сифатини ошириш, аҳоли муаммолари ва мурожаатлар билан ишлашда **жамоатчилик назоратини** кучайтириш. | Халқ қабулхоналари ҳузурида таниқли ҳуқуқшунослар, маҳалла раислари, зиёлилар, ижодкорлар, журналистлар ва блогерлардан таркиб топган **«Халқ овози» жамоатчилик кенгашлари** фаолиятини йўлга қўйиш, бунда:<br>энг кўп эътирозларга сабаб бўлаётган **масалаларни муҳокама қилиш**, улар бўйича тегишли **давлат идоралари раҳбарларининг ҳисоботини эшитиш** ҳамда мазкур **муаммоларнинг бартараф этилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш**;<br>жойларда **ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш** мақсадида жамоатчилик орасида мамлакатимизда **жиддий ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш** юзасидан амалга оширилаётган | Ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар | 2023 йил май | - | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси<br>**У. Мухаммадиев** | Адлия вазирлиги **А. Ташкулов**, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхоналари |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | ва режалаштирилган тадбирлар бўйича тарғибот ишларини ташкил этиш;<br>ҳудудлардаги олий таълим муассасалари, етакчи социолог, психолог олимлар ва бошқа мутахассисларни жалб қилган ҳолда **жамиятдаги, аҳоли кайфиятидаги ўзгариш** ва талабларни ўрганиб бориш;<br>фуқаролар томонидан кўтарилаётган масалаларни тегишли соҳа мутахассислари ва жамоатчилик вакиллари иштирокида муҳокама қилиш, улар билан тушунтириш ишлари олиб бориш, **эътирозларга сабаб бўлаётган ҳолатлар бўйича тегишли ташкилотларга ахборот ва таклифлар** киритиш. | | | | | |
| 22. | **Давлат органлари устидан жамоатчилик назорати** ўрнатишнинг замонавий шаклларини жорий этиш. | Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш. Бунда:<br>маҳалла раиси томонидан аҳоли эътирозларига энг кўп сабаб бўлаётган муаммоларни аниқлаш мақсадида мунтазам равишда муҳокамалар ўтказиш;<br>**ҳар ойда** маҳалла кенгашида тегишли давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг амалга оширилган ишлар бўйича ахборотларини эшитиш; | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2023 йил август | - | Олий Мажлис Сенати Раиси **Т. Нарбаева** *(келишув асосида)* | Камбағал ликни қисқартир иш ва бандлик вазирлиги **Б. Мусаев,** Адлия вазирлиги **А. Ташкуло в,** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **«Маҳалла назорати» ва «маҳалла раиси сўрови»** институтларини жорий қилиш;<br>давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар бериш, давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш, жамоатчилик муҳокамаси, эшитуви, мониторинги, экспертизасини ўтказиш, жамоатчилик фикрини ўрганиш тартибларини жорий этиш назарда тутилади. | | | | | манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| **II. МАМЛАКАТИМИЗДА АДОЛАТ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ТАМОЙИЛЛАРИНИ ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЭНГ АСОСИЙ ВА ЗАРУР ШАРТИГА АЙЛАНТИРИШ** | | | | | | | |
| **13-мақсад: Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш** | | | | | | | |
| 23. | Баҳолаш фаолиятида давлат суд экспертизаси ва бошқа ташкилотлар учун умумий бўлган баҳолаш қоидалари, мезонлари ва тартибларини белгилаган ҳолда баҳолаш объектларининг, шу жумладан **бино ва иншоотлар қуришнинг замонавий тенденцияларини ҳисобга олиш** | **1.** Баҳолаш ва баҳолаш йўналишидаги суд экспертлик фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **тўлиқ хатловдан ўтказган** ҳолда, илғор халқаро тажрибадан келиб чиқиб, **ўзаро мувофиқлаштирилишини** таъминлаш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2023 йил сентябрь | Ҳисоб-китобларга кўра | Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Қўчқоров** | Адлия вазирлиги **А. Ташкулов,** Давлат активларни бошқариш агентлиги **А. Ортиков** |
| 77. | Хусусийлаштириш дастури доирасида **1 мингга яқин** корхонани савдога чиқариш. | Давлат иштирокидаги корхоналар, хўжалик фаолиятини амалга оширувчи давлат муассасалари ва давлат кўчмас мулк объектларини давлатда сақлаб қолиш мезонларидан келиб чиқиб **«сот ёки тушунтир» тамойили** асосида давлат иштирокидаги корхоналар сонини кескин қисқартириш ҳамда камида мингта давлат активларини оммавий савдолар орқали хусусийлаштиришни назарда | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2023 йил апрель | Ҳисоб-китобларга кўра | Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Қўчқоров** | Давлат активлари агентлиги **А. Ортиков**, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | тутувчи қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш. | | | | | |
| 78. | Энг йирик **10 та** компания ва тижорат банкларининг акцияларини аҳоли учун очиқ ва шаффоф савдога чиқариш (IPO). | **1.** Акцияларини аҳоли учун очиқ ва шаффоф савдога чиқариш (IPO) учун энг йирик **10 та** компания ва тижорат банкларининг рўйхатини шакллантириш.<br>**2.** Йирик **10 та** компания ва тижорат банкларининг «IPO» жараёнидаги ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқиш.<br>**3.** «IPO»га тайёргарлик жараёни давомида келиб чиқадиган зарур тадбирларни амалга ошириш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | Ҳисоб-китобларга кўра | Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлиги **Ш. Вафаев** | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев** |
| 79. | Иқтисодиётни, шу жумладан **саноатнинг етакчи тармоқларини янада либераллаштириш** ҳамда **трансформация жараёнларини жадаллаштириш**. | 2023 — 2026 йилларда устав капиталида **давлат улуши мавжуд трансформация қилинадиган акциядорлик жамиятлари** фаолиятига **ESG (Environment, Social, Governance)**ни жорий этиш, бунда атроф-муҳит, ижтимоий омиллар ва корпоратив бошқарув омиллари (ESG омиллари), шунингдек, барқарор ривожланиш масалалари билан боғлиқ омилларни ҳисобга олиш масалалари жамиятлар бошқарув органларида кўриб чиқилишини ташкиллаштириш ва тавсиялар ишлаб чиқиш. | Чора-тадбирлар режаси | 2023 йил октябрь | - | Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлиги **Ш. Вафаев** | Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлиги **А. Абдуқодиров,** Иқтисодиёт ва |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Халқаро молия институтларини жалб қилган ҳолда қуйидаги корхоналарда ESGни жорий этиш:<br>2023 йилда — **«Ўзметкомбинат» АЖ**;<br>2024 йилда — **«Навоий КМК» АЖ**, **«Олмалиқ КМК» АЖ**;<br>2025-2026 йилларда — бошқа давлат иштирокидаги бошқа йирик корхоналар. | | | | | молия вазирлиги **Ш. Кудбиев**, Давлат активларини бошқариш агентлиги **А. Ортиков,** «Ўзметкомбинат» АЖ, «Навоий КМК» АЖ, «Олмалиқ КМК» АЖ |
| 80. | Банк тизими активларида **хусусий сектор** улушини ошириш. | Банк тизимида давлат улушига эга тижорат банкларида трансформация жараёнларини амалга ошириш орқали банклардаги давлат улушини очиқ ва шаффоф механизмлар асосида хусусийлаштириш.<br>Бунда:<br>давлат улуши мавжуд банклар (Қишлоқ қурилиш банк, Халқ банки, Микрокредитбанк, Алоқа банк, Агро банк ва | Чора-тадбирлар режаси | 2023 йил давомида | - | Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлиги **Ш. Вафаев** | Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлиги |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Миллий банк) акцияларини **оммавий очиқ савдоларга** (IPO) олиб чиқиш бўйича олиб борилаётган ишларни самарали якунлаш;<br>**Ўзсаноатқурилишбанкдаги** давлат улушини стратегик инвесторга сотиш ва хусусийлаштиришга қаратилган тадбирларни якунлаш;<br>Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорликда **Асака банкни** трансформация қилиш бўйича келишувларни имзолаш назарда тутилади. | | | | | **А. Абдуқодиров**<br>Иқтисодиёт ва молия вазирлиги<br>**Ш. Кудбиев**,<br>Марказий банк<br>**М. Нурмуратов**,<br>давлат тижорат банклари |
| 81. | Банклардаги **омонатларни ҳимоялаш** тизимини такомиллаштириш. | Қуйидагиларни назарда тутувчи «**Банклардаги омонатларни ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида**»ги янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш:<br>банклардаги омонатларни кафолатлаш фондининг (Фонд) ташкилий тузилмасини ва ваколатларини белгилаш;<br>кафолатланадиган омонатлар қамрови ва миқдорини белгилаш;<br>барча банкларнинг Фондга аъзо бўлиши лозимлигини белгилаш; | Қонун лойиҳаси | 2023 йил октябрь | - | Вазирлар Маҳкамаси<br>**Ж. Қўчқоров** | Марказий банк<br>**М. Нурмуратов** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | банкларни санациялашда Фонд маблағларидан фойдаланиш имкониятини яратиш;<br>омонатларни Фонд томонидан тўлаб берилиши муносабати билан омонатчиларнинг банкдан устувор равишда талаб қилиш ҳуқуқини Фондга ўтказиш;<br>Фондга тўлаб берилиши лозим бўлган маблағлардан тўланган бадалларни чегириш амалиётини бекор қилиш. | | | | | |
| 82. | Бозорларда **янги иштирокчиларнинг кириб келишидаги мавжуд тўсиқларни бартараф этиш** орқали рақобатни ривожлантириш. | **1.** Рақобатни чекловчи **мутлақ (эксклюзив) ҳуқуқларни бекор қилиш** бўйича таклиф ишлаб чиқиш.<br>**2.** Камида **2 та товар бозорида рақобатни ривожлантириш** бўйича «Йўл харитаси» ишлаб чиқиш.<br>**3.** Тармоқларни тартибга солишда **юридик шахслар бирлашмаларининг бозорлардаги рақобатга салбий таъсирини чеклашга** қаратилган қоидаларни ишлаб чиқиш. | Амалий чора-тадбирлар<br>«Йўл харитаси»<br>Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2023 йил июль<br>2023 йил октябрь<br>2023 йил сентябрь | - | Вазирлар Маҳкамаси<br>**Ж. Қўчқоров** | Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси |
| **28-мақсад: Республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш орқали 2026 йилда республика экспорт ҳажмларини 30 млрд АҚШ долларига етказиш** | | | | | | | |
| 83. | 2023 йилда экспорт ҳажмини **23 млрд** доллардан | Ушбу кўрсаткичларнинг ижросини таъминлаш учун республика ҳудудлари ва | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | Ҳисоб-китобларга кўра | Вазирлар Маҳкамаси<br>**Ж. Ходжаев** | Инвестициялар, саноат ва |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | ошириш, махсус экспортсиз экспорт ҳажмини **17,7 млрд** долларга етказиш. Бунда:<br>экспорт таркибида тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар улушини **47 фоиздан 54 фоизга** ёки **9,6 млрд** долларга етказиш;<br>мавжуд хомашё ресурсларини қайта ишлаш қувватларини ошириш ҳисобига экспорт таркибидаги улушини **26 фоиздан 20 фоизгача** камайтириш;<br>хизматлар экспорт ҳажмларини **4,6 млрд** долларга етказиш. | тармоқлар билан биргаликда **2023 йилда экспортчи корхоналарни молиявий ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш чоралари кўриш**. Хусусан:<br>айланма маблағлар учун **350 дан ортиқ корхонага** Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармасидан қулай шартларда маблағлар ажратиш;<br>**580 тадан ортиқ корхонага** транспорт харажатларининг бир қисми қоплаб бериш;<br>**260 та тадбиркорлик субъектининг** халқаро тан олинган сертификат ва стандартларни жорий этиш харажатларини қоплаб бериш;<br>янги хорижий бозорларга кириш мақсадида маҳаллий мева-сабзавот маҳсулотлари экспортига **Ҳиндистон, Хитой, Франция** ва **Индонезия давлатларидан** анор, аччиқ қалампир, хурмо, тарвуз, узум, нўхат, гилос маҳсулотларига карантин рухсатномалари олинишини таъминлаш;<br>хорижий давлатларда доимий равишда фаолият юритувчи **«Made in Uzbekistan» бренди остида «шоу-рум»лар ташкил этиш** чоралари кўриш; | | | | | савдо вазирлиги **Л. Кудратов**, вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Allbiz, Global pulses, Europages каби халқаро электрон савдо порталларида «Ўзбекистоннинг миллий маҳсулотлари павильони»ни ишга тушириш. | | | | | |
| 84. | 2023 йилда тайёр маҳсулотлар экспортини қўшимча **4 миллиард долларга ошириш**. | **1.** Иқтисодиёт тармоқлари ва республика ҳудудлари, товар ва хизматлар, аниқ муддатлар кесимида **ойма-ой экспортга юклаш графиклари**ни ишлаб чиқиш, тасдиқланишини таъминлаш ҳамда ижрога қаратиш.<br>**2.** Экспорт прогноз кўрсаткичларининг ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлигини таҳлил қилиб бориш, мавжуд муаммоли масалаларни аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўриб бориш.<br>**3.** Экспорт прогнози ижросини таъминлаш, | Амалий чора-тадбирлар | Ҳар чоракда<br>Ҳар ойда камида 1 марта<br>2023 йил март | - | Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Ходжаев** | Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги **Л. Кудратов**, иқтисодиёт тармоқлари, тижорат банклари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари<br>Инвестициялар, |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | корхоналарга таъсирчан амалий ёрдам бериш мақсадида республикадаги йирик экспортчи корхоналарга тармоқлар, тижорат банклари ва ҳудудлардан масъул раҳбарларни **бириктириш**.<br>**4.** Маҳаллий экспортчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш.<br>**5.** Маҳаллий корхоналарнинг экспорт фаолияти узлуксизлигини таъминлаш мақсадида экспортолди молиялаштириш учун зарур кредит маблағларини ажратиб бориш.<br>**6.** Халқаро кўргазмалар ва тақдимотларда иштирок этиш орқали ўзбек брендлари ва маҳсулотларини хорижда илгари суриш бўйича **«Made in Uzbekistan» дастури**ни амалга ошириш. | | 2023 йил давомида<br>2023 йил давомида<br>Тадбирлар графигига мувофиқ | | | саноат ва савдо вазирлиги **Л. Кудратов**<br>Экспортни рағбатлантириш агентлиги, иқтисодиёт тармоқлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 85. | «**Янги Ўзбекистон — рақобатбардош маҳсулотлар юрти**» дастурини давом эттириш. | **1.** Экспортни қўллаб-қувватлаш бўйича яратилган имкониятларни кенг тарғиб қилиш орқали тадбиркорлик субъектларини экспорт фаолиятига фаол жалб қилиш. | Амалий чора-тадбирлар | Тадбирлар графигига мувофиқ | Ҳисоб-китобларга кўра | Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Ходжаев** | Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **2.** Инвестиция дастурлари доирасида ишга туширилган янги корхоналарни экспорт фаолиятига жалб қилиш.<br>**3.** «Янги Ўзбекистон — рақобатбардош маҳсулотлар юрти» дастури доирасида **2023 йилда 100 та** экспортчини қўшимча қўллаб-қувватлаш ва уларни рағбатлантириш чораларини кўриш.<br>**4**. Маҳаллий корхоналарнинг ташқи бозорларга чиқишига йўл очиб бериш мақсадида «тадбиркордан — экспортёргача» тамойили асосида **чора-тадбирлар дастури**га мувофиқ маҳаллий корхоналарни ташқи бозорларга чиқишига кўмаклашиш. | | 2023 йил давомида, ҳар чорак якуни бўйича ҳисобот киритган ҳолда 2023 йил давомида, ҳар чорак якуни бўйича ҳисобот киритган ҳолда | | | **Л. Кудратов**, Ташқи ишлар вазирлиги **Б. Саидов**, тижорат банклари, иқтисодиёт тармоқлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 86. | Европа бозорларига **текстиль, электр техникаси, чарм-пойабзал** ва бошқа тайёр маҳсулотлар экспортини камида **2 баробарга** ошириш. | **1.** Европа бозорининг **электротехника маҳсулотларига бўлган талабини ўрганиш** ва йирик импорт қилувчи компаниялар рўйхатини шакллантириш.<br>**2.** Европа бозорига экспорт қилиниши мумкин бўлган **20** | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | Ҳисоб-китобларга кўра | Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Ходжаев** | Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги **Л. Кудратов**, |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **турдаги маҳсулотлар рўйхатини** тузиш.<br>**3.** Халқаро сертификатлар олишни ташкил этувчи консалтинг **компанияларни аниқлаш ва улар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш**.<br>**4.** Экспорт қилиниши белгиланган маҳсулотларга Европа давлатида тан олинган халқаро сертификатлар олиниши бўйича зарур чоралар кўриш.<br>**5.** Халқаро сертификатларни олиш билан боғлиқ харажатларни Экспортни рағбатлантириш агентлиги маблағлари ҳисобидан қоплаб берилиши чораларини кўриш. | | | | | «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси, «Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Экспортни рағбатлантириш агентлиги |
| | | **6. GSP+ доирасида Европага экспортни** (ҳажми ва номенклатураси) кенгайтириш бўйича «Йўл харитаси» ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | Йўл харитаси | 2023 йил март | - | Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Ходжаев** | Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги **Л. Кудратов**, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев,** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | «Ўзтўқимачилик-саноат» уюшмаси, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги |
| | | **7.** Халқаро стандартлаш ва сертификатлаш ташкилотлари, «**Тери ишчи гуруҳи» (LWG) ва «Барқарор теричиликни ривожлантириш ташкилоти» (SLF)** билан ҳамкорликни йўлга қўйиш.<br>Соҳадаги камида **200 та** экспортчи корхонада халқаро сифат ва менежмент тизимлари стандартларини жорий қилиш чоралари кўриш.<br>Европанинг бренд маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари билан **«аутсорсинг»** ва **«франчайзинг»** асосида маҳаллий корхоналарда пойабзал ва чарм-атторлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича музокаралар ўтказиш ва бренд эгаларини жалб қилиш чораларини кўриш.<br>Европа давлатларида ташкил этиладиган йирик кўргазма- | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | - | Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Ходжаев** | «Ўзчармсаноат» уюшмаси, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги **Л. Кудратов**, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | ярмаркаларда маҳаллий пойабзал, чарм-атторлик, жун, мўйина ва қоракўлдан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг фаол иштирокини таъминлаш. | | | | | |
| 87. | Экспорт қилувчиларга **транспорт** ва **бошқа харажатларни компенсация қилиш** ишларини давом эттириш. | **1.** Экспорт қилувчиларнинг транспорт ва бошқа харажатларини компенсация қилиш тизими тўғрисида тадбиркорлик субъектларининг хабардорлигини ошириш.<br>**2.** Экспортни рағбатлантириш агентлигининг буюртмаларига асосан зарур субсидия маблағларини ажратиб бориш. | Амалий чора-тадбирлар | Доимий равишда<br><br>Буюртмага асосан | Ҳисоб-китобларга кўра | Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Ходжаев** | Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги **Л. Кудратов**, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев**, манфаатдор вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари |
| 88. | Маҳсулотлар экспорти бўйича ҳозирги **9 та босқичдан иборат божхона расмийлаштирувини 3 баробар қисқариш**. | **«Экспорт уч қадамда»** — экспорт божхона юк декларацияларини шакллантиришдан бошлаб, расмийлаштиришга қадар бўлган барча жараёнларни ўз ичига қамраб олган тизимни жорий этиш.<br>Бунда, экспорт операцияларини қуйидаги **3 босқичда** амалга ошириш назарда тутилади:<br>экспорт шартномасини шакллантириш;<br>товар ва транспорт ҳужжатлари асосида экспорт декларациясини автоматик шакллантириш;<br>божхона расмийлаштируви ва чегара назорати. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил август | Ҳисоб-китобларга кўра | Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Ходжаев** | Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги **Л. Кудратов**, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, **Ш. Кудбиев** Рақамли технологиялар вазирлиги **Ш. Шерматов,** манфаатдор вазирлик ва идоралар |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 89. | Экспортни рағбатлантириш агентлиги орқали **молиявий ёрдам кўрсатиш тартибини ихчамлаштириш**. | Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан кўрсатиладиган молиявий ёрдам хизматлари бўйича ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2023 йил июнь | - | Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Ходжаев** | Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги **Л. Кудратов**, Экспортни рағбатлантириш агентлиги |
| 90. | Республикадаги барча туман ва шаҳарларнинг экспорт бўйича масъул раҳбарлари учун **фаолият самар?дорлигини баҳолаш (KPI) тизимини жорий этиш**. | **1.** Республикадаги барча туман ва шаҳарларнинг экспорт бўйича масъул раҳбарларини учун янги корхоналарни экспорт фаолиятига жалб этиш, янги турдаги маҳсулотлар экспортини йўлга қўйиш ва янги бозорларни ўзлаштириш каби мезонлар асосида баҳолаш методологиясини ишлаб чиқиш.<br>**2.** Экспорт йўналишида республиканинг энг қолоқ ва энг намунали туман ва шаҳарлар рўйхатини шакллантириб бориш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил май | - | Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Ходжаев** | Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги **Л. Кудратов**, Экспортни рағбатлантириш агентлиги |
| 91. | **Туризм хизматлари экспортини 2 млрд** долларга етказиш. | **1.** Мамлакатнинг дипломатик ваколатхоналари билан ҳамкорликда ҳудудларнинг туризм салоҳиятини тарғиб қилиш, жумладан, «**Самарқанд —** | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | Ҳисоб китобларга кўра Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари доирасида | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси | Маданият ва туризм вазирлиги **О. Назарбеков,** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **Янги Ўзбекистоннинг туризм дарвозаси»** тарғибот кампаниясини ўтказиш. | | | | **О. Абдурахмонов** | Ташқи ишлар вазирлиги **Б. Саидов**, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев** |
| | | **2.** Транспорт-логистика хизматларини кенгайтириш. Бунда **хорижий давлат авиаташувчилари билан музокара олиб бориш** ва Европа, Осиё, Араб давлатлари ҳамда қўшни мамлакатлардан Ўзбекистон ҳудудига амалдаги халқаро авиақатновлар сонини кўпайтириш ва янги йўналишларни очиш. | Амалий чора-тадбирлар | График асосида | | | Транспорт вазирлиги **И. Махкамов**, Маданият ва туризм вазирлиги **О. Назарбеков** |
| | | **3.** Самарқанд шаҳрида **«Aviation & Logistics Forum» II-халқаро авиация форуми**ни ташкил этиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил сентябрь | Ҳисоб китобларга кўра | | Маданият ва туризм вазирлиги **О. Назарбеков**, Транспорт вазирлиги |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | **И. Махкамов** |
| | | **4.** Жойлаштириш ва меҳмонхона воситалари, овқатланиш, транспорт хизматларини кенгайтириш ва ҳунармандчилик устахоналари, заргарлик, сувенир маҳсулотлари савдосини йўлга қўйиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | | | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Маданият ва туризм вазирлиги **О. Назарбеков,** Транспорт вазирлиги **И. Махкамов** |
| **29-мақсад: Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг Ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш** | | | | | | | |
| 92. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг **тадбиркорлар билан** | **20 август — Тадбиркорлар куни** доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг **тадбиркорлар билан «очиқ** | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари | 2023 йил май | - | Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Ходжаев** | Савдо-саноат палатаси **Д. Вахобов,** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | **«очиқ мулоқот»** тадбирини ўтказиш. | **мулоқот»** тадбирини ўтказиш, бунда:<br>Республика штаби ҳамда ҳудудларда махсус штаблар фаолиятини ташкил қилиш;<br>**«Тадбиркор виртуал офиси»** ахборот портали орқали тадбиркорлик субъектларининг мурожаатларини **туну-кун қабул қилиш**ни ташкил қилиш;<br>тадбиркорлар томонидан билдирилган мурожаатлар асосида тизимли муаммоларни ҳал қилиш ва ечимлари юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;<br>**«Очиқ мулоқот» давомида билдирилган таклифларни амалга ошириш** юзасидан «йўл харитаси»ни тасдиқлаш;<br>янги ташаббусларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти, тадбиркорлар фикр-мулоҳазаларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш. | фармойиши лойиҳаси | | | | Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги **Л. Кудратов**, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев**, Бизнес-омбудсман **Д. Касимов** |
| 93. | Акциядорлик жамиятларида **корпоратив бошқарувни такомиллаштириш**. | Қуйидагиларни назарда тутувчи янги таҳрирдаги «**Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида**»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш:<br>корпоратив бошқарув соҳасида сўнгги йилларда | Қонун лойиҳаси | 2023 йил октябрь | - | Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Кўчқоров** | Давлат активларини бошқариш агентлиги **А. Ортиков**, Иқтисоди |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | амалга оширилаётган ислоҳотлар ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан келиб чиқиб, қонун лойиҳаси нормаларини такомиллаштириш;<br>жамиятлар томонидан йирик ва аффилланган шахслар билан битимларни тузишда акциядорлар манфаатларини ҳимоя қилишни янада кучайтириш;<br>жамият устав капиталини ошириш, жумладан қўшимча акциялар чиқаришда миноритар акциядорлар ҳуқуқларини таъминлашни кучайтириш;<br>жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш механизмларини кўриб чиқиш. | | | | | ёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев**, Адлия вазирлиги **А. Ташкуло в** |
| 94. | Ёнилғи қуйиш шаҳобчалари орқали реализация қилинган **газ ҳажми ҳисобини масофадан онлайн юритиш тизимини** жорий қилиш. | Ёнилғи қуйиш шоҳобчаларида реализация қилинган газ ҳажмининг аниқ ҳисобини юритиш учун газ қуйиш ускуналарига махсус дастурлаштирилган маҳсулотни жорий этиш ва уни Иқтисодиёт ва молия вазирлиги маълумотлар базасига интеграция қилиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил июнь | Ҳисоб-китобларга кўра | Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Қўчқоров** | Иқтисоди ёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев**, Энергетик а вазирлиги **Ж. Мирзама хмудов** |
| 95. | 2023 йилда **назорат қилувчи ва** | **1. «Тадбиркорлик субъектларини солиқ** | Қонун лойиҳаси | 2023 йил апрель | Ҳисоб-китобларга кўра | Вазирлар Маҳкамаси | Адлия вазирлиги |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | **рухсат берувчи идоралар фаолиятини** танқидий кўриб чиқиш. | **текширувларидан ўтказиш муддатларининг қисқартирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги** қонун лойиҳасини киритиш.<br>**2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг т**адбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш** ҳамда **лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш**. | Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳаси | | | **Ж. Қўчқоров** | **А. Ташкулов**, Савдо-саноат палатаси **Д. Вахобов,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев** |
| 96. | Илғор тажрибалар асосида **солиқ ва божхона маъмурчилигини** тубдан ислоҳ қилиш. | Солиқ маъмурчилиги бўйича:<br>Маълумотларни қайта ишлаш маркази ҳузурида барча солиқ тўловчиларнинг шахсий карточкаларини юритишни марказлаштирган Бюджет билан муносабатларни бошқариш дирекциясини Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва Солиқ қўмитасининг амалдаги штат бирликлари доирасида ташкил этиш;<br>солиқларни ўз вақтида тўлаётган интизомли солиқ тўловчилар бўйича «Ишончли | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | Ҳисоб-китобларга кўра | Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Қўчқоров** | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев**, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги **А. Бурханов** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | солиқ тўловчиси рейтинги»ни юритиш. | | | | | |
| 97. | Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонунчиликни қайта кўриб чиқиш. | Бунда, тадбиркорлар учун қулай шароитлар яратиш, инвестиция киритиш фаолияти ва давлат-хусусий шериклик фаолияти ўртасидаги аниқ чегара ва мезонларни белгилаш назарда тутилади. | Ахборот хати | 2023 йил май | - | Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ислоҳотлар агентлиги **А. Мусаев** | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев**, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги **Л. Кудратов**, Адлия вазирлиги **А. Ташкулов** |
| **30-мақсад: Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш** | | | | | | | |
| 98. | 2023 йилда сув таъминоти яхши бўлган **100 минг** гектаргача қўшимча экин майдонларини деҳқончилик кўникмаларига эга бўлган, шу жумладан **«Темир дафтар»**, **«Аёллар дафтари»** ва **«Ёшлар дафтари»**га | **1. Деҳқон хўжаликларини ташкил этиш** учун фермер хўжаликлари ва агросаноат кластерларига ижарага берилган, улар томонидан самарали фойдаланилмаётган, сув таъминоти тизими яхши бўлган, аҳоли | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | Ташаббускорлар маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Ш. Ғаниев**, **Б. Мавлонов** | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги **А. Воитов**, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев**, |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | киритилган аҳолига ажратиш ҳисобидан қарийб **350 мингта** янги деҳқон хўжаликларини ташкил этиш. | яшаш жойларига яқин бўлган, лотларга бўлиш натижасида контурлар яхлитлиги бузилмайдиган ерларни танлаб олиш тартибини жорий этиш.<br>**2.** Деҳқон хўжаликларига ажратилган ер майдонларида ҳудудлар эҳтиёжлари учун зарур бўлган экспортбоп ва бозорбоп қишлоқ хўжалиги экинлари экилишини таъминлаш.<br>**3.** Сабзавот, полиз, дуккакли, мойли ва картошка экинларини интенсив усулда экиш ишларини ташкил этиш.<br>**4.** Кооперация тизими асосида маҳсулот етиштириш ва сотишни йўлга қўйиш. | | | | | Сув хўжалиги вазирлиги **Ш. Хамраев** |
| 99. | **750 мингта** янги деҳқон хўжаликларини тадбиркорга, ер эгасига айлантириш, бунинг | **1.** Ҳудудлар кесимида маҳсулотларни хомашё базасига | Чора-тадбирлар дастури | 2023 йил март | Тадбиркорлик субъектлари ўз маблағлари, тижорат банклари | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги **А. Воитов**, |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | ҳисобига қишлоқларда ижтимоий муаммолар, аввало, ишсизлик ва камбағаллик масаласини ҳал этиш ишларини давом эттириш. | нисбатан мавжуд сақлаш ва қайта ишлаш қувватларини ўрганиш.<br>**2.** Ўрганиш натижаларига кўра инфратузилма (электр, табиий газ, ичимлик сув, оқова, транспорт йўли) объектлари билан таъминлаш чораларини белгилаш ва лойиҳаларни шакллантириш.<br>**3.** Белгиланган лойиҳаларни ўз вақтида ишга тушириш чораларини кўриш. | | | кредитлари, халқаро молия институтлари маблағлари, хорижий инвестициялар бюджет маблағлари | **Б. Мавлонов** | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Адлия вазирлиги **А. Ташкулов** |
| 100. | Аграр соҳада юқори қўшилган қиймат занжирини яратиш лойиҳаларига **2023 йилда 1 миллиард АҚШ доллари** ажратиш. | **1.** Аграр соҳанинг барча йўналишларида юқори қўшилган қиймат занжирини яратиш лойиҳаларининг манзилли рўйхатини ҳудудлар кесимида шакллантириш.<br>**2.** Манзилли рўйхатни масъуллар ва тижорат банклари билан келишиш.<br>**3.** Шакллантирилган | Чора-тадбирлар дастури | 2023 йил март | Тадбиркорлик субъектлари ўз маблағлари, тижорат банклари кредитлари, халқаро молия институтлари маблағлари, хорижий инвестициялар | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Б. Мавлонов** | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги **А. Воитов**, Қорақалпоғистон республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | дастурни келишиш учун вазирликка тақдим этиш. | | | | | |
| 101. | **Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида** янги агротехнологиялар, сув тежовчи ва ҳосилдорликни оширишга қаратилган **илмий-тадқиқотларни амалга ошириш.** | **1.** Мўйноқ туманида Қорақалпоғистон шароитида **«Chlorella vulgaris» ўсимлигини** интенсив кўпайтириш ва қишлоқ хўжалигида қўллаш, янтоқ ва қамишдан фойдаланган ҳолда **гидропоника усулида** тайёрланадиган маҳсулот асосида чорвачилик, балиқчилик ва паррандачилик хўжаликлари учун инновацион ем ишлаб чиқариш.<br>**2.** Марҳамат туманида қишлоқ хўжалиги соҳасида хизмат кўрсатиш «Ўсимликлар клиникаси» инновацион корхонасини ташкил этиш» лойиҳасини амалга ошириш.<br>**3.** Кармана туманида **13 хил** | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | - | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Б. Мавлонов** | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги **И. Абдурахмонов**, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги **А. Воитов**, Сув хўжалиги вазирлиги **Ш. Хамраев**, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Андижон, Навоий, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари ҳокимликлари |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | маҳаллий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан қуён, парранда ва чорва моллари учун озуқа еми ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш.<br>**4.** Нуробод туманида автомобилларга ва қишлоқ хўжалиги техникаларига **жойига бориб техник хизмат кўрсатишни** йўлга қўйиш.<br>**5.** Нишон туманида **чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва ўсимликлар озуқа базасини мустаҳкамлаш мақсадида суякдан экструдиция йўли билан маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича** лойиҳаларни амалга ошириш.<br>**6.** Қарши туманида такомиллаштирилган сувни шўрсизлантириш қурилмасининг | | | | | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | тажриба нусхасини ишлаб чиқариш.<br>**7.** Нишон туманида ҳароратни мўътадиллаштирувчи фаол нанокомпозицион қўшимчали пленка, қуёш концентратори ва гидрогеллар ёрдамида табиий ноқулай майдонларда ёқилғи ва сув сарфисиз ишлайдиган пилот иссиқхона ташкил этиш.<br>**8.** Нуробод туманида **«Грунт ва қатламлар орасида сув захираларидан фойдаланиш учун рақамли (ГИС) интерактив гидрогеологик харитани ишлаб чиқиш»** лойиҳаларини амалга ошириш. | | | | | |
| 102. | Қишлоқ хўжалигини **илмий асосда интенсив ривожлантириш** орқали **2023 йилда** даромадни камида **25 фоизга** ошириш. | **1.** Мева-узумчиликда янгидан **9 та** «In-vitro» лабораториясида **8 млн** дона сертификатланган | Чора-тадбирлар дастури | 2023 йил март | Ҳисоб-китобларга кўра | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Б. Мавлонов** | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги **А. Воитов**, Самарқанд, Наманган, Сурхондарё, Тошкент, |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | кўчатларни кўпайтириш учун **4 гектар** иссиқхоналар ташкил этиш. | | | | | Фарғона ва Хоразм вилоят ҳокимликлари |
| | | **2.** Сабзавот ва полиз экинлари селекциясини кучайтириш ҳисобига маҳаллий навларнинг улушини ошириш. Бунда:<br>**28,2 минг** гектарда сабзавот экинларини интенсив усулда етиштиришни йўлга қўйиш;<br>**интенсив сабзавот** кўчатлари етиштириш бўйича **17 та** кўчатхона ташкил этилиб, **100 млн дона сабзавот** кўчати етиштириш. | Чора-тадбирлар дастури | 2023 йил март | Ҳисоб-китобларга кўра | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Б. Мавлонов** | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги **А. Воитов** |
| 103. | Қишлоқ хўжалигининг йиллик **ўсиш суръатларини** камида **5 фоизга** етказиш. | **2023 йил**да **деҳқончиликда** ўсиш суръатини ўртача **5,5 фоиз**га ошириш чораларини кўриш.<br>Бунда **23,8 млн** тонна асосий турдаги мева-сабзавот, полиз, картошка маҳсулотлари, жумладан, **12,4 млн** | Чора-тадбирлар дастури | 2023 йил март | Ҳисоб-китобларга кўра | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Б. Мавлонов** | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги **А. Воитов** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | тонна сабзавот, **3,7 млн** тонна картошка, **2,6 млн** тонна полиз, **3,2 млн**. тонна мева ва **1,9 млн**. тонна узум маҳсулотларини етиштириш назарда тутилади. | | | | | |
| 104. | Экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳамда мева-сабзавотчиликни ривожлантириш, интенсив боғлар майдонини **1,5 баравар** ва иссиқхоналарни **1,2 баравар** кўпайтириш. | **1. «Тайёр ҳолда топшириш»** шарти асосида **1,2 минг** гектарда интенсив боғ ва токзорларни барпо этиш ҳамда аҳолига бўлиб тўлаш шарти билан ажратиш.<br>**2.** Сертификатланган **8 млн** дона мева кўчатлари билан таъминлаш.<br>**3.** 2023 йилда **35 минг** гектар токзор ва **25 минг** гектар янги боғлар барпо этиш ва бунинг учун **20 млн** дона кўчатлар етказиб бериш.<br>**4.** 2023 йилда **500 гектарда** иссиқхоналарни ташкил этиш.<br>**5.** Қишлоқ хўжалиги ва озиқ- | Чора-тадбирлар дастури | 2023 йил март | Лойиҳа ташаббускорлари ва тижорат банклари маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Б. Мавлонов** | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги **А. Воитов**, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги **Л. Кудратов**, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | овқат маҳсулотлари экспортини 2023 йилда **1,5 млрд** долларга етказиш чораларини кўриш. | | | | | |
| 105. | **Тупроқ унумдорлигини ошириш** ва муҳофаза қилиш. | Камида **200 минг** гектар майдонда алмашлаб экиш механизмини жорий қилиш;<br>**140 минг** гектар майдонда сидерат экинлар экиш ҳамда **110 минг** гектар майдонни **10 тонна**дан органик моддалар билан бойитиш;<br>ўсимликларни **агрокимёвий таҳлиллар** асосида озиқлантириш тизимини ривожлантириш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | Ҳисоб-китобларга кўра | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Б. Мавлонов** | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги **А. Воитов**, Табиат ресурслари вазирлиги **А. Абдухакимов** |
| 106. | Илм-фан ва инновацияга асосланган **агрохизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштириш**. | Илмий-тадқиқот институтлари фаолиятини тижоратлаштириш. Бунда:<br>2023 йилда **2 та** илмий-тадқиқот институти фаолиятини тижоратлаштириш;<br>**12 та** илмий-тадқиқот институтига | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | **1,0 млн** АҚШ доллари миқдорида халқаро молия институтлари маблағлари, Давлат илмий дастурлари | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Ш. Ғаниев** | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги **А. Воитов** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | тажрибали маҳаллий ёки хорижий экспертларни бириктириш. | | | | | |
| 107. | **Агрологистика марказларини** ривожлантириш. | Мамлакатимиз ҳудудларида **10 та** агрологистика маркази *(қуввати 65 минг тонна)* фаолиятини йўлга қўйиш. | Чора-тадбир дастури | 2023 йил март | Халқаро молия институтлари маблағлари, банк кредитлари | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Б. Мавлонов** | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги **А. Воитов**, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги **Л. Кудратов**, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлар |
| 108. | Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ошириш мақсадида ирригация-мелиорация объектларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда суғориш қудуқларини ўрнатиш орқали жами **100 минг гектар** ер майдонларини қайта фойдаланишга киритиш ва қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш. | **1. 100 минг** гектар янги ерларни қайта фойдаланишга киритиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан ташаббускорлар томонидан амалга оширадиган тадбирлар кўрсатиб ўтилган ҳамда қўшимча равишда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил март | Ҳисоб-китобларга кўра ташаббускорларнинг ўз маблағлари | Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Кўчқоров**, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Ш. Ғаниев** | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги **А. Воитов**, Сув хўжалиги вазирлиги **Ш. Хамраев**, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев**, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги **Б. Исламов** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | етиштириш имкониятини яратиш назарда тутилган манзилли рўйхатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>**2.** Манзилли рўйхат асосида белгиланган тадбирларни амалга оширишни ташкил этиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг тегишли йиғилиш баёнларини тасдиқлаш. | | 2023 йил давомида | | | |
| **31-мақсад: Сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва сувни иқтисод қилиш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш** | | | | | | | |
| 109. | Ирригация ва мелиорация тадбирларини амалга ошириш ва **сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш** ҳисобига сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш. | **1.** 2023 йилда **324,9** км канал, **78,5** км лоток, **18,4** км қувур ва **380,3** км коллектор-дренаж тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш.<br>**2.** Ирригация-мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳисобига жами **181,6 минг** гектар суғориладиган майдоннинг сув | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | Давлат бюджети параметрлари доирасида | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Ш. Ғаниев** | Сув хўжалиги вазирлиги **Ш. Хамраев**, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги **А. Воитов**, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев**, Рақамли технологиялар вазирлиги **Ш. Шерматов** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | таъминотини ва **94,3 минг** гектарнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш.<br>**3.** Қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда сув тежовчи технологияларни кенг жорий қилиш орқали сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш. | | | Тижорат банки кредитлари | | |
| 110. | Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича **тушумларнинг бир қисмини** туманларда **суғориш хизматларини ривожлантириш, ариқ, зовур ва каналларни бетонлашга** йўналтириш. | **1.** Ҳар бир вилоят бўйича алоҳида ишчи гуруҳ тузиш ҳамда туманлардаги ирригация тизими каналлари, хўжаликлараро (фермерлараро) ва ички суғориш тармоқлари ҳамда улардаги сув олиш жойлари ва мавжуд сув хўжалиги иншоотларини хатловдан ўтказиб, далолатномаларни расмийлаштириш.<br>**2.** Туманлардаги ирригация тизими каналлари, | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил март<br><br>2023 йил апрель | Ҳисоб-китобларга кўра | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Ш. Ғаниев** | Сув хўжалиги вазирлиги **Ш. Хамраев**, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги **А. Воитов**, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев**, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | хўжаликлараро (фермерлараро) ва ички суғориш тармоқларини бетон қопламали қилиш, лоток тармоқлари қуриш, улардаги сув хўжалиги иншоотларини таъмирлаш, тиклаш, янгиларини қуриш, бош сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаш, сув хизматини ривожлантириш, шунингдек, коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш ишларини босқичма-босқич амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда молиявий ҳисоб-китоблар қилиш. | | | | | |
| | | **3.** Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ базаси ва меъёрларини, шунингдек, уни | Таҳлилий маълумот | 2023 йил апрель | | | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | ҳисоблаш ва ундириш тизимини, шунингдек, хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш.<br>**4.** Туманлардаги ирригация тизими каналлари, хўжаликлараро (фермерлараро) ва ички суғориш тармоқларини бетонлаш ҳамда улардаги сув хўжалиги иншоотларини таъмирлаш-тиклаш, янгиларини қуриш, бош сув олиш жойларини сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлаш, сув хизматини ривожлантириш, шунингдек, коллектор-дренаж тармоқларини тозалаш ишларини сув хизматини ривожлантириш ишларини амалга ошириш учун сув солиғи тизимини такомиллаштириш | | 2023 йил май | | | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев**, Сув хўжалиги вазирлиги **Ш. Хамраев**, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги **А. Воитов** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | юзасидан таклиф тайёрлаш. | | | | | |
| 111. | Сув хўжалиги **объектларида** электр энергияси истеъмолини камайтириш. | **1.** Инвестиция лойиҳалари доирасида **5 та** насос станциясини модернизация, **324,5 км** канал ва **665 та** гидротехник иншоотларни реконструкция қилиш.<br>**2.** Сув хўжалиги тизимидаги насос станцияларида хизмат муддатини ўтаб бўлган **174 та** насос ва **234 та** электродвигателни алмаштириш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил март | Ҳисоб-китобларга кўра Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Ш. Ғаниев** | Сув хўжалиги вазирлиги **Ш. Хамраев,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев,** Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги **Л. Кудратов** |
| 112. | Сув хўжалиги объектларини **давлат-хусусий шериклик** шартлари асосида бошқариш. | Сув хўжалиги объектларини **давлат-хусусий шериклик шартларида** насос станцияларини ҳамда ирригация-мелиорация объектларини хусусий шериклар бошқарувига бериш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш. | Тармоқ жадвали | 2023 йил март | Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимларда кўзда тутилган маблағлар | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Ш. Ғаниев** | Сув хўжалиги вазирлиги **Ш. Хамраев,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев** |
| 113. | **16 та йирик насос станциясини** давлат-хусусий шериклик шартлари асосида | **1. 16 та** йирик насос станцияси давлат-хусусий шериклик шартлари | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил июнь | Ташаббускор компанияларнинг тўғридан-тўғри | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси | Сув хўжалиги вазирлиги **Ш. Хамраев,** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | модернизация қилиш ва муқобил энергияга ўтказиш. | асосида модернизация қилиш ва муқобил энергияга ўтказиш бўйича хусусий шериклар билан мулоқотлар олиб бориш.<br>**2. 16 та** йирик насос станциясини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида модернизация қилиш ва муқобил энергияга ўтказиш бўйича техник-иқтисодий асослар лойиҳаларини ишлаб чиқиш.<br>**3.** Хусусий шериклар билан **16 та** йирик насос станциясини модернизация қилиш ва муқобил энергияга ўтказиш бўйича белгиланган тартибда битим имзолаш ҳамда рўйхатдан ўтказиш. | | 2023 йил ноябрь<br>Лойиҳаларни амалга ошириш жадвали бўйича | инвестиция маблағлари | **Ш. Ғаниев** | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев,** Энергетика вазирлиги **Ж. Мирзамахмудов** |
| **32-мақсад: Чорвачилик озуқа базасини кенгайтириш ва ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5-2 баравар кўпайтириш** | | | | | | | |
| 114. | **Чорвачиликда йиллик ўсиш суръатини** камида **3,8 фоизга** етказиш. | Қуйидагиларни назарда тутувчи дастур ишлаб чиқиш:<br>**чорвачиликда** ўсиш суръатини | Чора-тадбирлар дастури | 2023 йил март | - | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Ш. Ғаниев** | Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | ўртача **3,8 фоизга** ошириш;<br>**қорамоллар** бош сонини **14,7 млн** бошга, шундан **сигирлар** бош сонини **5,1 млн** бошга**, гўшт** ишлаб чиқаришни **2,9 млн** тоннага, **сут** — **12,5 млн** тоннага етказиш;<br>**8,7 млрд** дона тухум ва **650 минг** тонна парранда гўшти ишлаб чиқариш. | | | | | «Паррандасаноат» уюшмаси, тижорат банклари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари |
| 115. | Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини **ошириш.** | **1.** Чорва моллари бош сонини кўпайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш бўйича янги лойиҳаларни амалга ошириш. Бунда:<br>чорвачилик соҳасида **1 минг 900 та** лойиҳани амалга ошириш бўйича молиялаштириш манбалари аниқ кўрсатилган манзилли дастурни ишлаб чиқиш;<br>сунъий уруғлантиришга жалб этилган **3 000 нафар** | Чора-тадбирлар дастури | 2023 йил март | Халқаро молия институтлари ва тижорат банклари кредитлари ва ташаббускорлар ўз маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Ш. Ғаниев** | Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, «Паррандасаноат» уюшмаси, тижорат банклари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | техник осеминаторлардан **15 фоизининг** босқичма босқич график асосида малакасини ошириш;<br>**250 та** чорвачилик субъектини **«Наслчилик тоифаси»**га ўтказиш;<br>аҳоли хонадонларидаги **2,4 млн** бош (62 фоиз) сигир ва уруғлантириш ёшидаги таналарни сунъий уруғлантириш.<br>**2.** Паррандачилик йўналишида наслчилик хўжаликлари сонини **52 та**га етказиш, бунда:<br>инкубацион тухум ишлаб чиқаришни **290 млн дона**га етказиш;<br>паррандачилик йўналишидаги **281 та** лойиҳани амалга ошириш назарда тутилади. | | | | | |
| | | | **3.** Балиқчиликни ривожлантириш ва балиқ етиштириш ҳажмини кўпайтириш | Чора-тадбирлар дастури | 2023 йил март | Халқаро молия институтлари ва тижорат банклари кредитлари ва | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси | «Ўзбекбалиқсаноат» уюшмаси,<br>Сув хўжалиги вазирлиги |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бўйича чора-тадбирларни белгилаш. Бунда:<br>ҳудудлардаги ҳосилдорлиги паст бўлган сунъий сув ҳавзаларини босқичма-босқич интенсивлаштириш ва балиқ етиштириш ҳосилдорлигини **4-5 бараварга** ошириш;<br>**3 та** балиқлар учун мўлжалланган юқори оқсилга бой **омухта ем** корхонасини ишга тушириш;<br>балиқ личинкаларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган **7 та** замонавий инкубация цехи ва **300 гектар** майдонда репродуктор ҳавзалар барпо этиш. | | | ташаббускорлар ўз маблағлари | **Ш. Ғаниев** | **Ш. Хамраев,** тижорат банклари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари |
| | | **4.** Асалари оилалари сонини кўпайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш. Бунда:<br>2023 йилда асалари оилалари сонини **1,4 млн** донага етказиш ва **31 минг** тонна асал | Чора-тадбирлар дастури | 2023 йил март | Банк кредитлари ва ташаббускорлар ўз маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Ш. Ғаниев** | Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, «Ўзбекистон асаларичилари» уюшмаси |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | етиштиришни ташкил этиш;<br>асалари пакетлари экспортини **350 минг** донага етказиш. | | | | | |
| 116. | Чорвачилик **озуқа базаси мустаҳкамлаш.** | Қуйидагиларни назарда тутувчи чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш:<br>чорва озуқа майдонини **430 минг** гектарга етказиш;<br>пахта ва ғалла майдонларининг **10 фоизига** алмашлаб (беда ва бошқа чорва учун озуқабоп экинлар) экишни ташкил этиш;<br>чорвачилик субъектлари ва аҳолидаги чорва молларини тўйимли озуқа билан таъминлаш мақсадида **«Гидропоника» усулида** озуқа ишлаб чиқарувчи хўжаликлар сонини **328 тага** етказиш. | Чора-тадбирлар дастури | 2023 йил март | Хўжалик юритувчи субъектлар маблағлари,<br>шу жумладан банк кредитлари | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Ш. Ғаниев** | Қишлоқ хўжалиги вазирлиги **А. Воитов**, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари |
| **33-мақсад: Ҳудудларни мутаносиб ривожлантириш орқали ҳудудий иқтисодиётни 1,4 — 1,6 бараварга ошириш** | | | | | | | |
| 117. | Янги Ўзбекистонда ҳар томонлама ривожланган, обод ва | **1.** Қорақалпоғистон Республикаси бўйича | Норматив-ҳуқуқий | 2023 йил давомида | - | Олий Мажлис Сенати **Т. Нарбаева** | Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | фаровон **Янги Қорақалпоғистон**ни бунёд этиш ишларини давом эттириш. | қабул қилинган барча қарорлар ижросини ташкил этишнинг самарали механизмини жорий этиш.<br>Бунда:<br>Дастурлар ижросини Олий Мажлис Сенати ялпи мажлиси ва Кенгаши йиғилишларида муҳокама қилиб бориш;<br>Дастурлар ижросини ташкил этиш бўйича жойига чиққан ҳолда Ҳукуматнинг сайёр йиғилишларини ташкил этиш.<br>**2.** Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманларидаги аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ўрганган ҳолда, ҳар чоракда манзилли дастурларни тасдиқлаб, жойида ижросини ташкил этиш. | ҳужжат лойиҳаси<br><br>Вазирлар Маҳкамаси йиғилиш баёнлари | <br><br>Ҳар чоракда | <br><br>Ҳисоб-китобларга кўра | *(келишув асосида)* | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев**, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги **Л. Кудратов** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 118. | 2023 йилда аҳоли томонидан таклиф берилган **сув, электр энергияси, йўл, мактаб каби йўналишлар, шунингдек маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш** бўйича лойиҳаларни амалга ошириш.<br>Бунда, ажратилган маблағлар ва амалга оширилган ишлар юзасидан **кенг жамоатчиликни хабардор** қилиш. | «Очиқ бюджет» ахборот портали орқали 2023 йилда йўналтирилиши назарда тутилган маблағлар доирасида «Ташаббусли бюджет», «Менинг йўлим» ҳамда «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларини жамоатчилик фикри асосида шакллантириш.<br>Аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида, маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш дастурини давом эттириш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | **12 трлн сўм** Давлат бюджети маблағлари | Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Қўчқоров** | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев,** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари |
| 119. | **1 424 та** кўп квартирали уй-жойларни **мукаммал ва жорий таъмирлаш ишларини** амалга ошириш. | **711 та** кўп квартирали уйларнинг том қисмини жорий ва мукаммал таъмирлаш, **2 497 та** кириш йўлаклари, **843 та** уйларнинг фасад қисми, **302 та** уйларнинг ички муҳандислик, **406 та** уйларнинг ертўла | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | Ҳисоб китобларга кўра | Вазирлар Маҳкамаси **А. Раматов** | Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги **Б. Закиров**, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | қисми ҳамда **1 450 дона** электр тақсимловчи шитларни таъмирлаш, **1 448 та** кодли қулфланадиган темир эшиклар ўрнатиш бўйича манзилли рўйхатни шакллантириш ва унда белгиланган тадбирларни амалга ошириш. | | | | | |
| 120. | Аҳоли учун янги уй-жойлар қуриш ҳажмини **1,6 бараварга ошириб, 90 мингга етказиш** ва имтиёзли шартлар асосида **ипотека кредитлари беришни** давом эттириш. | **1.** Жойлардаги аҳолининг уй-жойга бўлган талабидан келиб чиқиб, янги уй-жойлар қуришни давом эттириш бўйича манзилли дастурларни шакллантириш ва тасдиқлаш.<br>Бунда, қайта тикланувчи энергия манбалридан фойдаланган ҳолда, электр ва иссиқлик энергияси учун эҳтиёжнинг бир қисмини қоплашни назарда тутиш.<br>**2.** 2022 йилда қуриш ишлари бошланган **29 та** | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2023 йил апрель | Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида тижорат банклари кредитлари, тадбиркорлик субъектлари маблағлари | Вазирлар Маҳкамаси **А. Раматов** | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги **Б. Закиров**, Марказий банк **М. Нурмуратов**, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | «Янги Ўзбекистон» массивларида уй-жойлар қурилишини давом эттириш.<br>Шунингдек, 2023 йилда янгидан **8 та** «Янги Ўзбекистон» массивларида уй-жойларни қуриш ишларини ташкил этиш.<br>**3.** Уй-жой сотиб олиш учун бошланғич тўлов ва ипотека кредитининг бир қисми қоплашга **1,1 трлн сўм** миқдорида субсидиялар ажратиш.<br>**4.** Уй-жойлар қурилаётган массивларнинг ижтимоий инфратузилмаси ва муҳандислик-коммуникация тармоқларини давлат бюджети ҳисобидан қурилишини таъминлаш. | | | **1,1 трлн сўм** Республика бюджети маблағлари<br><br>**697 млрд сўм** Республика бюджети маблағлари | | |
| 121. | Тошкент вилоятида **«Менинг биринчи уйим» янги ипотека дастурини** бошлаш. Дастур доирасида, | **1.** Хорижий тажрибани ўрганган ҳолда **«Менинг биринчи уйим» янги** | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2023 йил март | Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида тижорат банклари кредитлари, тадбиркорлик | Вазирлар Маҳкамаси **А. Раматов,** Ўзбекистон Республикаси | Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги **Б. Закиров**, Марказий банк |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | биринчи навбатда тураржойга эҳтиёжи бор ҳамда ёш оилалар учун энг қулай шартлар асосида уй-жойлар барпо этиш. | **ипотека дастури**ни тайёрлаш.<br>**2.** Тасдиқланган **«Менинг биринчи уйим»** янги ипотека дастури асосида Тошкент вилоятида уй-жойлар қурилишини ташкил этиш. | | | субъектлари маблағлари | Президенти Администрацияси **О. Хакимов** | **М. Нурмуратов**, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев,** Тошкент вилояти ҳокимлиги |
| 122. | Аҳолининг уй-жой шароитларини янада яхшилаш учун **жисмоний шахсларга ипотека кредити беришнинг** замонавий бозор тизимини ривожлантириш. | Илғор хорижий тажрибани ўрганган ҳолда, «**мақсадли ипотека омонати»** механизмини жорий қилиш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.<br>Бунда, аҳолининг уй-жой сотиб олиш бўйича «мақсадли ипотека омонати»га йўналтириладиган маблағлар учун давлат томонидан рағбатлантирувчи меъёрлар назарда тутиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2023 йил декабрь | Ҳисоб-китобларга кўра Давлат бюджети маблағлари | Бош вазир ўринбосари **Ж. Қўчқоров** | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев,** Марказий банк **М. Нурмуратов** |
| 123. | **Самарқанд** ва **Наманган** шаҳарларини алоҳида маъмурий-ҳудудий бирликлар | **1.** Республика аҳамиятидаги Самарқанд ва Наманган шаҳарларини ва улар | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2023 йил май | - | Вазирлар Маҳкамаси **А. Арипов** | Адлия вазирлиги **А. Ташкулов**, Самарқанд ва Наманган вилоятлари ҳокимликлари, |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | сифатида республика бўйсунувига ўтказиш. | таркибидаги туманларни ташкил этиш, чегараларини белгилаш, шу муносабат билан Самарқанд ва Наманган вилоятларининг чегараларини ўзгартириш ва уларнинг янги маъмурий марказларини белгилаш тўғрисида **Олий Мажлис палаталарининг қарорлари** лойиҳаларини Қонунчилик палатасига киритиш. | | | | | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев** |
| | | **2.** Самарқанд ва Наманган шаҳарларини **республика аҳамиятидаги шаҳарлар** сифатида ривожлантириш дастурларини қабул қилиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2023 йил август | Ҳисоб-китобларга кўра | | |
| **34-мақсад: Ҳудудларнинг муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тизимини ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш** | | | | | | | |
| 124. | Давлат бюджетини шакллантиришда, шу жумладан, **ижтимоий** | Давлат бюджетини шакллантиришда, шу жумладан, ижтимоий | Норматив-ҳуқуқий | 2023 йил сентябрь | - | Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Қўчқоров** | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев,** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | **ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш** дастуридаги объектларни реконструкция қилиш, **мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш** бўйича **манзилли рўйхатларни** шакллантиришда фуқаролар иштирокини кенгайтириш. | ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастуридаги объектларни реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли дастурларини шакллантиришда фуқароларнинг хабардорлиги ва фаол иштирокини таъминлаш чора-тадбирларини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш. | ҳужжат лойиҳаси | | | | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари |
| 125. | Иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолига **барқарор табиий газ етказиб берилишини таъминлаш**. | **1.** «Ўзтрансгаз» АЖ томонидан **47 км** магистрал газ қувурларининг нуқсонли қисмларини алмаштириш, **2200 км** қувурларнинг ички сиртини тозалаш, компрессор станцияларида **85 та** газ ҳайдаш агрегатини таъмирлаш ишларини олиб бориш; | Чора-тадбирлар дастури | 2023 йил давомида | «Ўзтрансгаз» АЖ маблағлари, инвестициялар ва хорижий кредитлар, «Ҳудудгазтаъминот» АЖ маблағлари | Вазирлар маҳкамаси **А. Арипов** | Энергетика вазирлиги **Ж. Мирзамахмудов,** «Ўзтрансгаз» АЖ, «Ҳудудгазтаъминот» АЖ |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **2.** «Ҳудудгазтаъминот» АЖ томонидан **150,5 км** газ тармоқлари ҳамда **2 396 та** газ тақсимлаш пунктини таъмирлаш ва реконструкция қилиш. | | | | | |
| 126. | Самарқанд, Бухоро, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида туристлар учун туну-кун фаолият юритадиган **«туризм кўчалари»** ташкил қилиш. | **1.** Ташкил этиладиган туризм кўчалари рўйхатини шакллантириш.<br>**2.** Туризм кўчалари фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда тунги вақтда ишлашини таъминлаш мақсадида уларнинг атрофини узлуксиз ёритиш. Мазкур ҳудудларни энергия тежамкор технологиялар ва қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмалари билан жиҳозлаш.<br>**3.** Туризм кўчаларида жамоат хавфсизлиги нормалари ва талаблари доирасида **«хавфсизлик чақирув тугмалари»** ўрнатиш ҳамда Wi-Fi | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | Ҳисоб-китобларга кўра | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **О. Абдурахмонов** | Самарқанд, Бухоро, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳри ҳокимлиги, Маданият ва туризм вазирлиги **О. Назарбеков**, Ички ишлар вазирлиги **П. Бобожонов** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | зоналари ташкил этиш. | | | | | |
| 127. | Республикамиздаги барча шаҳар ва туманлардаги марказий кўчалар, чорраҳалар ва аҳоли гавжум жойлар атрофларида ривожланган давлатлар тажрибаси асосида замонавий **санитария-гигиена шохобчалари тармоғини яратиш.** | **1.** Барча шаҳар ва туманлардаги марказий кўчалар, чорраҳалар ва аҳоли гавжум **масканларда замонавий санитария**-гигиена шохобчалари жойлаштириладиган жойларни аниқлаш.<br>**2.** Замонавий санитария-гигиена шохобчалари тармоғини ташкил этиш ишларига маҳаллий ва хорижий тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш.<br>**3.** Мазкур ер майдонларини тадбиркорлик субъектларига ажратиш ҳамда уларнинг инфратузилма тармоқларига (сув, электр энергияси, оқова тармоғига) уланишига кўмаклашиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | Ҳисоб-китобларга кўра | Вазирлар Маҳкамаси **А. Раматов** | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Маданият ва туризм вазирлиги **О. Назарбеков** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 128. | Республикадаги **кўп квартирали уйларнинг марказлашган иссиқлик таъминоти тизимини** ривожлантириш, энергия тежамкор технологияларни кенг жорий этиш ва энергия самарадорлигини ошириш. | **12 та** қозонхона ва **20 км** иссиқлик тармоқларида модернизация ва реконструкция ишларини янгидан бошлаш. Бунда:<br>**3 та** қозонхона ва **5 км** иссиқлик тармоқларини янгидан қуриш;<br>**9 та** қозонхона ва **15 км** иссиқлик тармоқларини реконструкция ва модернизация қилиш ишлари амалга ошириш назарда тутилади. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | Давлат ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида ажратиладиган маблағлар | Вазирлар Маҳкамаси **А. Раматов** | Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги **Б. Закиров**, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев**, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлар |
| 129. | Республика аҳолисини **марказлашган ичимлик сув таъминоти** билан таъминлаш даражасини **77 фоиз**га етказиш. | Йилдан-йилга ўтувчи **54 та** ва **янгидан бошланувчи 17 та** объектларда — **105 та** иншоотлар ва **1,4 минг км** ичимлик сув ва оқова сув тармоқларини қуриш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | **1 трлн сўм** Республика бюджети маблағлари | Вазирлар Маҳкамаси **А. Раматов,** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **М. Оллоёров** | Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги **Б. Закиров**, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев** |
| 130. | **Ёғингарчилик сувларини чиқариш** ва ёғингарчилик билан боғлиқ бўлган **сув тошқинларининг олдини олиш** | Каналлар, коллектор-дренаж ва **ёмғир сувларини оқизиш тармоқлари (ариқ ва лотоклар)ни тиклаш ва уларнинг ҳолатини яхшилаш,** | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2023 йил май | Ҳисоб-китобларга кўра | Вазирлар Маҳкамаси **А. Раматов** | Тошкент шаҳри ҳокимлиги **Б. Рахмонов**, Стратегик ислоҳотлар агентлиги **А. Мусаев,** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | **тизимини** такомиллаштириш. | шу жумладан ёғингарчилик билан боғлиқ тошқинларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирларини биринчи босқичда **Тошкент шаҳрида кейинчалик эса республиканинг бошқа ҳудудларида** амалга ошириш.<br>Бунда, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятлар марказларидаги Ободонлаштириш бошқармалари тасарруфидаги дренаж-**коллекторлар тизимини ўрганган ҳолда аниқланган носоз ҳолатдаги дренаж қудуқларини ва коллекторларни таъмирлаш ҳамда сизот сувлар сатҳини пасайтириш** ва **дренаж сувларини ўз вақтида четга чиқариб ташлашни таъминлаш** учун | | | | | Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги<br>**Б. Закиров** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | дренаж қудуқлари ва коллекторларни ташкил этиш бўйича дастурни ишлаб чиқишни назарда тутиш. | | | | | |
| **35-мақсад: «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг» дастури доирасида маҳаллий сайёҳлар сонини 12 миллион нафардан ошириш ҳамда республикага ташриф буюрадиган хорижий туристлар сонини 9 миллион нафарга етказиш** | | | | | | | |
| 131. | **Наманган шаҳри**нинг туризм салоҳиятини янада ошириш. | **1. «Гуллар байрами»** халқаро гуллар фестивалини ўтказиш.<br>**2. «Маданият карвони»** шаклида ҳудудларда концерт-томоша тадбирларини ўтказиш.<br>**3.** Ўзбекистон давлат филармонияси таркибидаги бадиий жамоаларнинг концерт-томоша тадбирларини ўтказиш.<br>**4.** Юнус Ражабий номидаги **мақом ансамблининг** концерт-томоша тадбирларини ўтказиш.<br>**5.** Ўзаролик тамойили асосида Наманган шаҳрида Қорақалпоғистон | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил май<br>2023 йил август<br>2023 йил июль — сентябрь<br>2023 йил август<br>2023 йил апрель — октябрь | Маҳаллий бюджет маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **О. Абдурахмонов** | Маданият ва туризм вазирлиги **О. Назарбеков**, Наманган вилояти ҳокимлиги, Бадиий академия, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё вилоятлари ҳокимликлари |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Республикаси, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё вилоятлари ва Тошкент шаҳрининг **«маданият кунлари»** тадбирларини ташкил этиш. | | | | | |
| 132. | Самарқанд шаҳрини дунё танийдиган **мегаполисга, халқаро туризм ва бизнес марказига** айлантириш. | **1.** Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар элчилари билан сайёҳларни олиб келиш чораларини кўриш.<br>Бунда:<br>Қирғизистондан — **176 минг**;<br>Қозоғистондан — **190 минг**;<br>Покистондан — **29,4 минг**;<br>Россиядан — **88,2 минг**;<br>Тожикистондан — **176 минг**;<br>Ҳиндистондан — **22 минг**;<br>Хитойдан — **15 мингга яқин**;<br>Эрондан — **22 минг нафар** сайёҳни жалб қилиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | Ҳисоб-китобларга кўра Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **О. Абдурахмонов** | Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Ташқи ишлар вазирлиги **Б. Саидов**, Маданият ва туризм вазирлиги **О. Назарбеков**, Транспорт вазирлиги **И. Махкамов** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **2.** Самарқанд шаҳри Беруний кўчаси 1-уйда жойлашган маданий мерос объектини қайта реставрация қилиш ишларини амалга ошириш ҳамда унинг негизида **«Ипак йўли»** санъат галереясини ташкил этиш. | | 2023 йил декабрь | | | Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Маданият ва туризм вазирлиги **О. Назарбеков**, Қурилиш ва уй-жой коммунал хизмат вазирлиги **Б. Закиров** |
| | | **3.** Самарқанд шаҳри Маҳмуд Қошғарий кўчаси 85А-уйда жойлашган маданий мерос объектида реставрация қилиш ишларини амалга ошириш ҳамда унинг негизида **«Арт резиденция»**ни ташкил қилиш. | | | | | |
| 133. | Юртимизга ташриф буюрадиган **хорижий сайёҳлар** сонини **7 млн нафар**га етказиш. | **1.** Хорижий туризм бозорларида **мамлакатимиз туризм салоҳиятини тарғиб қилиш**, бунда: маркетинг тадқиқотлари асосида муайян хорижий давлатларда Ўзбекистоннинг | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари доирасида | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **О. Абдурахмонов** | Маданият ва туризм вазирлиги **О. Назарбеков**, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев**, Ташқи ишлар вазирлиги **Б. Саидов,** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | туризм салоҳиятини кенг тарғиб қилиш;<br>нуфузли халқаро туризм кўргазма ва ярмаркаларида Ўзбекистоннинг миллий стенди билан иштирок этиш;<br>мамлакатнинг дипломатик ваколатхоналари ва ватандошлар кўмагида дунё миқёсида **«Ўзбекистон кунлари» промо акциялари**ни мунтазам ташкил қилиш;<br>хорижий журналист, блогер, влогерлар ҳамда инфлюэнцерлар учун Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини тарғиб этишга бағишланган инфо-турлар ташкил қилиш;<br>Ўзбекистоннинг туризм соҳасига оид халқаро рейтингларда ўрнини яхшилаш назарда тутилади. | | | | | Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги<br>**А. Ходжаев** |
| | | **2.** Янги туризм йўналишлари ва | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | Ҳисоб-китобларга кўра | Ўзбекистон Республикаси | Қорақалпоғистон Республикаси |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | маҳсулотларини тақдим қилиш, бунда **зиёрат, эко, агро, «балиқ ови» туризми, туризм қишлоғи, туризм ва гастрономик кўчалар, чўл ҳудудларида дам олиш** туризми хизматлари ҳамда маршрутларини яратиш. | | | (Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва тадбиркорлик субъектлари маблағлари) | Президенти Администрацияси **О. Абдурахмонов** | Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Маданият ва туризм вазирлиги **О. Назарбеков** |
| | | **3.** Маҳаллий ҳаво транспортини ривожлантириш мақсадида **«Uzbekistan helicopters» МЧЖ** билан биргаликда сайёҳларга мўлжалланган вертолётлар учун учиш ва қўниш майдончаларини ташкил этиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | Ҳисоб-китобларга кўра тадбиркорлик субъектлари маблағлари | Вазирлар Маҳкамаси **А. Раматов,** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **О. Абдурахмонов** | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Транспорт вазирлиги **И. Махкамов**, Маданият ва туризм вазирлиги **О. Назарбеков**, Фуқаро авиацияси агентлиги, «Uzbekistan Airways» АЖ |
| | | **4.** Туризм транспорт коридори бўйлаб ер майдонларини реализация қилиш ва автомагистраль йўллари бўйлаб | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | Ҳисоб-китобларга кўра тадбиркорлик субъектлари маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **О. Абдурахмонов** | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Маданият ва туризм вазирлиги |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | замонавий **карвонсарой**ларни ташкил этиш. | | | | | **О. Назарбеков**, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев** |
| 134. | 2026 йилгача туризм соҳасида банд бўлган аҳоли сонини **520 минг нафарга** етказиш. | **1.** 2026 йилга қадар **550 та** жойлаштириш воситасини ташкил қилиш, шундан, **2023 йил**да **170 таси**нинг фаолиятини йўлга қўйиш.<br>**2.** 2023 йилда республика бўйича **410 та** оилавий меҳмон уйларини ташкил қилиш.<br>**3.** 2023 йилда республика бўйича **80 та** туристик корхона фаолиятини йўлга қўйиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | Ҳисоб-китобларга кўра тадбиркорлик субъектлари маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **О. Абдурахмонов** Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Қўчқоров** | Маданият ва туризм вазирлиги **О. Назарбеков**, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари |
| 135. | **Навоий вилоятининг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш** бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш. | **1.** 2023 — 2026 йилларда туризм хизматларини камида **5 бараварга** ошириш, бунда янги меҳмонхона ва оилавий меҳмон уйлари ташкил этиб, ўринлар сонини **4 мингтага** етказиш.<br>**2.** Хизмат кўрсатиш объектларини йўлга | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2023 йил июнь | - | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **О. Абдурахмонов** | Навоий вилояти ҳокимлиги, Маданият ва туризм вазирлиги **О. Назарбеков** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | қўйиш орқали Навоий шаҳри марказида «Туризм кўчаси»ни ташкил этиш.<br>**3.** Навоий шаҳридаги Нурафшон кўчасини Гастрономик туризм кўчаси сифатида ташкил этиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш. | | | | | |
| 136. | Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрини **«Туризм маркази»** (Tourism centre) шаҳрига айлантириш ва Китоб туманида зарурий инфратузилмани ташкил этиш. | **1.** «**Tourism centre**» шаҳар мажмуасини ташкил қилиш, бунда:<br>миллий кўринишдаги **туризм қишлоқ ва маҳаллалар ташкил** қилиш;<br>**ҳунармандчилик устахоналари, заргарлик, сувенир маҳсулотлари дўконларини** йўлга қўйиш;<br>Шаҳрисабз тарихий марказида сайёҳлар учун хизматларни йўлга қўйиш.<br>**2.** Китоб туманида **«Қашқадарё туризм** | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил сентябрь | Ҳисоб-китобларга кўра тадбиркорлик субъектлари маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **О. Абдурахмонов** | Қашқадарё вилоят ҳокимлиги, Маданият ва туризм вазирлиги **О. Назарбеков** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **дарвозаси»** тамойили асосида зарур инфратузилмаларни ташкил этиш, бунда:<br>Тахтиқорача довонида сайёҳларга туризм хизматлари кўрсатишни ривожлантириш;<br>довон ҳудудида ўрмон хўжалик ерларини тадбиркорларга ижарага беришни ташкил этиш;<br>ҳудудда жойлашган зиёратгоҳларда сайёҳлар ташрифи учун шароит яратиш. | | | | | |
| 137. | Туризм соҳасида **йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш.** | **1.** Тошкент шаҳри Юнусобод туманида **замонавий гуллар боғи**ни ташкил этиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | Ҳисоб-китобларга кўра Ташаббускорлар ўз маблағлари | Вазирлар Маҳкамаси **А. Раматов**, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **О. Абдурахмонов** | Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Маданият ва туризм вазирлиги **О. Назарбеков** |
| | | **2.** Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги **«Амирсой» тоғ чанғи курорти** лойиҳасининг **2-босқичи**ни ишга тушириш. | Амалий чора-тадбирлар | | | | Тошкент вилояти ҳокимлиги, Маданият ва туризм вазирлиги **О. Назарбеков** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **3.** Наманган вилоятида ташкил этилган **«Афсоналар водийси»** кўнгилочар боғи тажрибаси асосида Фарғона ва Андижон вилоятларида кўнгилочар парклар ташкил этиш. | Амалий чора-тадбирлар | | | | Фарғона ва Андижон вилоятлари ҳокимликлари, Маданият ва туризм вазирлиги **О. Назарбеков** |
| 138. | Туризм соҳасига оид **халқаро даражадаги тадбирларни ўтказиш**. | Туризм ва маданий тадбирлар календарь режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. Бунда, 2023 йил давомида **MICE** тадбирларини Самарқанд шаҳридаги Ипак йўли халқаро туризм марказида ўтказилишига алоҳида эътибор қаратиш. | Чора-тадбирлар режаси | 2023 йил март | Ҳисоб-китобларга кўра Туризмни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари доирасида | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **О. Абдурахмонов** | Маданият ва туризм вазирлиги **О. Назарбеков**, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари |
| **36-мақсад: Барча транспорт турларини узвий боғлаган ҳолда ягона транспорт тизимини ривожлантириш, йирик шаҳарлар ўртасида кунлик транспорт қатновлари асосида манзилга етиб бориш ва қайтиб келиш имкониятини яратиш** | | | | | | | |
| 139. | Шаҳарлараро ва шаҳар атрофи темир **йўл қатновлари жозибадорлигини ошириш** ҳамда ҳаракат таркибини янгилаш ва модернизация қилиш. | **1.** Замонавий **34 та электр ва 6 та дизель поездларини** харид қилиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йилдан бошлаб | **396,0 млн долл** ХМИ/ХҲМТ маблағлари | Вазирлар Маҳкамаси **А. Раматов** | Транспорт вазирлиги **И. Махкамов**, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев**, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги |
| | | **2. Навоий-Бухоро** электрлаштирилган юқори тезликдаги **темир йўл** | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил декабрь | **33,0 млн долл** «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ маблағлари | | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **линиясининг иккинчи йўлини қуриш** ишларини якунлаш.<br>**3.** Йўловчи вагонлар паркини замонавий вагонлар билан таъминлаш мақсадида **10 та** йўловчи вагонини ишлаб чиқариш.<br>**4. 70 та** йўловчи вагонини капитал **таъмирлаш ва модернизация** қилиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил декабрь | «Ўзбекистон темир йўллари»АЖ маблағлари, тижорат банклари кредитлари | | **Л. Кудратов**, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ |
| 140. | Пойтахт аҳолиси ва меҳмонларига қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида **Тошкент метрополитени йўналишлари тармоғини кенгайтириш.** | **Ер усти ҳалқа метро линиясининг II босқичи** доирасида:<br>**5 та** бекатни ўз ичига олувчи **«Қўйлиқ-Қурувчилар»** қисмида**;**<br>**2 та** бекатни ўз ичига олувчи **«Қурувчилар-Қипчоқ»** қисмида қурилиш-монтаж ишларини якунлаб, фойдаланишга топшириш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил март-август | **32 млн долл** «Ўзмиллийбанк» АЖ кредит маблағи, **100 млрд сўм** Республика бюджети маблағлари | Вазирлар Маҳкамаси **А. Раматов** | Транспорт вазирлиги **И. Махкамов**, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев**, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ |
| 141. | Товар-моддий бойликларни ташиш учун **товар-транспорт** | **1.** Республика ҳудудида барча хўжалик юритувчи | Норматив-ҳуқуқий | 2023 йил август | Ҳисоб-китобларга кўра | Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Қўчқоров** | Транспорт вазирлиги **И. Махкамов**, |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | **юк хатлари ва йўл варақаларини электрон шаклда расмийлаштириш** тартибини жорий этиш. | субъектлар учун **товар-транспорт юк хатини электрон шаклда расмийлаштириш** тизимини жорий этиш.<br>**2.** Юкларнинг автотранспорт воситаларида ташилишини мониторинг қилиш бўйича ягона тизимни яратиш. | ҳужжат лойиҳаси | | | | Рақамли технологиялар вазирлиги **Ш. Шерматов,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев**, Ички ишлар вазирлиги **П. Бобожонов** |
| 142. | **Аэропортларда туристик ва ишбилармонлик муҳитини** янада ривожлантириш. | **2. Республика аэропортларини ривожлантириш стратегияси**ни ишлаб чиқиш. Бунда:<br>нуфузли хорижий компания экспертларини жалб қилган ҳолда **«Тошкент»** халқаро аэропортини ривожлантириш истиқболини белгилаш;<br>**Бухоро** ва **Урганч** аэропортларини **давлат-хусусий шериклик** асосида ҳар бир аэропортни алоҳида б?шқарувга | Стратегия лойиҳаси | 2023 йил апрель | - | Вазирлар Маҳкамаси **А. Раматов** | Транспорт вазирлиги **И. Махкамов**, «Uzbekistan Airports» АЖ |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | беришни жадаллаштириш;<br>**Фарғона водийсидаги** халқаро аэропортларни ривожлантириш бўйича мақбул йўналишни белгилаб олиш назарда тутилади. | | | | | |
| 143. | **Халқаро транспорт йўналишларида** юк ташиш учун қулай шарт-шароит яратиш. | **1. «Ўзбекистон — Туркманистон — Эрон — Туркия»** ва **«Ўзбекистон-Туркманистон — Эрон — Ҳиндистон»** транспорт коридорларини ривожлантириш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | - | Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Ходжаев** | Транспорт вазирлиги **И. Махкамов**, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги **Л. Кудратов**, Ташқи ишлар вазирлиги **Б. Саидов** |
| | | **2.** Юк вагонлари паркини янгилаш мақсадида **1000 та** юк вагонини қуриш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | «Ўзбекистон темир йўллари»АЖ маблағлари | Вазирлар Маҳкамаси **А. Раматов** | «Ўзбекистон темир йўллари»АЖ, Транспорт вазирлиги **И. Махкамов** |
| 144. | **Халқаро транспорт коридорларини ривожлантириш** ва йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш. | **1. «Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон»** темир йўлини қуриш лойиҳасининг техник иқтисодий асосини ишлаб чиқиш.<br>**2. «Термиз — Мозори-Шариф — Қобул — Пешовар»** темир йўлини қуриш | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | **5,7 млн долл** «Ўзбекистон темир йўллари»АЖ маблағлари | Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Ходжаев** | Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги **Л. Кудратов**, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев**, Транспорт вазирлиги **И. Махкамов**, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | лойиҳасининг техник иқтисодий асосини ишлаб чиқиш учун молиялаштириш манбаларини аниқлаш бўйича мувофиқлаштирилган чоралар кўриш. | | | | | |
| **IV. АДОЛАТЛИ ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ ЮРИТИШ, ИНСОН КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ** | | | | | | | |
| **37-мақсад: Ҳар бир фуқарога давлат ҳисобидан аниқ касб-ҳунарга ўқиш имкониятини яратиш. Касбга ўқитиш кўламини 2 баравар ошириб, жами 1 миллион нафар ишсиз фуқарони касб-ҳунарларга ўқитиш ва бу жараёнда нодавлат таълим муассасаларининг иштирокини 30 фоизга етказиш.** | | | | | | | |
| 145. | Халқаро тажриба асосида **меҳнат бозоридаги касб** ва **лавозимлар ҳамда уларнинг малака даражаларининг мувофиқлигини** қайта кўриб чиқиш. | Касб ва лавозимларнинг малака даражаларини **Миллий малака тизими** асосида такомиллаштириш. Бунда:<br>тармоқ малака кенгашлари, халқаро экспертлар билан тегишли **касб ва лавозимларнинг малака даражаларини қайта кўриб чиқиш**;<br>касбий стандартлар макетини такомиллаштириш ва иш жойларнинг функционал таҳлили асосида қайта кўриб чиқиш; | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат | 2023 йил декабрь | - | Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Кўчқоров** | Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги **Б. Мусаев**, Савдо-саноат палатаси **Д. Вахобов,** Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги **И. Абдурахмонов,** Тармоқ малака кенгашлари |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | машғулотларнинг халқаро стандарт классификацияси асосида **Миллий классификация**ни ишлаб чиқиш;<br>малака даражаларига мувофиқ касб ва лавозимларни кодлаштиришни таъминлаш ва классификаторни такомиллаштириш. | | | | | |
| 146. | Ишсиз ва иш қидираётган шахсларнинг **160 минг** нафарини талабгор касбларга ўқитиш ҳамда улардан камида **5 минг** нафарининг касбий малака даражаси малака тасдиқлаш ва уларга малака паспортларини тақдим этиш. | Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) гранти асосида Миллий техник малакани баҳолаш ва ўқитувчилар малакасини ошириш институти фаолиятини ташкил этишни назарда тутувчи:<br>**«Ишга марҳамат» мономарказлари** ва касб-ҳунарга ўқитиш марказлари ўқитувчилари ва муҳандис усталарини мақоми бўйича профессионал таълим ва умумий ўрта таълим муассасалари | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2023 йил май | Ҳисоб-китобларга кўра Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари | Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Қўчқоров** | Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги **Б. Мусаев**, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги **И. Абдурахмонов** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | педагогларига тенглаштириш ҳамда уларга ушбу ходимлар учун қонунчиликда белгиланган имтиёзлар ва ижтимоий ҳимоя кафолатларини татбиқ этиш;<br>«Ишга марҳамат» мономарказлари ҳузуридаги **Ўқув-маслаҳат офислари** фаолиятини трансформация қилиш;<br>инсонни ҳаёти, соғлиги ва хавфсизлиги билан боғлиқ касбларни **мажбурий сертификациялаш тизимини** тажриба-синов тариқасида босқичма-босқич жорий этиш. | | | | | |
| 147. | ЮНЕСКО тавсиялари асосида **Профессионал таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш стратегиясини** ишлаб чиқиш. | Профессионал таълим тизимини **2030 йилгача бўлган даврда** ҳар томонлама ривожлантириш бўйича стратегия лойиҳасини ишлаб чиқиш. | Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси | 2023 йил октябрь | Ҳисоб-китобларга кўра сметага мувофиқ | Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Кўчқоров** | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги **И. Абдурахмонов,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев,** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Бунда:<br>профессионал таълим муассасаларининг янги қиёфасини яратиш;<br>халқаро тажрибалар асосида кадрлар тайёрлашни янги босқичга олиб чиқиш;<br>моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;<br>иқтисодиёт тармоқларининг ривожлантириш йўналишларидан келиб чиқиб мақсадли кўрсаткичларни белгилаш;<br>таълим сифатини яхшилаш;<br>дуал таълимни ривожлантириш концепциясини хорижий экспертлар билан ишлаб чиқиш назарда тутилади. | | | | | Савдо-саноат палатаси<br>**Д. Вахобов,**<br>манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| 148. | **Ёшларни профессионал таълим муассасаларида касбга ўқитиш** кўламини кенгайтириш ва таълим | Профессионал таълим муассасаларига ўқувчиларни қабул | Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси | 2023 йил август | Ҳисоб-китобларга кўра | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги<br>**И. Абдурахмонов,** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | жозибадорлигини ошириш. | қилиш тизимини такомиллаштириш.<br>Бунда:<br>коллеж ва техникумларга ўқувчиларни қабул қилишни бир йилда икки марта ташкил этиш;<br>техникумларда мутахассислик йўналишидан келиб чиқиб давлат гранти ажратишни жорий этиш орқали умумий давлат гранти улушини **50 фоизга** етказиш;<br>хусусий секторнинг кадрларга бўлган эҳтиёжларини аниқлашни тизимли йўлга қўйиш. | | | | **О. Абдурахмонов** | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев**, Савдо-саноат палатаси **Д. Вахобов,** манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| 149. | **Оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган 75 минг нафар ишсиз хотин-қизларни** давлат ҳисобидан меҳнат бозорида талаб юқори бўлган **касб-ҳунарларга ўқитиш**. | **1.** Оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган **75 минг нафар** ишсиз хотин-қизларнинг манзилли рўйхатларини шакллантириш.<br>**2.** Ҳар бир ҳududнинг ўзига хос драйверидан ҳамда хотин-қизларнинг | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил март<br><br>2023 йил давомида | Ҳисоб-китобларга кўра | Вазирлар Маҳкамаси **З. Махкамова** | Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги **Б. Мусаев** |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | қизиқишларидан келиб чиқиб, уларни ички **меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касб-ҳунарларга ўқитиш**.<br>**3.** Касб-ҳунарга ўқитиш марказларида ўқитилган, малакага эга бўлган **хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш**, тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиши учун улар фаолиятига субсидия ва имтиёзли кредитларни жалб этиш.<br>**4.** Олис ва чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган, ишсиз хотин-қизларнинг бандлигини таъминлайдиган тадбиркорлик субъектлари учун **50,0 млн. сўм миқдорида грант** лойиҳаларини эълон қилиш. | | | 2023 йил октябрь | | | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 150. | **Европа касбий таълим ва касбга ўқитиш сифатини** таъминлаш (EQAVET) тизими талабларига тўлиқ жавоб берадиган намунавий профессионал таълим муассасалари фаолиятини йўлга қўйиш. | **2023 йил 1 сентябрга қадар** Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида малакали хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда **Европа касбий таълим ва касбга ўқитиш сифатини таъминлаш (EQAVET) тизими** талабларига тўлиқ жавоб берадиган **1 тадан намунавий профессионал таълим муассасалари** фаолиятини йўлга қўйиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2023 йил май | Ҳисоб-китобларга кўра | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **О. Абдурахмонов** | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги **И. Абдурахмонов,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев**, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари |
| 151. | **Нодавлат таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш**, соҳада лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш. | **1.** Нодавлат таълим ташкилотлари фаолиятини ташкил қилишда уларнинг **электрон кутубхонаси, ахборот-ресурс марказлари**, ўқитувчиларнинг тоифалари, битта синфда таълим **олувчиларнинг максимал сонига** | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2023 йил ноябрь | - | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **О. Абдурахмонов** | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги **Х. Умарова,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **қўйилган талабларни** енгиллаштириш.<br>**2.** Нодавлат таълим ташкилотларига **спорт зал ва талабалар дам олиш жойларини уларга ижара ва бепул фойдаланиш ҳуқуқи** асосида тегишли бўлган биноларда ҳам ташкил этишга рухсат этиш. | | | | | |
| **38-мақсад: Мактабгача таълимдаги қамров даражасини ҳозирги 67 фоиздан камида 80 фоизга етказиш.** | | | | | | | |
| 152. | **6 ёшли болаларни мактабгача таълим билан қамраб олишни** таъминлаш бўйича **мақсадли кўрсаткичларга** эришиш ишларини давом эттириш. | Болаларни сифатли мактабгача таълим билан қамраб олиш кўламини ошириш орқали қамров даражасини ошириш.<br>Бунда:<br>**269 та** қисқа муддатли тайёрлов гуруҳлари;<br>**94 та** тўлиқ кунлик тайёрлов гуруҳлари;<br>**1 384 та** мажбурий бепул тайёрлов гуруҳлари;<br>мактабгача таълимнинг муқобил шаклларини жорий этиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил якунига қадар | **60 млрд сўм** Республика бюджети маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **О. Абдурахмонов** | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги **Х. Умарова,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев** |
| 153. | Давлат-хусусий шериклик асосида | **1.** Янги мактабгача таълим ташкилотлари | Норматив-ҳуқуқий | 2023 йил апрель | - | Ўзбекистон Республикаси | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | мактабгача таълим **ташкилотларини ташкил этиш орқали нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш**. | фаолиятини ташкил этишни **кўп квартирали уйларнинг нотурар қаватларида** ёки **якка тартибда қурилган уй-жойларни сотиб олиш** ва кейинчалик уларни **реконструкция** қилиш, таъмирлаш ҳамда жиҳозлаш орқали амалга оширишга рухсат этиш.<br>**2.** Давлат-хусусий шериклик лойиҳаси доирасида ижарага берилган ер участкасида нодавлат мактабгача таълим ташкилоти биносини қурган хусусий шерик томонидан ушбу бинонинг **банк кредитлари бўйича гаровга қўйилишига оид чекловларни бекор қилиш.** | ҳужжат лойиҳаси | | | Президенти Администрацияси **О. Абдурахмонов** | **Х. Умарова,** Адлия вазирлиги **А. Ташкулов,** манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| | | **3. 1 600 та** оилавий мактабгача таълим ташкилотларини ташкил этиш ҳисобига | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил якунига қадар | **185 млрд сўм** Республика бюджети маблағлари | - | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги **Х. Умарова,** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **40 мингдан ортиқ** болалар ўрнини ташкил этиш. | | | | | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев** |
| **39-мақсад: Мактабгача таълим тизимида таълим сифатини янги босқичга олиб чиқиш.** | | | | | | | |
| 154. | Мактабгача таълим ташкилотлари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий компетенциясини ривожлантириш ҳамда ўқув дастурларини такомиллаштириш орқали таълим сифатини таъминлаш жараёнлари самарадорлигини ошириш. | **1.** Халқаро лойиҳалар доирасида хорижий мутахассисларни жалб этган ҳолда мактабгача таълим ташкилотларининг **14 минг**дан зиёд ходимларини (40 соатга мўлжалланган) қисқа муддатли малака ошириш курсларида ўқитиш.<br>**2.** Такомиллаштирилган **«Илк қадам»** давлат ўқув дастурини амалиётга кенг жорий этиш.<br>**3.** Мактабгача таълим ташкилотларини **25 номдаги** ўқув-методик ва дидактик материаллар билан таъминлаш.<br>**4.** Ота-оналар учун болалар тарбияси ва таълимига оид | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил ноябрь | **800 минг долл** Жаҳон банки маблағлари, бюджет маблағлари параметрларида кўзда тутилган маблағлар доирасида | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **О. Абдурахмонов** | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги **Х. Умарова,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев,** Рақамли технологиялар вазирлиги **Ш. Шерматов** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Интернет ресурсларини яратиш. | | | | | |
| 155. | Эрта ёшдаги болалар таълими сифати ва натижаларини баҳолаш бўйича халқаро MELQO (measuring early learning quality outcomes) баҳолаш тизими асосида **«Болаларнинг эрта ёшдан ривожланиши ва мактабгача таълим сифатини баҳолашнинг миллий тизими»**ни жорий этиш. | **1.** Халқаро **MELQO** таълим сифатини баҳолаш воситаларини миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда адаптация қилиш.<br>**2.** MELQO стандартларига мувофиқ мактабгача таълим сифатини баҳолашнинг миллий тизимини ишлаб чиқиш.<br>**3. Миллий баҳолаш тизими**ни тажриба-синовдан ўтказиш.<br>**4.** Тажриба-синов натижалари асосида миллий баҳолаш тизимини кенг қамровда жорий этиш чораларини кўриш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил ноябрь | Жаҳон банкининг «Эрта болаликдаги ривожланишни қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси доирасида **250 минг долл**. | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **О. Абдурахмонов** | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги **Х. Умарова** |
| **40-мақсад: Мактабгача таълим тизимида бюджет маблағларининг мақсадли ва самарали сарфланишини таъминлаш.** | | | | | | | |
| 156. | **Мактабгача таълим тизими**да ноқонуний молиявий хатти-ҳаракатлар, **коррупция ҳолатлари ва бюджет маблағларининг мақсадсиз** | **1. 6 412 та** давлат мактабгача таълим ташкилотида автоматлаштирилган тизимни ишга тушириш учун техник | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил сентябрь | Республика бюджетидан Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигига ажратилган | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **О. Абдурахмонов** | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги **А. Шин,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев,** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | **сарфланиши**ни олдини олиш. | воситаларни харид қилиш.<br>**2. Давлат мактабгача таълим ташкилотларини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими**ни ишга тушириш.<br>**3.** Ходимлар ва тарбияланувчиларнинг давомати ҳамда болаларни овқатлантириш билан боғлиқ харажатларни электрон ҳисобланишини йўлга қўйиш.<br>**4. «Ягона мавсумий таомнома»**ни жорий этиш. | | | маблағлар доирасида | | Коррупцияга қарши курашиш агентлиги<br>**А. Бурханов** |
| **41-мақсад: Мактабларни ривожлантириш миллий дастурини жорий этиш орқали халқ таълими тизимида қўшимча 1,2 миллион ўқувчи ўрни яратиш** | | | | | | | |
| 157. | Янги мактабларни қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш ҳамда уларда зарур шарт-шароитларни яратиш. | **1. «Намунавий мактаб»** лойиҳалари асосида **237 та** мактабни реконструкция қилиш ва янгидан барпо этиш орқали **76 минг** ўқувчи ўрнини яратиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | Давлат бюджети маблағлари **(1,7 трлн сўм)**, маҳаллий бюджет маблағлари, ҳомийлар маблағлари, тадбиркорлар маблағлари, | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси<br>**О. Абдурахмонов** | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги,<br>**Б. Закиров,** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **2.** Мактабларни тўлиқ **замонавий мебель, ускуналар** билан жиҳозлаш. | | | хорижий банк кредитлари | | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги **Х. Умарова** |
| | | **3.** Умумтаълим мактабларидаги **1200 та** маънан эскирган компьютер синфларини янгилаш. | Амалий чора-тадбир | 2023 йил якунига қадар | Республика бюджети **100 млрд сўм,** маҳаллий бюджет **100 млрд сўм** | | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги **Х. Умарова,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев** |
| | | **4.** Республикадаги **4860 та** *(шундан 2509 та ўғилболалар ва 2351 таси қиз болалар хонаси)* мактабдаги технология хоналарини жиҳозлаш. | Амалий чора-тадбир | 2023 йил якунига қадар | Маҳаллий бюджет маблағлари | | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги **Х. Умарова** |
| | | **5.** Нодавлат таълим ташкилотлари сонини **400 тага** етказиш. | Амалий чора-тадбир | 2023 йил якунига қадар | Тадбиркорлар маблағлари, хорижий банк кредитлари | | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги **Х. Умарова** |
| **42-мақсад: 2026 йилга қадар ўқув дастурлари ва дарсликларни илғор хорижий тажриба асосида тўла қайта кўриб чиқиб, амалда жорий этиш** | | | | | | | |
| 158. | Умумий ўрта таълим муассасаларида ўқувчиларни умуминсоний ва миллий қадриятлар, | **1.** Умумий ўрта таълим муассасаларининг 1 — 4-синфларида ўқувчиларни илғор | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил сентябрдан бошлаб босқичма-босқич | Давлат бюджетидан ушбу мақсадлар учун ажратилган маблағлари ҳисобидан | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги **Х. Умарова,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, шунингдек, уларда коммуникатив кўникмалар, танқидий ва креатив фикрлаш, ҳамкорликда ишлаш, тадқиқотчилик каби кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим дастурларини амалиётга киритиш. | хорижий тажриба асосида ишлаб чиқилган дарсликлар бўйича ўқитиш.<br>**2.** 5 — 9-синфларда ўқувчиларга умумтаълим фанларидан таянч билимлар бериш.<br>**3.** 10-11-синф ўқувчиларининг қизиқиш ва қобилиятига мос бўлган ихтисослашган дастурлар асосида билим бериш. | | | | **О. Абдурахмонов** | **Ш. Кудбиев** |
| | | **4.** Умумтаълим мактабларида дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни тажриба-синовдан ҳамда чет эллик мутахассислар иштирокида экспертизадан ўтказиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил сентябрь | Халқаро молия ташкилотлари маблағлари | | |
| | | **5.** Франциянинг **«Дидьер» нашриёти**нинг француз тили фани дарслигини харид қилиш.<br>Кембридж нашриётининг | | 2023 йил якунига қадар | | | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Информатика дарслигини барча таълим тиллари учун лицензион ҳуқуқини харид қилиш, таржима қилиш ва чоп этиш. | | | | | |
| **43-мақсад: Малакали ўқитувчиларнинг ойлик маошларини босқичма-босқич 1 000 АҚШ доллари эквивалентига етказиш.** | | | | | | | |
| 159. | Профессионал таълим **ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги тизимини** жорий этиш. | Қуйидагилар:<br>**1.** профессионал таълим муассасаси педагогларининг базавий тариф ставкаларини мос равишда умумий ўрта таълим муассасалари педагогларининг базавий тариф ставкаларига;<br>профессионал таълим муассасаси биринчи ва иккинчи малака тоифасига эга бўлган, малака тоифасига эга бўлмаган олий маълумотли ҳамда олий маълумотга эга бўлмаган ишлаб чиқариш таълими усталарининг базавий тариф ставкалари тегишинча умумий ўрта таълим муассасалари биринчи | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2023 йил март | Давлат бюджети маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **О. Абдурахмонов** | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги **И. Абдурахмонов**, Иқтисод ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев** |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | ва иккинчи малака тоифали ўқитувчиси, олий маълумотли ўқитувчиси ҳамда ўрта махсус маълумотли ўқитувчисининг базавий тариф ставкаларига тенглаштириш.<br>**2.** Профессионал таълим муассасасининг юқори натижаларга эришган педагог ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг базавий тариф ставкаларига директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳар ойлик **50 фоизгача** устама тўлаш амалиётини жорий этиш.<br>**3.** Профессионал таълим тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва профессионал таълим муассасаларини сақлаш харажатларини молиялаштириш тартибини янада такомиллаштириш назарда тутилади. | | | | | | |

**44-мақсад: Мактабларда таълим сифатини ошириш, педагог-кадрларнинг билими ва малакасини халқаро даражага олиб чиқиш.**

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 160. | **Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган ўқувчилар** учун қулай шароитлар яратиш. | **1.** Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун **инклюзив таълим** тизимини босқичма-босқич умумий ўрта таълим муассасаларида жорий қилиш.<br>Бунда, оммавий ахборот воситалари орқали инклюзив таълим тизимининг ижобий томонларини ота-оналарга кенг тарғиб қилиш.<br>**2.** Ҳар бир туман (шаҳар)да камида биттадан инклюзив мактаблар ташкил этиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил сентябрь | Ижрочилар маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **О. Абдурахмонов** | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги **Х. Умарова** |
| | | **3.** Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган (эшитишда нуқсони бўлган) **1-синф ўқувчиларини тиббий кўрикдан ўтказиш** ва уларга эшитиш мосламаларини тақдим этиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил ноябрь | - | | Соғлиқни сақлаш вазирлиги **А. Иноятов,** Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги **Х. Умарова** |
| 161. | Ихтисослаштирилган таълим муассасалари | **1.** Буюк Британиянинг | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил ноябрь | Президент таълим муассасалари | Ўзбекистон Республикаси | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | агентлиги тизимидаги таълим муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида уларнинг касб нуфузини ошириш ҳамда мақомини юксалтириш. | **Cambridge ташкилоти** билан ҳамкорликда **«PDQ» дастури**ни Агентлик тизимидаги Педагогик маҳорат ва халқаро баҳолаш илмий-амалий марказида жорий этиш.<br>**2.** Агентлик тизимидаги таълим муассасаларининг **«PDQ» дастури** асосида касбий малакасини оширган раҳбар ва педагог ходимларининг **«Илғор ўқитувчи»**, **«Устоз ўқитувчи»** ва **«Профессионал ўқитувчи»** даражаларини бериш орқали рағбатлантириш. | | | агентлиги ҳузуридаги Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари | Президенти Администрацияси **О. Абдурахмонов** | **Х. Умарова** |
| 162. | **«Педагог ходимнинг мақоми тўғрисида»ги** қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритиш. | Қонун лойиҳасида шу жумладан қуйидагилар назарда тутилади:<br>педагогларни ўз касбий фаолиятига кирмайдиган ишларга жалб қилишни тақиқлаш ҳамда **уларнинг шаъни,** | Қонун лойиҳаси | 2023 йил апрель | - | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **О. Абдурахмонов** | Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Қўчқоров** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **қадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш** кафолатларини мустаҳкамлаш;<br>педагог ходим фаолиятининг кафолатлари ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини мустаҳкамлаш, шу жумладан уларни **юқумли касалликларга қарши бепул профилактик эмлаш** ва **тиббий кўрикдан ўтказиш**, ўқув қўлланмалар билан таъминлаш;<br>педагоглардан ҳисоботлар ва бошқа маълумотларни талаб қилиш, уларнинг **фаолиятини асоссиз равишда текшириш**, турли тадбирларда қатнашишга мажбурлашга йўл қўймаслик. | | | | | |
| 163. | Фанларни ўқитиш самарадорлигини ошириш ва ўқув | Қуйид?ги масалалар бўйича таклифларни ишлаб чиқиш: | Ахборот хати | 2023 йил май | - | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги **Х. Умарова**, |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | юкламасини мақбуллаштириш. | **бошланғич синф ўқитувчиларининг** педагог ставкасини **16 соат этиб белгилаш**;<br>юқори синф ўқувчиларининг фанларга ихтисослашувини кенгайтириш;<br>умумий ўрта таълим мактаблари раҳбар ходимлари меҳнатига **ҳақ тўлаш шароитларини** яхшилаш. | | | | **О. Абдурахмонов** | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев** |
| **45-мақсад: Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида бошланғич синф ўқувчиларини босқичма-босқич бепул овқат билан таъминлаш.** | | | | | | | |
| 164. | Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида умумтаълим мактабларида соғлом овқатланиш тизимини амалга ошириш. | **1.** Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг ҳар бир шаҳар, туманлардаги умумтаълим мактаблари **1 — 4 синф ўқувчиларига озиқ-овқат етказиб берилиши**, сифати ва таъминланиши юзасидан доимий назорат ўрнатиш.<br>**2.** Мониторинг натижалари асосида **муаммоларни ҳал** | Амалий чора-тадбир | 2023 йил давомида | - | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **О. Абдурахмонов** | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги **Х. Умарова**, Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **этиш** тизимини яратиш. | | | | | |
| 165. | Республиканинг **барча умумтаълим мактабларида соғлом овқатланиш тизимини** амалга ошириш. | **1. Республиканинг барча мактабларида 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб** биринчи-тўртинчи синф ўқувчиларини **бепул овқат билан таъминлашни ташкил этиш.**<br>Бунда, овқат турлари ўқувчиларнинг ёши ва соғлиғи ҳолатига кўра меъёрланган ҳолда етказиб берилиши ҳамда санитария талабларига жавоб беришини таъминлаш.<br>**2.** Мониторинг натижалари асосида **муаммоларни ҳал этиш** тизимини яратиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2023 йил май | Давлат бюджети маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **О. Абдурахмонов** | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги **Х. Умарова,** Иқтисод ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев,** вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| **46-мақсад: Олий таълим билан қамров даражасини 50 фоизга етказиш ва таълим сифатини ошириш** | | | | | | | |
| 166. | Олий таълим муассасаларининг **таълим дастурларини халқаро таълим талабларига** мослаштириш. | **1.** Хорижий экспертлар иштирокида ички ва ташқи сифатни таъминлаш амалиётини дастлаб **6 та олий таълим** | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил март-ноябрь | Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари, хорижий грантлар | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **А. Тошқулов** | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги **И. Абдурахмонов,** тизимида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар, |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **муассасасида** жорий этиш. | | | | | |
| | | **2.** Мазкур олий таълим муассасаларининг таълим дастурларини халқаро ташкилотлар томонидан аккредитациядан ўтказиш. | | 2023 йил ноябрь | | | |
| 167. | Олий таълим муассасаларида **илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш самарадорлигини** ошириш. | Олий таълим муассасаларида таълим сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида:<br>**1.** Профессор-ўқитувчиларни **хорижий давлатларда малака ошириш** ва стажировка ўташ учун юбориш.<br>**2.** Республика олий таълим муассасаларида ўқув машғулотларини олиб бориш учун хориждан профессор-ўқитувчиларни жалб қилиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил декабрь | Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **А. Тошқулов** | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги **И. Абдурахмонов,** Ташқи ишлар вазирлиги **Б. Саидов,** «Эл-юрт умиди» жамғармаси **А. Бекмурадов** |
| **47-мақсад: 2026 йилга қадар 10 та салоҳиятли олий таълим муассасасини QS ва THE халқаро рейтингларига киришга мақсадли тайёрлаш.** | | | | | | | |
| 168. | Республика олий таълим муассасаларини **QS, THE халқаро** | **1.** Танлаб олинган **10 та** олий таълим муассасалари илмий- | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил октябрь | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ва олий | Ўзбекистон Республикаси | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | **рейтинг агентликларининг нуфузли олий таълим муассасалари рўйхатига** киритиш чораларини кўриш. | педагогик фаолиятининг **QS, THE халқаро рейтинг агентликлари** рўйхатига киритиш талабларига мувофиқлигини таҳлил қилиш.<br>**2.** Танлаб олинган **10 та** олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг **«Scopus»**, **«Web of Science»**, **«Science Direct»** ва бошқа нуфузли халқаро илмий-техник маълумотлар базасида индексланувчи илмий журналларида нашр этилган мақолалари сонини **1 600** тага етказиш.<br>**3.** Танлаб олинган **10 та** олий таълим муассасаларида «Хирш» индекси **5 ва ундан юқори** бўлган профессор-ўқитувчилар сонини **300** тага етказиш. | | | таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари | Президенти Администрацияси **А. Тошқулов** | **И. Абдурахмонов**, манфаатдор вазирлик ва идоралар |
| **48-мақсад: Қарийб 100 минг ўринли талабалар турар жойларини барпо этиш.** | | | | | | | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 169. | **Талабаларни турар жой билан таъминланиш** даражасини ошириш. | **1.** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан талабалар турар жойларини қуриш учун ер майдонларини белгиланган тартибда ажратиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил март-сентябрь | - | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **А. Тошқулов** | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| | | **2.** Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари, олийгоҳ ва бюджет маблағлари ҳамда инвестиция дастури доирасида **талабалар турар жойларини қуриш** бўйича лойиҳа ҳужжатларини расмийлаштириш. | | | Тадбиркорлик субъектлари маблағлари, Давлат бюджетида мазкур мақсадларга ажратилган маблағлар, Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари | | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги **И. Абдурахмонов**, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев**, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| | | **3.** 2023 йил якунига қадар олий таълим муассасаларида **18 минг** ўринли талабалар турар жойларини қуриш, ушбу лойиҳалар доирасида қурилаётган талабалар турар жойларини | | 2023 йил декабрь | | | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | фойдаланишга топшириш. | | | | | |
| **49-мақсад: 2026 йилгача нодавлат олий таълим ташкилотлари сонини камида 50 тага етказиш.** | | | | | | | |
| 170. | Олий таълим ташкилотларида **кадрлар тайёрлашда рақобатбардошликни ошириш** ва таълим сифатини яхшилаш. | Нодавлат олий таълим ташкилотларида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш.<br>Бунда:<br>нодавлат олий таълим ташкилотларини лицензиялаш талабларини такомиллаштириш;<br>олий таълим ташкилотлари миллий рейтингида нодавлат олий таълим ташкилотлари иштироки учун имконият яратиш;<br>нодавлат олий таълим ташкилотлари раҳбар кадрларига қўйиладиган малака талабларини кучайтириш назарда тутилади. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2023 йил сентябрь | Ҳисоб-китобларга кўра | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **А. Тошқулов** | Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги **И. Абдурахмонов,** Адлия вазирлиги **А. Ташкулов,** Бизнес-омбудсман **Д. Касимов** |
| **50-мақсад: «Эл-юрт умиди» жамғармаси орқали эркин ва ижодий фикрлайдиган ёшларни нуфузли хорижий олийгоҳларга ўқишга юбориш кўламини 2 бараварга ошириш, бунда ёшларнинг 50 фоизини техник, аниқ фанлар ва IT соҳаларига йўналтириш.** | | | | | | | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 171. | **«Эл-юрт умиди» жамғармаси таълим дастурлари** асосида иқтидорли ёшларнинг хорижий давлатларнинг энг нуфузли университетларида таълим олиши учун очиқ стипендия танловларини ўтказиш. | **1.** Хорижий олий таълим муассасаларининг таълим дастурларида қатнашиш мақсадида Жамғарма томонидан **очиқ стипендия** танловларини эълон қилиш ва ўтказиш.<br>**2.** «Эл-юрт умиди» жамғармасининг очиқ стипендия танловлари тартиби билан боғлиқ янгиликларни вазирлик, идора ва ташкилотлар, шунингдек, ҳудудлардаги ёшлар орасида кенг тарғиб этишга қаратилган ҳудудий амалий-услубий семинарлар ташкил этиш.<br>**3.** Стипендия танлови ғолибларини аниқлаш ва уларга Жамғарма стипендиати сертификатини тантанали топшириш ҳамда хорижий давлатларга таълим олишга юборишни ташкил этиш. | Жамғарма Васийлик кенгаши қарори | 2023 йил май ва ноябрь ойларида | Жамғармага ажратилган маблағлар доирасида | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **К. Куранбаев** | «Эл-юрт умиди» жамғармаси **А. Бекмуродов**, Ёшлар ишлари агентлиги **А. Садуллаев**, Ташқи ишлар вазирлиги **Б. Саидов**, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги **О. Хасанов**, МТРК **А. Хаджаев**, манфаатдор вазирлик ва идоралар |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **4.** Стипендиатларнинг хорижда таълим олиш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида хорижий нуфузли университетлар ва илмий марказлар билан ҳамкорлик меморандумлари тузишни янада кенгайтириш. | | | | | |
| | | **5.** «Эл-юрт умиди» жамғармасининг таълим дастурлари таркибини, стипендиатлар меҳнат фаолияти мониторингини юритиш механизмини, шунингдек, Жамғарма фаолиятини янада такомиллаштириш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2023 йил апрель | Ҳисоб-китобларга кўра | | «Эл-юрт умиди» жамғармаси **А. Бекмуродов**, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги **О. Хасанов,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев** |
| 172. | **«Эл-юрт умиди» жамғармаси стипендиатлари** ва хорижда истиқомат қилаётган қимматли **илмий-амалий тажрибага эга бўлган ватандошлар ўртасида мунтазам мулоқот ва ҳамкорликни** ўрнатиш. | «Эл-юрт умиди» жамғармаси стипендиатлари ва ватандошлар ўртасида мулоқот майдонини яратадиган анъанавий **III Халқаро Форум**ни ташкил этиш. | Жамғарма Васийлик кенгаши қарори | 2023 йил август | Жамғармага ажратилган маблағлар доирасида ва ҳомий ташкилотлар маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **К. Куранбаев** | «Эл-юрт умиди» жамғармаси **А. Бекмуродов,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев,** Республика Маънавият ва маърифат маркази **М. Хожиматов,** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | Ташқи ишлар вазирлиги **Б. Саидов,** Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги **О. Хасанов,** Ёшлар ишлари агентлиги **А. Саъдуллаев,** Ўзбекистон МТРК **А. Хаджаев**, Маданият ва туризм вазирлиги **О. Назарбеков** «Ватандошлар» жамоат фонди **О. Саттаров** |
| **51-мақсад: Иқтисодиётга инновацияларни кенг жорий қилиш, саноат корхоналари ва илм-фан муассасаларининг кооперация алоқаларини ривожлантириш.** | | | | | | | |
| 173. | Ўзбекистон Республикаси **Фанлар академияси ташкил топганлигининг 80 йиллигини** кенг нишонлаш. | Ўзбекистон академик фанининг ютуқларини кенг халқаро жамоатчиликка етказишга бағишланган **халқаро илмий-амалий анжуман ва илмий ишланмалар кўргазмаси**ни ўтказиш. Бунда:<br>анжуманга хорижий давлатлар | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил ноябрь | Ҳисоб-китобларга кўра | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **О. Абдурахмонов** | Фанлар академияси **Б. Юлдашев,** Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги **И. Абдурахмонов,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | вакилларини таклиф этиш;<br>анжуманга жаҳоннинг нуфузли илмий марказларидан камида **200 та** етакчи олимларни жалб қилиш;<br>анжуманда **Нобель мукофоти** лауреати иштирокини таъминлаш;<br>анжуман доирасида илмий ишланма ва маҳсулотлар кўргазмасини ташкил этиш. | | | | | |
| 174. | **Ўзбекистон тарихи, маданияти ва буюк аждодларимизнинг илмий-маърифий меросини сақлаш**, илмий муомалага киритиш, республика ва халқаро миқёсда **янада оммалаштириш**. | **1.** Ўзбекистон тарихи, маданияти ва илмий-маърифий меросига оид ноёб қўлёзма асарларни тадқиқ этиш, илмий муомалага киритиш ва оммалаштириш бўйича **2023 — 2026 йилларга мўлжалланган дастур** лойиҳасини ишлаб чиқиш.<br>Бунда:<br>соҳада ҳар йили **10 нафар** малакали | Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси | 2023 йил ноябрь | Ҳисоб-китобларга кўра Давлат бюджети маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **О. Абдурахмонов** | Фанлар академияси **Б. Юлдашев,** Маданият ва туризм вазирлиги **О. Назарбеков,** Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги **И. Абдурахмонов,** Тошкент давлат шарқшунослик университети **Г. Рихсиева,** Ўзбекистон халқаро ислом академияси **М. Комилов,** |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | манбашунос мутахассисларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва хорижий мамлакатларга стажировкага юбориш;<br>таниқли олимларнинг ноёб қўлёзма асарларини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ва таржимонлик мактабларини яратиш;<br>соҳада **«устоз-шогирд» анъаналари**ни жорий қилиш;<br>ноёб қўлёзма асарларини сақлаш, таъмирлаш, тадқиқ этиш, нашрдан чиқариш ва оммалаштириш ишларини моддий қўллаб-қувватлаш тизимини жорий этиш;<br>хорижий мамлакатларда чоп этилган юртимиз тарихи ва аждодларимиз илмий-маърифий меросига оид муҳим тадқиқотларни ўзбек | | | | | | Ислом цивилизацияси маркази<br>**Ш. Миноваров,**<br>Имом Бухорий халқаро маркази<br>**Ш. Зиёдов,**<br>манфаатдор вазирлик ва идоралар |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | тилига таржима қилиш ва нашр этишни йўлга қўйиш назарда тутилади. | | | | | | |
| | | **2.** Ўзбекистон тарихи, археологияси ва аждодлар меросига оид ноёб ёдгорликларни муҳофаза қилиш, таъмирлаш, илмий муомалага киритиш ва оммалаштириш ишлари самарадорлигини ошириш тўғрисида Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш.<br>Бунда:<br>республиканинг давлат фондларида сақланаётган ёзма манбаларнинг реестрини тузиш;<br>ноёб қўлёзмалардан **40 минг** кадр рақамлаштириш ва **5 минг** варақ таъмирланишини таъминлаш;<br>ўрта асрлар тарихи, фани, | Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси | 2023 йил ноябрь | | | | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | маданияти ва адабиётига доир **15 та** манбани илмий муомалага киритиш;<br>ўрта ва узоқ истиқболда соҳани ривожлантириш бўйича аниқ режа ва чора-тадбирлар дастурларини шакллантириш назарда тутилади. | | | | | |
| **52-мақсад: Глобал инновацион индексда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилаш ва 2030 йилга қадар топ-50 мамлакатлари қаторига кириш.** | | | | | | | |
| 175. | 2023 йилда **4- ва 8-синф ўқувчиларининг математика ва табиий фанлардан саводхонлигини** баҳоловчи **TIMSS 2023 халқаро баҳолаш дастурида** Ўзбекистон иштирокини таъминлаш. | **1.** Халқаро дастур ҳақида тарғибот-ташвиқот, семинар ва тренинглар ташкил этиш, мактаб директорлари ва ўқитувчиларнинг салоҳиятини ривожлантириш.<br>**2.** Халқаро тадқиқотда иштирок этиш бўйича аъзолик бадал тўловларини амалга ошириш.<br>**3.** Халқаро ташкилотлар томонидан танлаб олинган **166 та** мактабда моддий-техника базани | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил ноябрь | Жаҳон банкининг «Болаларни эрта ёшдан ривожлантиришни такомиллаштириш» лойиҳаси маблағлари ҳисобидан **169,6 минг долл** | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **А. Тошқулов** | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги **Х. Умарова,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев,** Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги **Л. Кудратов** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | мустаҳкамлаш, Интернет тармоғига уланиш сифатини ошириш ҳамда тадқиқотларни ташкил этиш.<br>**4.** 2024 йилда халқаро даражада эълон қилинадиган тадқиқотлар натижалари асосида кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, мактаб таълими, ўқув дастурлари ва ўқитиш методикаларини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни белгилаш. | | | | | |
| 176. | **Ўқувчилар саводхонлигини баҳолаш бўйича халқаро PISA 2025** тадқиқот дастурида **Ўзбекистоннинг иштирокини** таъминлаш. | **1.** Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) билан шартномага мувофиқ аъзолик бадалларини тўлаш.<br>**2.** Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти билан ҳамкорликда тадқиқотнинг 2024 йилдаги тажриба-синови ҳамда 2025 | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил ноябрь | Амалдаги қонунчиликка мувофиқ ажратиладиган маблағлар доирасида | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **А. Тошқулов** | Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги **Х. Умарова,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | йилдаги асосий синовларини ташкил қилиш ҳамда тадқиқотда мактабларнинг муваффақиятли иштирокини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.<br>**3.** Чора-тадбирларни босқичма-босқич амалга ошириш. | | | | | |
| **53-мақсад: Аҳоли учун кафолатланган ижтимоий кафолатларни таъминлаш, эҳтиёжманд қатламларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш.** | | | | | | | |
| 177. | Реабилитация марказларида ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация чоралари билан қамраб олиш кўламини 5 бараварга ошириш. | 1. Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказларида ногиронлиги бўлган шахсларни амбулатор шароитда бепул тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш тартиби лойиҳасини ишлаб чиқиш.<br>2. Амбулатор шароитда бепул тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2023 йил май | Ажратилган давлат бюджети маблағлари доирасида | Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Қўчқоров** | Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги **Б. Мусаев,** Соғлиқни сақлаш вазирлиги **А. Иноятов,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | тизимини 2023 — 2026 йилларда жорий этиш. | | | | | |
| **54-мақсад: Пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш.** | | | | | | | |
| 178. | Фуқароларнинг пенсия миқдорлари мамлакатнинг иқтисодий кўрсаткичларига мувофиқ изчил ошиб боришини таъминлаш. | Пенсионерга ҳисоблаб чиқариб қўйилган, лекин унинг томонидан ўз вақтида талаб қилиб олинмаган пенсиясини тўлаш муддатини 12 ойдан 24 ойга узайтириш. | Қонун лойиҳаси | 2023 йил июль | **15,2 млрд сўм** Пенсия жамғармаси маблағлари | Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Қўчқоров** | Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев,** Пенсия жамғармаси **А. Хайдаров** |
| **55-мақсад: Кўрсатилаётган тиббий хизматларни аҳолига янада яқинлаштириш ва қулайлигини ошириш мақсадида республика ҳудудларида тиббиёт кластерларини ташкил этиш.** | | | | | | | |
| 179. | Тошкент вилояти Нурафшон шаҳрида замонавий **кўптармоқли тиббиёт шаҳарчаси**ни барпо этиш. | **1.** Халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда лойиҳани амалга ошириш босқичлари, муддатлари ҳамда лойиҳа техник-иқтисодий асосларини ишлаб чиқиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил октябрь | Давлат-хусусий шериклик асосида | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Л. Тўйчиев** | Соғлиқни сақлаш вазирлиги **А. Иноятов,** Тошкент вилояти ҳокимлиги |
| | | **2.** «Тиббиёт шаҳарчаси»да қурилиш ишлари юзасидан **давлат-хусусий шериклик асосида тендер** эълон қилиш. | Амалий чора-тадбирлар | График асосида | | | |
| **56-мақсад: Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, тиббий хизматларни марказлаштириш ва аҳолини тиббий суғурталаш амалиётини жорий қилиш.** | | | | | | | |
| 180. | Тошкент шаҳрида Эндокринология | Қурилиш ишларини якунлаш | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил декабрь | **22,8 млрд сўм** | Ўзбекистон Республикаси | Тошкент шаҳар ҳокимлиги**,** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | маркази ва унинг **600 ўринли** кўптармоқли клиникасини фойдаланишга топшириш чораларини кўриш. | учун зарур маблағларни ажратиш. | | | Давлат бюджети маблағлари | Президенти Администрацияси **Л. Тўйчиев** | Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги **Б. Закиров,** Соғлиқни сақлаш вазирлиги **А. Иноятов** |
| 181. | Корея билан ҳамкорликда умумий қиймати **125 млн долларлик** 4 даражадаги **300 ўринли** катталар учун замонавий кўп тармоқли тиббиёт марказини барпо этиш | **1.** Лойиҳа консультантини ёллаш ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил ноябрь | **1 млн долл** Кореянинг «EDCF» жамғармаси кредит маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Л. Тўйчиев** | Соғлиқни сақлаш вазирлиги **А. Иноятов,** Инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги **Л. Кудратов,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги **Б. Закиров** |
| | | **2.** Қурилиш ишларини олиб бориш учун тендер ўтказиш. | Амалий чора-тадбирлар | Графикка асосан | | | |
| | | **3.** Қурилиш ишларини бошлаш. | Амалий чора-тадбирлар | Тендер ҳужжатларига асосан | | | |
| 182. | **Давлат тиббий суғуртаси механизмларини** жорий этиш ишларини давом эттириш. | **1.** Давлат тиббий суғуртаси механизмларини Тошкент шаҳридаги тиббиёт муассасаларига жорий этиш.<br>**2.** Тошкент шаҳрида жорий этилган **давлат тиббий суғуртаси тизими самарадорлигини таҳлил қилиш** ва қолган ҳудудларда босқичма-босқич | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил июль<br>2023 йил декабр | Ҳисоб-китобларга кўра | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Л. Тўйчиев** | Соғлиқни сақлаш вазирлиги **А. Иноятов,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев,** Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси **Ф. Шарипов** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | жорий этиш бўйича таклиф киритиш. | | | | | |
| 183. | Тиббиётда **юқори малакали кадрларни тайёрлаш**, тиббий ва фармацевтика таълими ҳамда илм-фанини янада ривожлантириш. | Тиббий таълим, малака ошириш ва қайта тайёрлаш йўналишларини **трансформация қилиш.** Бунда:<br>халқаро тажрибага асосланган ҳолда тиббиёт олийгоҳларининг мақомини қайта кўриб чиқиш;<br>тиббиёт олийгоҳларининг ўқув дастурларини тиббиёти ривожланган давлатлар (АҚШ, Корея, Германия, Россия ва бошқалар) стандартлари асосида такомиллаштириш;<br>тиббиётда етакчи бўлган хорижий олийгоҳлар дарсликлари ва ўқув материаллари асосида **янги авлод адабиётлари**ни яратиш;<br>талабаларнинг назарий ва амалий билим ҳамда | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2023 йил апрель | Ҳисоб-китобларга кўра | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Л. Тўйчиев** | Соғлиқни сақлаш вазирлиги **А. Иноятов,** Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги **И. Абдурахмонов** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | кўникмаларини баҳолаш, тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, уларга малака тоифасини бериш бўйича инсон **омили аралашмайдиган, шаффоф тизимни жорий этиш** назарда тутилади. | | | | | |
| **57-мақсад: Тиббий асбоб-ускуналарга техник хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш.** | | | | | | | |
| 184. | Республика ихтисослашган **Кардиология илмий-амалий маркази**ни тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш. | **1.** Асбоб-ускуналарни етказиб бериш бўйича шартномалар имзолаш.<br>**2.** Асбоб-ускуналарни етказиб бериш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил октябрь | **5,2 млн долл** Қувайт Араб иқтисодий ривожлантириш жамғармаси кредит маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Л. Тўйчиев** | Соғлиқни сақлаш вазирлиги **А. Иноятов,** Инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги **Л. Кудратов** |
| 185. | Республика ихтисослашган **Урология илмий-амалий маркази**ни тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш. | **1.** Тендер савдоларини ўтказиш.<br>**2.** Асбоб-ускуналарни етказиб бериш бўйича шартномалар имзолаш.<br>**3.** Асбоб-ускуналарни етказиб бериш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил декабрь | **10 млн долл** Қувайт Араб иқтисодий ривожлантириш жамғармаси кредит маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Л. Тўйчиев** | Соғлиқни сақлаш вазирлиги **А. Иноятов,** Инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги **Л. Кудратов** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 186. | **Республика шошилинч тез ёрдам илмий маркази** ва унинг филиалларини тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш. | **1.** Тендер савдоларини ўтказиш.<br>**2.** Асбоб-ускуналарни етказиб бериш бўйича шартномалар имзолаш.<br>**3.** Асбоб-ускуналарни етказиб бериш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил октябрь | **16,3 млн долл** Халқаро тараққиёт уюшмаси кредит маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Л. Тўйчиев** | Соғлиқни сақлаш вазирлиги **А. Иноятов,** Инвестиция ва ташқи савдо вазирлиги **Л. Кудратов** |
| **58-мақсад: Дори-дармон ва тиббий буюмлар муомаласини тартибга солиш ҳамда аҳолига арзон ва сифатли маҳсулотлар етказиб бериш тизимини такомиллаштириш.** | | | | | | | |
| 187. | **Халқаро тажриба асосида** дори воситаларини рецептсиз ва рецепт билан бериладиган **дори воситалари тоифасига киритиш тартибини** ишлаб чиқиш. | **1.** Рецептсиз ва рецепт билан бериладиган дори воситалари тўғрисида халқаро тажрибани ўрганиш. | Таҳлилий маълумот, Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил август | - | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Л. Тўйчиев** | Соғлиқни сақлаш вазирлиги **А. Иноятов** |
| | | **2.** Дори воситаларини **рецептсиз ва рецепт билан бериладиган дори воситалари тоифасига киритиш тартибини ишлаб чиқиш**, вазирлик ва идоралар билан келишиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш. | Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат | 2023 йил сентябрь | | | |
| | | **3.** Болалар учун мўлжалланган дори воситаларини реклама қилишни тақиқлаш | Таҳлилий маълумот | 2023 йил июнь | | | Соғлиқни сақлаш вазирлиги **А. Иноятов,** Адлия вазирлиги |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бўйича чекловларни жорий этиш масаласини ўрганган ҳолда амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш. | | | | | **А. Ташкулов** |
| **59-мақсад: Бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, соҳага ажратиладиган маблағларни ошириш.** | | | | | | | |
| 188. | Аҳолига кўрсатилаётган **тиббий хизмат сифатини ошириш, касалликларни эрта аниқлаш, касалликлар профилактикаси ва соғлом турмуш тарзини** оммалаштириш. | **1.** 18 — 40 ёшли **12,6 млн нафар** аҳолини профилактик кўрикдан ўтказиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | Ажратилган Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Л. Тўйчиев** | Соғлиқни сақлаш вазирлиги **А. Иноятов**, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари |
| | | **2. 40 ёш ва ундан катта** ёшдаги сурункали касаллиги бўлмаган **6,3 млн нафар** аҳолини юрак қон-томир касаллиги ва қандли диабет бўйича скрининг текширувлардан ўтказиш. | | | | | |
| | | **3. 9 млн нафар** мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва ўрта мактаб ўқувчиларини тиббий кўрикдан ўтказиш. | | | | | |
| | | **4.** Онкологик касалликларни эрта босқичларда аниқлаш мақсадида йилига **3** | | | | | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **млн нафар** аҳолини скринингдан ўтказиш. | | | | | |
| | | **5.** Республика бўйича **6 — 23 ойлик** бўлган жами **1,2 млн** нафар болалар микронутриент кукуни билан бепул таъминлаш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | **59,2 млрд сўм** Республика бюджети маблағлари | | |
| | | **6. 2 — 10 ёшдаги** жами **6,3 млн нафар** болаларга гельминтоз профилактикаси бўйича махсус препаратлар билан таъминлаш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | **5,3 млрд сўм** Республика бюджети маблағлари | | |
| | | **7.** Ҳомиладор ва бола эмизувчи аёллар ҳамда **8,5 млн нафар 3 — 15 ёшдаги** болаларни, йод препарати билан таъминлаш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | **15,3 млрд сўм** Республика бюджети маблағлари | | |
| | | **8. 5,9 млн нафар** 35 ёшгача туғиш ёшидаги аёлларни поливитамин, темир ва фолий кислотаси препарати билан бепул таъминлаш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | **65,3 млрд сўм** Республика бюджети маблағлари | | |
| **60-мақсад: Репродуктив ёшдаги ва ҳомиладор аёллар, болалар учун юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш.** | | | | | | | |
| 189. | **46 та** туманлараро перинатал марказларни | **1.** Асбоб-ускуналарни етказиб | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил март | **5,2 млн долл** | Ўзбекистон Республикаси | Соғлиқни сақлаш вазирлиги |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш | бериш бўйича шартномаларни имзолаш. | | | Саудия тараққиёт жамғармаси кредит маблағлари | Президенти Администрацияси **Л. Тўйчиев** | **А. Иноятов** |
| | | **2.** Асбоб-ускуналарни етказиб бериш. | | 2023 йил август | | | |
| 190. | **Оналик ва болалик**ни муҳофаза қилишни кучайтириш. | Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича **уч йиллик дастурни амалга ошириш** орқали барча туғруқ комплексларини тўлиқ таъмирлаш ва жиҳозлаш ҳамда ўринлар сонини 2023 йилда қўшимча **500 тага** кўпайтириш. | Дастур лойиҳаси | 2023 йил март | Давлат бюджети маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Л. Тўйчиев** | Соғлиқни сақлаш вазирлиги **А. Иноятов**, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев,** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| 191. | Республикада бошқарилувчи юқумли касалликлар бўйича эпидемиологик барқарорликни таъминлаш ҳамда мамлакат қўлга киритган **мавжуд элюминация сертификатларини сақлаб қолиш** мақсадида профилактик эмлаш тадбирларини ташкил этиш. | **1.** Республика бўйича **12 млн нафар** болаларда **13 турдаги** вакциналар билан бошқарилувчи юқумли касалликларга қарши эмлаш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил ноябрь | **200 млрд сўм** Давлат бюджети маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Л. Тўйчиев** | Соғлиқни сақлаш вазирлиги **А. Иноятов**, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев** |
| | | **2.** Республика бўйича **4 — 9 ойлик 1 млн нафар** болалар ўртасида полиомиелит касалликларига қарши эмлаш.<br>**3. 7 ёшгача** бўлган **3,5 млн нафар** | | | **4,0 млн долл** халқаро ташкилотлар маблағлари | | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | болалар ўртасида қизамиқ ва қизилча касалликларига қарши эмлаш. | | | | | |
| 192. | Оналар ва гўдаклар ўлими ҳолатларининг олдини олиш. | **1.** Оналар ўлими конфиденциал муҳокамасини йўлга қўйиш.<br>**2.** ОИТС билан касалланган ҳомиладорларни даволаш ва антенатал кузатув сифатини яхшилаш борасида ўқув дастурларини ишлаб чиқиш. | Ташкилий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | **134,0 минг долл** халқаро ташкилотлар маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Л. Тўйчиев** | Соғлиқни сақлаш вазирлиги **А. Иноятов** |
| | | **3.** Спинал мушак атрофияси билан касалланган **112 нафар** болаларни дори воситалари билан таъминлаш. | Ташкилий чора-тадбирлар | | **118 млрд сўм** Республика бюджети маблағлари | | |
| 193. | Аёллар орасида репродуктив органлар хавфли ўсма касалликларини эрта аниқлаш. | Бачадон бўйни саратони скрининги бўйича клиник қўлланмани ишлаб чиқиш.<br>Қорақалпоғистон Республикасида «Онконазорат хона»лари фаолиятини такомиллаштириш орқали бачадон бўйин саратони касаллиги | Ташкилий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | **237,6 минг долл** халқаро ташкилотлар маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Л. Тўйчиев** | Соғлиқни сақлаш вазирлиги **А. Иноятов** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | профилактикасини кучайтириш мақсадида Одам папиломаси вирусини аниқлаш учун сарфлов материаллари билан таъминлаш. | | | | | |
| **61-мақсад: Тиббий хизматлардаги хусусий секторнинг улушини 25 фоизга етказиш.** | | | | | | | |
| 194. | Давлат хусусий шериклик асосида халқаро стандартларга жавоб берадиган **3 та** Нурли (радио) терапия марказлари ташкил қилиш. | 2023 йилда Самарқанд, Фарғона ва Хоразм вилоятларида Нурли (радио) терапия марказларини ташкил қилиш ишларини бошлаш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 — 2025 йиллар | Тадбиркорларнинг ўз маблағлари ҳисобидан | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Л. Тўйчиев** | Соғлиқни сақлаш вазирлиги **А. Иноятов** |
| **62-мақсад: Мамлакатда ишлаб чиқариладиган дори-дармон ва тиббиёт воситаларининг миқдорини 80 фоизга етказиш.** | | | | | | | |
| 195. | Импорт маҳсулотлар ҳажмини ва таркибини оптималлаштириш мақсадида **300 турдан** ортиқ маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини ўзлаштириш. | **1.** Импорт маҳсулотлар ҳажмини ва таркибини таҳлил қилиш. | Таҳлилий маълумот | 2023 йил ҳар чорак | - | Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Ходжаев** | Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги **Л. Кудратов,** Соғлиқни сақлаш вазирлиги **А. Иноятов** |
| | | **2.** Таҳлил натижалари асосида маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарга тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш. | Амалий чора-тадбирлар | | | | |
| | | **3.** Йил якунига қадар **300 турдан** ортиқ фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш. | | 2023 йил декабрь | | | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 196. | Фармацевтика эркин иқтисодий **зоналари фаолиятини такомиллаштириш** дастурини ишлаб чиқиш. | **1.** Фармацевтика эркин **иқтисодий зоналари фаолиятини таҳлил этган** ҳолда таклифлар ишлаб чиқиш. | Таҳлилий маълумотлар | 2023 йил март | - | Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Ходжаев** | Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги **Л. Кудратов,** Андижон, Наманган, Жиззах ва Тошкент вилояти ҳокимликлари |
| | | **2.** Фармацевтика эркин иқтисодий зоналарини такомиллаштириш бўйича **хорижий тажрибани** ўрганиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил апрель | | | |
| | | **3.** Ўрганилган таҳлилий маълумотлар асосида **Фармацевтика эркин иқтисодий зоналари фаолиятини такомиллаштириш** дастурини қабул қилиш. | Амалий чора-тадбирлар дастури | 2023 йил июнь | | | |
| 197. | Маҳаллий шароитда биотехнологик фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш. | **1.** Биотехнологик фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш. | Таҳлилий маълумотлар | 2023 йил март | - | Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Ходжаев** | Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги **Л. Кудратов,** Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги **И. Абдурахмонов** |
| | | **2.** Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил июнь | | | |
| | | **3.** Маҳаллий корхоналар томонидан биотехнологик фармацевтика | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил октябрь | | | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | маҳсулотларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш. | | | | | |
| **63-мақсад: Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги халқаро мақомга эга лабораторияларни ташкил этиш.** | | | | | | | |
| 198. | **Халқаро мақомга эга лаборатория мажмуаларини** ташкил этиш. | **1. «ILAC»** ва унга аъзо бўлган «Аккредитация» давлат унитар корхонасига буюртма бериш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил март | - | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Л. Тўйчиев** | Соғлиқни сақлаш вазирлиги **А. Иноятов** |
| | | **2.** Илғор хорижий давлатларнинг халқаро аккредитациядан ўтган лаборатория комплексларида **30 нафар** мутахассисларни касбий тайёргарликдан ўтказиш. | | 2023 йил май | | | |
| | | **3.** Республика бўйича **14 та** лабораторияни халқаро аккредитациядан ўтказиш. | | 2023 йил ноябрь | | | |
| 199. | Аҳоли орасида вирусли **гепатитнинг «В» ва «С» турларини эрта ташхислаш ва даволаш тадбирларини** амалга ошириш. | **1.** Республикада **1 млн нафар** аҳолини вирусли гепатитларнинг «В» ва «С» турларига скрининг текширувидан ўтказиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил ноябрь | **23,9 млрд сўм** Давлат бюджети маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Л. Тўйчиев** | Соғлиқни сақлаш вазирлиги **А. Иноятов**, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **2.** Скрининг текширувларида вирусли гепатитнинг «С» тури тасдиқланган **30 минг нафар** беморларда даволаш тадбирларини ўтказиш. | | | | | |
| **64-мақсад: Ҳудудларда бирламчи тиббий хизматни «бир қадам» тамойили асосида ташкил этиш.** | | | | | | | |
| 200. | Ҳудудий тиббиёт муассасаларини **тиббий асбоб-ускуналар** билан жиҳозлаш. | **1.** Лойиҳа консультантини ёллаш ва тасдиқлаш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил май | **20 млн долл** Кореянинг «EDCF» Жамғармаси кредит маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Л. Тўйчиев** | Соғлиқни сақлаш вазирлиги **А. Иноятов,** Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги **Л. Кудратов** |
| | | **2.** Тиббий асбоб-ускуналар хариди бўйича тендер ўтказиш. | | 2023 йил июль | | | |
| | | **3.** Шартномалар имзолаш. | | 2023 йил декабрь | | | |
| 201. | Бепул тиббий ёрдамнинг **кафолатланган ҳажмини қонун** билан белгилаш. | Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари рўйхатини шакллантириш тартибини тасдиқлашни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш. | Қонун лойиҳаси | 2023 йил октябрь | - | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Л. Тўйчиев** | Соғлиқни сақлаш вазирлиги **А. Иноятов**, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев** |
| 202. | Аҳолига **бирламчи тиббий хизматлар**ни яқинлаштириш. | Ҳududдаги мавжуд эҳтиёж ва аҳолининг таклифларини инобатга олган ҳолда: | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | Маҳаллий бюджет маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **30 та** оилавий поликлиника;<br>**110 та** оилавий шифокор пункти;<br>**520 тагача** ихчам маҳалла тиббиёт пунктларини ташкил этиш. | | | | **Л. Тўйчиев** | шаҳар ҳокимликлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги **А. Иноятов** |
| 203. | Оилавий поликлиника ва оилавий шифокор пунктларини **ускуна ва жиҳозлар билан таъминлаш**. | **1.** Тендер савдоларини ўтказиш.<br>**2.** Асбоб-ускуналарни етказиб бериш бўйича шартномалар имзолаш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | Осиё тараққиёт банкининг кредит маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Л. Тўйчиев** | Соғлиқни сақлаш вазирлиги **А. Иноятов,** Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги **Л. Кудратов** |
| **65-мақсад: Малакали шифокорларнинг ойлик маошларини босқичма-босқич 1 000 АҚШ доллари эквивалентига етказиш.** | | | | | | | |
| 204. | Даволаш-профилактика муассасаларида ходимлар учун уларнинг иш **самарадорлик кўрсаткичларига қараб рағбатлантириш** амалиётини жорий этиш. | Эришилган ижобий натижалар бўйича **энг мақбул бўлган баҳолаш тизимини** танлаб олиб, бошқа **тиббиёт муассасаларига жорий этиш**.<br>Ходимларни уларнинг иш самарадорлиги кўрсаткичларига қараб рағбатлантириш тартибини белгилаш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил июль | - | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Л. Тўйчиев** | Соғлиқни сақлаш вазирлиги **А. Иноятов**, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев,** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| **66-мақсад: Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш, уларнинг ҳаёт сифати ва даражасини ошириш.** | | | | | | | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 205. | Одам савдосидан жабрланганларга ёрдам бериш бўйича Қашқадарё, Бухоро ва Наманган вилоятларида реабилитация марказлари фаолиятини ташкил этиш. | Одам савдосидан жабрланганларга ёрдам беришни ҳудудларга яқинлаштириш мақсадида Қашқадарё, Бухоро ва Наманган вилоятларида 10 ўринли реабилитация маркази фаолиятини ташкил этиш. | Амалий-чора-тадбирлар | 2023 йил декабрь | Ҳисоб-китобларга кўра | Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Қўчқоров** | Қашқадарё, Бухоро ва Наманган вилоятлари ҳокимликлари, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги **Б. Мусаев,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев** |
| 206. | Ҳудудларда **эшитиш заифлиги ва карлик мавжуд болаларни эрта аниқлаш** ва кохлеар имплантация амалиёти билан қамраб олишни кенгайтириш. | **1.** Сенсоневрал эшитиш пастлигининг III-IV даражаси ташхиси билан назоратда бўлган **250 дан ортиқ** болаларда кохлеар имплантация операцияларини ўтказиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | **31,8 млрд сўм** Республика бюджети маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Л. Тўйчиев** | Соғлиқни сақлаш вазирлиги **А. Иноятов,** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги **Ш. Кудбиев** |
| | | **2.** Кохлеар имплантация операцияси ўтказилган **132 нафар болаларда** нутқ процессорларини алмаштириш. | | | **13,5 млрд сўм** Республика бюджети маблағлари | | |
| **67-мақсад: Жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланадиган фуқароларнинг сонини ошириш.** | | | | | | | |
| 207. | **Давлат бошқаруви органлари** ходимлари **ўртасида оммавий спорт тадбирлари**ни ташкил этиш. | **1.** Вазирлик, идора ва ташкилотлар ходимлари жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, бунда: | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | - | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Л. Тўйчиев** | Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги **А. Икрамов**, вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | вазирлик, идора ва ташкилотлар жисмоний тарбия-спорт жамоат бирлашмаларини маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш, улардаги спорт тарғиботчилари ишини фаоллаштириш. | | | | | вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |
| | | **2.** Вазирлик, идора ва ташкилотлар ходимлари ўртасида жамоавий спорт турлари бўйича **100 га яқин мусобақаларни ташкил қилиш**. | | 2023 йил давомида | Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режалари доирасида ажратилган маблағлар | | |
| | | **3.** Вазирлик, идора ва ташкилотларда фаолият юритаётган ходимларни ихтиёрий спорт синовларидан ўтказиш. | | 2023 йил сентябрь | | | |
| | | **4.** Умумхалқ байрамлари арафасида **спорт нормативларини топшириш** бўйича энг юқори натижа кўрсатган **ходимларни рағбатлантириш** ва оммавий ахборот | | 2023 йил давомида | Ижрочилар маблағлари, ҳомийлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар маблағлари | | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | воситаларида ёритиб бориш. | | | | | |
| 208. | Аҳоли ўртасида **«Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи» умуммиллий ҳаракатини** амалга ошириш. | **2023 — 2025 йилларга мўлжалланган «Тўғри овқатланиш ва соғлом турмуш тарзи» умуммиллий ҳаракатини** амалга ошириш бўйича дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш ва киритиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил март | Ижрочилар маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Л. Тўйчиев** Вазирлар Маҳкамаси **З. Махкамова** | Соғлиқни сақлаш вазирлиги **А. Иноятов**, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги **Б. Мусаев**, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги **А. Икрамов** |
| 209. | Мамлакатимизда **хотин-қизлар**нинг спортга жалб этиш қамровини янада кенгайтириш. | **1.** Республика ҳудудларининг таълим ва спорт-таълим муассасаларида, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларида хотин-қизлар спорт секцияларини кўпайтириш.<br>**2.** Ҳудудий спорт турлари бўйича хотин-қизлар терма жамоалари аъзоларини спорт мусобақалари ва ўқув-машғулот йиғинларига юборишни кўпайтириш.<br>**3.** Олимпия спорт турлари бўйича | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил сентябрь<br><br>2023 йил давомида | Мазкур мақсадлар учун ажратилган маблағлар доирасида<br><br>- | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Л. Тўйчиев, О. Салиев** | Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги **А. Икрамов**, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси **О. Касимов**, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси **М. Ташходжаев**, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги **Б. Мусаев** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | нуфузли халқаро мусобақаларда ғолиб ва совриндор бўлган қизлар, аёлларнинг натижалари ҳамда ибратли ҳаётини маҳалла ва умумтаълим мактабларида кенг тарғиб этиш. | | | | | |
| 210. | Республикада **миллий спорт турларини оммалаштириш** ва **ривожлантириш**. | **1.** Миллий спорт турлари бўйича **уч босқичли** умумреспублика спорт мусобақаларини ўтказиш тизимини жорий қилиш.<br>**2.** Миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини тарғиб қилиш ва янада оммалаштириш бўйича полвонлар ва фахрий устозлар иштирокида туркум кўрсатувларни ташкил этиш.<br>**3.** Республика ҳудудларида умумхалқ байрамлари арафасида миллий ва халқ ўйинлари бўйича **15 та спорт мусобақалари** | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида<br><br>2023 йил ноябрь<br><br>2023 йил давомида | Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режалари доирасида ажратилган маблағлар Ижрочилар маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Л. Тўйчиев** | Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги **А. Икрамов**, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги **Б. Мусаев**, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 253. | БМТнинг Терроризмга қарши курашиш бошқармаси қошида репатриантларни реабилитация ва реинтеграция қилиш масалалари бўйича Марказий Осиё етакчи экспертлар Кенгашини ташкил қилиш. | **1.** БМТнинг Терроризмга қарши курашиш бошқармаси билан **Марказий Осиё етакчи экспертлар** Кенгашининг мақсад вазифалари юзасидан консультация ўтказиш, Кенгашнинг концепцияси ва дастурини ишлаб чиқиш.<br>**2.** Марказий Осиё давлатлари билан Кенгашнинг концепцияси ва дастурини келишувдан ўтказиш. Кенгаш аъзолигига номзодларни аниқлаш, келишувдан ўтказиш ва тасдиқлаш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил сентябрь | Марказий Осиё давлатлари мутасадди идоралари, БМТнинг тегишли тузилмалари маблағлари | Хавфсизлик кенгаши котиби ўринбосари **А. Камилов** | Стратегик минтақалара тадқиқотла институти<br>**Э. Арипо**<br>Ташқи ишл вазирлиги<br>**Б. Саидов**<br>Ички ишла вазирлиги<br>**П. Бобожон**<br>Бош прокурат<br>**Н. Йўлдош** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **3.** Тошкент шаҳрида Кенгашнинг биринчи мажлисини ташкил этиш. | | | | | |
| 254. | Мактабларда таълим олаётган ёшларнинг бузғунчи оқимлар таъсирига тушишининг олдини олиш, уларга **Ўзбекистон Республикасида қонун устуворлиги масалаларини тушунтириш ҳамда буюк аждодларимиз мероси** билан таништириш. | **1.** Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тизимида тарғибот гуруҳларини шакллантириш.<br>**2.** Тарғибот гуруҳлари мақсадли иш режаларини (1 — 4, 5 — 8, 9 — 11-синфлар кесимида), тарбиявий ишлар режаси ва тезисларини тайёрлаш.<br>**3.** Тадбирларни тизимли равишда таъсирчан шаклларда амалга ошириш ҳамда ОАВ орқали даврий ёритиб бориш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил октябрь | Ҳисоб-китобларга кўра | Хавфсизлик кенгаши котиби биринчи ўринбосари<br>**Э. Арипов** | Мактабгача<br>мактаб таъли<br>вазирлиги<br>**Х. Умаров**<br>Ёзувчилар уюш<br>**С. Саидов**<br>МТРК<br>**А. Хаджае**<br>Дин ишлари б<br>қўмита<br>**С. Тошбое**<br>Республик<br>Маънавият<br>маърифат мар<br>**М. Ҳожимат** |
| 255. | **«Диний бағрикенглик»** кўкрак нишонини таъсис этиш. | Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш.<br>Лойиҳада виждон эркинлиги кафолатларини ҳимоя қилиш, динлараро ва конфессиялараро тотувлик ва бағрикенгликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшган давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари, диний уламолар меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида «Диний бағрикенглик» кўкрак | Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси | 2023 йил июнь | Ҳисоб-китобларга кўра | Хавфсизлик кенгаши котиби ўринбосари<br>**А. Камилов** | Дин ишлари б<br>қўмита<br>**С. Тошбое**<br>Иқтисодиёт<br>молия вазирл<br>**Ш. Кудбие** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | нишонини таъсис этиш назарда тутилади. | | | | | |
| 256. | Аҳоли, айниқса, ёш авлодда **терроризм ва экстремизмга қарши қатъий ва барқарор иммунитет**ни шакллантириш. | **1.** «Жаҳолатга қарши маърифат» шиори остида ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, динлараро ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш, терроризм ва экстремизм ғояларига қарши маънавий-маърифий тарғиботни ташкил этиш бўйича Дастур ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>**2.** Амалга оширилаётган ишларнинг тизимли мониторингини юритиш, ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Администрациясига маълумот киритиб бориш. | Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси | 2023 йил апрель<br>2023 йил давомида | Ҳисоб-китобларга кўра | Вазирлар Маҳкамаси **З. Маҳкамова** | Дин ишлари бў қўмита **С. Тошбое** тегишли вазирл идоралар |
| **83-мақсад: Давлат хизматида ҳалоллик стандартларини жорий этиш** | | | | | | | |
| 257. | Давлат органлари ва ташкилотларида **ҳалоллик стандартлари ва коррупцияни олдини олишнинг** самарали механизмларини яратиш | Коррупцияга қарши курашишда давлат органлари ва ташкилотларининг ички назорат тузилмалари мустақиллигини таъминлаш. Бунда:<br>давлат органлари ва ташкилотлари ички назорат тузилмалари ҳуқуқий мақомини белгилаш;<br>ички назорат тузилмаларининг функция, вазифа, ваколат ва | Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси | 2023 йил апрель | - | Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши раиси **Т. Нарбаева** | Коррупцияга қ курашиш аген **А. Бурхано** Адлия вазирл **А. Ташкуло** Бош прокура **Н. Йўлдош** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | мажбуриятларини аниқ белгилаш, уларнинг штатлар сонини белгилашнинг аниқ мезонларини ишлаб чиқиш;<br>ички назорат тузилмалари ходимларига қўйиладиган малака талабларини белгилаш;<br>ички назорат тузилмалари ходимларини мажбурий тартибда малакасини ошириш, аттестациядан ўтказиш тартибини белгилаш. | | | | | |
| **84-мақсад: Коррупцияга мойил соҳа ва тармоқларни аниқлаш, коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошир жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш** | | | | | | | |
| 258. | **Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш,** давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин **камайтириш мақсадида давлатнинг яқин истиқболдаги асосий йўналишини белгилаш**. | Қуйидагиларни назарда тутувчи **Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023 — 2027 йилларга мўлжалланган миллий стратегияни** ишлаб чиқиш:<br>турли коррупциявий ҳолатларни келтириб чиқарувчи омилларни таҳлил қилиш;<br>коррупцияга қарши курашиш бўйича амалдаги тизимли чоралар самарадорлигини баҳолаш;<br>Ўзбекистон аъзо бўлган конвенциялар ва бошқа халқаро ҳуқуқий шартномаларда коррупцияни олдини олиш ва у билан | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2023 йил май | - | Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши раиси<br>**Т. Нарбаева**<br>Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси<br>**Д. Кадиров** | Коррупцияга к курашиш агент<br>**А. Бурханс**<br>Бош прокурат<br>**Б. Валиев**<br>Адлия вазирл<br>**А. Ташкуло**<br>манфаатдо вазирлик в идоралар |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | курашиш чораларини инобатга олиш;<br>давлат ва жамиятда коррупцияга олиб келувчи асосий сабаб ва шарт-шароитларга барҳам бериш чораларини белгилаш. | | | | | |
| | | Коррупцияга қарши курашиш бўйича **2023-2024 йилларга мўлжалланган давлат дастури**ни ишлаб чиқиш. | | | | | |
| 259. | Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган **ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхатини** янада кенгайтириш. | **1.** Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан ҳомийлик тариқасида олган маблағлар (буюм ва ашёлар) ҳақидаги маълумотларни очиқ эълон қилиш тизимини жорий этиш.<br>**2.** Устав фондида (устав капиталида) давлат улуши **50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари** ҳамда давлат унитар корхоналари томонидан ҳомийлик тариқасида берилган маблағлар ҳақидаги маълумотларни очиқ эълон қилиш тизимини жорий этиш.<br>**3.** Ҳар бир давлат органи ва ташкилоти ўз расмий веб-сайти ҳамда очиқ маълумотлар Порталида **бўш иш ўринлари** (марказий, ҳудудий ва тизим | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2023 йил сентябрь | - | Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши раиси<br>**Т. Нарбаева** | Коррупцияга к<br>курашиш аген<br>**А. Бурхано**<br>Адлия вазирл<br>**А. Ташкуло**<br>Статистик<br>агентлиги<br>**Б. Бегало**<br>Ахборот ва ом<br>коммуникаци<br>агентлиги<br>**А. Ходжае**<br>Иқтисодиёт<br>молия вазирл<br>**Ш. Кудби** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | ташкилотларида) **ишга қабул қилиш шартлари, номзодларга қўйиладиган талаблар, тақдим қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар** тўғрисидаги маълумотларни мунтазам киритиб бориш тизимини жорий этиш. | | | | | |
| **85-мақсад: Мамлакатда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали 2026 йил якунига қадар камбағалликни кам** **бараварга қисқартириш** | | | | | | | |
| 260. | Меҳнат бозори инфратузилмаси ва **меҳнат органлари фаолиятини рақамлаштириш.** | Бандлик хизматларини рақамлаштириш, бунда:<br>ишсизларнинг ишга жойлашишига кўмаклашиш;<br>ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган корхоналарга субсидия ажратиш;<br>касаначилик иш ўрни яратган тадбиркорга асбоб-ускуна учун субсидия ажратиш;<br>олис ҳудудларда касаначилик иш ўрни ташкил этган тадбиркорга субсидия ажратиш каби хизмат турларини онлайн иш тартибига ўтказиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил июнь | Ҳисоб-китобларга кўра, ишсизларнинг ишга жойлашишига кўмаклашиш **9,0 млрд сўм**; ногиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган корхоналарга субсидия ажратиш **15,0 млрд сўм,** касаначилик иш ўрни яратган тадбиркорга асбоб-ускуна учун **53,5 млрд сўм.** | Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Қўчқоров** | Камбағалли қисқартириш бандлик вазир **Б. Мусае** |
| 261. | Туман (шаҳар) бандлик ва тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари фаолиятини ислоҳ қилиш яъни уларни «хизмат кўрсатишдан» | Бунда:<br>маҳаллаларда маҳалла раислари, ҳоким ёрдамчилари, хотин-қизлар фаоллари томонидан ўтказилган хатлов натижалари **«ягона электрон** | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил март-август | Ҳисоб-китобларга кўра | Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Қўчқоров** | Камбағалли қисқартириш бандлик вазир **Б. Мусае** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | **«муаммони ечиш»** моделига босқичма-босқич ўтказиш. | **платформа»**га жамланади ҳамда аҳолининг камбағалликдан чиқариш, бандлигини кўмаклашиш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш бўйича аҳолининг муаммолари ҳал этилган муддатга қадар **«индивидуал дастур»** ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;<br>вазирлик тасарруфига кирувчи идораларнинг барча электрон ахборот базаларини, шу жумладан, «Ягона миллий меҳнат тизими» ИДАК, Бандлик хизмати АТ, «Онлайн маҳалла» платформаси, «Аёллар дафтари», «Ижтимоий хизмат» электрон платформасини ва «Тиббий-ижтимоий экспертиза» электрон ахборот тизимларини бирлаштириб, ягона архитектура асосида **«Камбағалликни қисқартириш ва бандликни таъминлаш бўйича рақамли экотизим»**ни ташкил этиш чораларини кўриш. | | | | | |
| 262. | Ногиронлиги бўлган шахсларни **касаначилик ва кооперация ташкил этиш орқали ишга қабул қилган тадбиркорлик субъектларини** | 1. Тадбиркорлик субъектларига ҳар бир ходим учун асбоб-ускуналар харид қилиб бериш харажатларининг қонунчиликда белгиланган миқдорда субсидия ажратиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2023 йил июль | Ҳисоб-китобларга кўра Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси | Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Қўчқоров** | Камбағалли[...] қисқартириш [...] бандлик вазир[...] **Б. Мусае[...]** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | **рағбатлантириш** тизимини жорий қилиш. | 2. Субсидия ажратишда:<br>ногиронлиги бўлган шахс билан тузилган меҳнат шартномаси Ягона миллий меҳнат тизимида рўйхатдан ўтказилганлиги асос ҳисобланади;<br>тадбиркорлик субъекти томонидан касаначига буюртма берилаётган иш турига қараб, субсидия ҳисобига харид қилинган асбоб-ускуналар касаначига бепул берилади;<br>туман (шаҳар) бандлик ва тадбиркорликка кўмаклашиш марказлари касаначиларнинг иш фаолиятини мониторинг қилади. | | | маблағлари доирасида | | Молия ва<br>иқтисодиё<br>вазирлиги<br>**Ш. Кудбие**<br>Адлия вазирл<br>**А. Ташкул** |
| 263. | Ҳоким ёрдамчиларининг **камбағалликни қисқартириш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш.** | 1. Ҳоким ёрдамчилари, хотин-қизлар фаоли ва ёшлар етакчисининг бевосита «**Ижтимоий ҳимоя ягона реестри**» АТда рўйхатга олинган оилалар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш.<br>2. «**Онлайн маҳалла**» платформасини «**Ижтимоий ҳимоя ягона реестри**» АТ билан интеграция қилиш.<br>3. **«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри»** АТ билан қўшимча **маълумотлар алмашинувини** йўлга қўйиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил сентябрь | Ҳисоб-китобларга кўра | Вазирлар Маҳкамаси<br>**Ж. Қўчқоров** | Иқтисодиёт<br>молия вазирл<br>**Ш. Кудбие**<br>Камбағалли<br>қисқартириш<br>бандлик вази<br>**Б. Мусаев**<br>Оила ва хот<br>қизлар қўми |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 264. | Аҳолининг камбағаллик ҳолатидан чиқиши учун мотивация бериш, тақдим этиладиган молиявий ва номолиявий ёрдам ҳамда хизматларнинг натижадорлигини ошириш, шунингдек, томонларнинг мажбуриятларини белгилаш мақсадида «**ижтимоий шартнома**» механизмини амалиётга жорий этиш. | 1. «**Ижтимоий ҳимоя ягона реестри**» АТ орқали болалар нафақаси ва моддий ёрдам олувчи оилаларга масъулият белгилаш учун «**ижтимоий шартнома**» тизимини жорий этиш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2023 йил апрель | Ҳисоб-китобларга кўра | Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Қўчқоров** | Иқтисодиёт молия вазирл **Ш. Кудбие** Камбағаллик қисқартириш бандлик вазир **Б. Мусае** Оила ва хот қизлар қўмит |
| | | 2. «**Ижтимоий шартнома**» шартларининг бажарилишини мониторинг қилиб бориш. | | Доимий асосда | | | |
| **86-мақсад: Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграциясини таъминлаш ҳамда самарали миграция сиёсатини юритиш** | | | | | | | |
| 265. | Хорижий давлатларда ишлаш истагида бўлган фуқароларни **касб-ҳунар ва хорижий тилларга ўқитишни** амалга ошириш. | **1.** Хорижий давлатларнинг меҳнат бозори эҳтиёжларини ўрганиш, энг кўп талаб этиладиган касбий мутахассисликларни аниқлаш ва фуқароларни ушбу мутахассисликларга йўналтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш.<br>**2.** Республика даражаси ва ҳудудлар кесимидаги касб-ҳунарга ва хорижий тилларга ўқитиш бўйича «йўл харитаси»ни тасдиқлаш. Бунда «Ишга марҳамат» мономарказлари, касб-ҳунарга ўқитиш марказлари, Қурилиш соҳаси малакали мутахассисларини тайёрлаш марказлари, Қисқа муддатли касб-ҳунарга ўқитиш курслари, | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси | Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Қўчқоров** | Камбағаллик қисқартириш бандлик вазир **Б. Мусае** Олий таълим, инновациял вазирлиги **И. Абдурахмо** Қорақалпоғис Республика Вазирлар Кенг вилоятлар Тошкент ша ҳокимликла |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | касб-ҳунарга ўқитиш масканлари, турли вазирлик ва идоралар ҳамда нодавлат таълим муассасалари қувватлари ва имкониятларидан самарали фойдаланиш чораларини кўриш.<br>**3.** Хорижда ишлаш истагида бўлган 55 минг нафар фуқарони касб-ҳунарга ва хорижий тилларга ўқитишни ташкил этиш. | | | | | |
| 266. | Хавфсиз, ташкиллаштирилган хорижий **меҳнат миграциясига фуқароларни юборишни ташкил этиш, хорижда меҳнат қилаётган фуқаролар ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга** манзилли кўмак кўрсатиш. | **1.** Хорижий мамлакатлар меҳнат ресурслари ва ишчи кучи, аниқ мутахассисларга бўлган талабини ўрганиш.<br>**2.** Хорижда меҳнат қилаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг меҳнат шароитларини, уларни қийнаётган муаммоларни ўрганиш, зарурларига ҳуқуқий, моддий ва ижтимоий ёрдамлар кўрсатиш. | Таҳлилий маълумотлар, амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан **30 млрд сўм**, Бандликка кўмаклашиш жамғармаси **10,0 млрд сўм** | Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Қўчқоров** | Камбағалли қисқартириш бандлик вазир **Б. Мусаев** Ташқи ишл вазирлиги **Б. Саидов** Қорақалпоғис Республика Вазирлар Кенг вилоятлар Тошкент ша ҳокимликла |
| | | **3.** 2023 йилда камида 35 минг нафар фуқароларни ишга жойлаштиришни таъминлаш.<br>Ташкиллаштирилган ҳолда юборилган 2 минг нафар фуқарога имтиёзли микрокредитлар ажратиш. | Йўл харитаси | 2023 йил март — декабрь | | | |
| 267. | Меҳнат миграциясидан қайтиб келган фуқаролар | **1.** Хориждан қайтган фуқаролар касб ва | Йўл харитаси | 2023 йил март | Ҳисоб-китобларга кўра | Вазирлар Маҳкамаси | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | бандлигини таъминлаш ва реинтеграция қилиш чораларини кўриш, **«Ўз келажагимга ўзим инвестор» лойиҳасини самарали амалга ошириш**. | кўникмалари бўйича ўрганишлар олиб бориш, уларнинг бандлигини таъминлаш, касб ва кўникмаларга қайта тайёрлашга эҳтиёж, тадбиркорликка жалб этиш имкониятларини кўриб чиқиб, манзилли дастурлар тайёрлаш. | | | | **Ж. Қўчқоров** | Камбағаллик қисқартириш бандлик вазир **Б. Мусае** Иқтисодиёт молия вазирл **Ш. Кудбие** Инвестиция саноат ва са вазирлиги **Л. Кудрато** Қорақалпоғис Республика Вазирлар Кен вилоятлар Тошкент ша ҳокимликла |
| | | **2.** Тасдиқланган «йўл харитаси» асосида 165 минг нафар хориждан қайтган фуқароларни доимий ва вақтинчалик иш ўринларига ишга жойлаштириш, касбга ўқитиш ҳамда тадбиркорликка жалб қилиш. Бунда 127 минг нафар доимий ишга жойлаштириш ёки ўзини ўзи банд қилишда кўмаклашиш, 7,6 минг нафарига субсидия ажратиш ва 10,5 минг нафарини касбга ўқитиш, қайта тайёрлаш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил март — декабрь | | | |
| **87-мақсад: «Ватандошлар» жамоат фонди орқали хорижий давлатлардаги юртдошларимиз билан доимий ва самарали алоқалар ўрнатиш** | | | | | | | |
| 268. | Хорижда яшаётган **ватандошлар орасида ўзбек тилини** кенг тарғиб қилиш. | **Ўзбек тили бўйича** хориждаги ватандошларга мўлжалланган **онлайн машғулотлар**ни ташкил этиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | «Ватандошлар» жамоат фонди маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **М. Камилов** | «Ватандошл жамоат фон **О. Саттаро** Мактабгача мактаб таъли вазирлиги **Х. Умаров** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | Олий таълим, ф<br>инновациял<br>вазирлиги<br>**И. Абдурахма** |
| 269. | Тошкент шаҳрида хориждаги фаол ватандошлар жамоат бирлашмалари иштирокида **«Ўзбекистонликлар бутунжаҳон форуми»**ни ўтказиш. | 1. Форум дастурини ишлаб чиқиш, иштирокчилар рўйхатини шакллантириш.<br>2. Хорижда истиқомат қилаётган ватандошларга таклифномалар юбориш.<br>3. Форумни ўтказиш ва тадбирда энг фаол ватандошларни тақдирлаш.<br>4. Тадбирни ОАВ ва ижтимоий тармоқларда доимий ёритиб бориш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил октябрь-ноябрь | Ҳисоб-китобларга кўра «Ватандошлар» жамоат фонди, Республика бюджети маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **М. Камилов** | «Ватандошл<br>жамоат фон<br>**О. Саттаро**<br>Ташқи ишл<br>вазирлиги<br>**Б. Саидов**<br>Маданият ва ту<br>вазирлиги<br>**О. Назарбек**<br>Тошкент ша<br>ҳокимлиги |
| **88-мақсад: Пандемияларга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини ошириш** | | | | | | | |
| 270. | Касалликларни енгиш учун **хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни** кучайтириш. | Германия, Жанубий Корея ва Россия билан тузилган халқаро шартномаларга кўра касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши жавоб чораларини кўриш, шу жумладан юқумли касалликлар юзасидан илмий тадқиқотларда ҳамкорликни ривожлантириш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | - | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси **Л. Туйчиев** | Соғлиқни сақ<br>вазирлиги<br>**А. Иноято** |
| **VII. МАМЛАКАТИМИЗ ХАВФСИЗЛИГИ ВА МУДОФАА САЛОҲИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ, ОЧИҚ, ПРАГМАТИК ВА ФАОЛ ТАШҚИ СИЁ ОЛИБ БОРИШ** | | | | | | | |
| **89-мақсад: Фуқароларнинг ахборот олиш ва тарқатиш эркинлиги борасидаги ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаш** | | | | | | | |
| 271. | Фуқароларнинг **ахборот коммуникация воситаларидан** | **1.** Илғор хорижий тажриба асосида **Факт-чекинг ахборот платформасини яратиш**нинг ташкилий-техник ҳамда | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил июнь | Ҳисоб-китобларга кўра ижрочилар маблағлари | Хавфсизлик кенгаши котибининг | Ахборот ва омм<br>коммуникаци<br>агентлиги<br>**А. Ходжаев** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | **фойдаланиш маданиятини ошириш**. | норматив-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш.<br>**2. Фуқароларнинг ахборот коммуникация воситаларидан фойдаланиш маданиятини ошириш**га қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш. | | | | биринчи ўринбосари<br>**Э. Арипов** | Рақамли технологиял вазирлиги<br>**Ш. Шермат**<br>Адлия вазирл<br>**А. Ташкуло**<br>МТРК<br>**А. Хаджае**<br>Республик Маънавият маърифат мар<br>**М. Ҳожимат** |
| 272. | **Кибержиноятчиликнинг олдини олиш.** | **1.** Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига **«Кибержиноятларнинг олдини олиш фаолияти»** таълим йўналиши ва мутахассислигини қўшиш орқали ушбу соҳа бўйича бакалавр ва магистр кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш.<br>**2.** Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлигининг белгиланган умумий штат бирликлари доирасида киберхавфсизликни таъминлашга масъул таркибий тузилмаларида **Кибержиноятларнинг олдини олиш масалалари илмий-амалий тадқиқотлар марказлари ва уларнинг** | Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари | 2023 йил сентябрь | - | Хавфсизлик кенгаши котиби ўринбосари<br>**Т. Валиев** | Давлат хавфси хизмати<br>**А. Азизов**<br>Ички ишла вазирлиги<br>**П. Бобожон**<br>Рақамли технологиял вазирлиги<br>**Ш. Шермат**<br>Олий таълим, инновациял вазирлиги<br>**И. Абдурахм** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар фаолиятини йўлга қўйиш** орқали ушбу соҳани стратегик, илмий ва ҳуқуқий таъминлашни кучайтириш. | | | | | |
| | | **3. Кибержиноятларнинг олдини олиш методикасини ишлаб чиқиш** ва амалиётга жорий этиш. | Идоравий ҳужжат | 2023 йил сентябрь | | | |
| **90-мақсад: Давлатнинг мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларнинг жанговар шайлигини, унинг имкониятлари ва қобилиятини кучайтириш** | | | | | | | |
| 273. | Ўзбекистон Республикаси **Қуролли Кучларининг ягона автоматлаштирилган бошқарув тизимини яратиш ва рақамлаштириш**ни янада такомиллаштириш. | **1.** Вазирлик ва идоралар ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва **ахборотлар алмашинуви тартибини белгилаш.** | Қўшма қарор | 2023 йил апрель | - | Хавфсизлик кенгаши котиби ўринбосари **Б. Ташматов** | Мудофаа вази **Ш. Халмухам** манфаатдо вазирлик в идоралар |
| | | **2.** Ҳарбий мақсаддаги автоматлаштирилган бошқарув тизимлари **техник тавсифларини ишлаб чиқиш**. | Илмий-тадқиқот ишлари | 2023 йил июль | - | | |
| | | **3.** Ҳарбий мақсаддаги автоматлаштирилган бошқарув тизимлари соҳасида **давлат стандартларини ишлаб чиқиш**. | Давлат стандартларини қабул қилиш | 2023 йил август | - | | |
| | | **4.** Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини босқичма-босқич кенгайтириш имкониятига эга бўлган **ягона маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказини яратиш**. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил октябрь | Мудофаа вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги маблағлари | | Мудофаа вази **Ш. Халмухам** Иқтисодиёт молия вазирл **Ш. Кудбие** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **5.** Мудофаа вазирлиги автоматлаштирилган **ахборот тизими ва маълумотлар базасининг дастурий таъминотини босқичма-босқич ишлаб чиқишни давом эттириш** ҳамда ушбу тизимда қайта ишланувчи маълумотларни ҳимоя қилиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил ноябрь | Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш учун **13,8 млрд сўм**, ҳимоялаш қурилмаларини харид қилишга **14 млрд сўм** ажратилган маблағлар (Мудофаа вазирлиги маблағлари) | | Рақамли технологиял вазирлиги **Ш. Шермат** |
| | | **6.** Мудофаа вазирлиги тизимида яратилган **алоқа линияларини захиралаш ва альтернатив алоқа тизимини яратиш учун сунъий йўлдош алоқа тизимини қуриш**. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил ноябрь | **33 млрд сўм** (Мудофаа вазирлиги бюджет маблағлари) | Хавфсизлик кенгаши котиби ўринбосари **Б. Ташматов** | Мудофаа вазир **Ш. Халмухам** Иқтисодиёт молия вазирл **Ш. Кудбие** Рақамли технологиял вазирлиги **Ш. Шермат** |
| | | **7.** Мудофаа вазирлиги қўшинлари бошқарувини рақамлаштириш тадбирлари доирасида бўлинмаларни **рақамли радиостанциялар билан босқичма-босқич таъминлаш**. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | Мудофаа вазирлиги бюджет маблағлари | | |
| 274. | Мудофаа вазирлиги қўшинларининг **жанговар шайлиги ва тайёргарлиги ҳамда ўқув моддий-техник базасини янада такомиллаштириш.** | 1. Қўшинлар тайёргарлик тизимида бўлинмаларнинг тайёргарлиги ва амалий ҳаракатлар интенсивлигини ошириш, бунда асосий эътиборни **гуруҳ, взвод ва батальон жипслигида** | Идоравий ҳужжат | 2023 йил август | - | Хавфсизлик кенгаши котиби ўринбосари **Б. Ташматов** | Мудофаа вазир **Б. Курбано** Иқтисодиёт молия вазирл **Ш. Кудбие** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **ҳаракатланишни такомиллаштириш**. | | | | | |
| | | 2. Қўшинларни замонавий **комплекс тренажерлар билан босқичма-босқич таъминлаш**. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | **30,71 млрд сўм** (Мудофаа вазирлиги маблағлари) | | |
| | | 3. Қўшинларнинг тактик тиббий ёрдам ўқув синфларини **робот-манекенлар билан босқичма-босқич таъминлаш.** | | | **13,44 млрд сўм** (Мудофаа вазирлиги маблағлари) | | |
| 275. | Қўшинларни **замонавий қурол-аслаҳа, ҳарбий ва махсус техника ҳамда жиҳозлар билан таъминлаш.** | Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлинмаларини 2022 — 2026 йиллар мобайнида замонавий қурол-аслаҳа, ҳарбий ва махсус техника, бошқа зарур жиҳозлар ва воситалар билан таъминлаш, мавжуд техникаларни таъмирлаш ва модернизация қилиш бўйича комплекс дастурининг ижроси юзасидан **2023 йил учун режалаштирилган товар (иш, хизмат)ларнинг харидини амалга ошириш**. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | Мудофаа вазирлигига ажратиладиган бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан (Комплекс дастурнинг 2023 йил учун режалаштирил-ган пул миқдоридан келиб чиқиб) | Хавфсизлик кенгаши котиби ўринбосари **Б. Ташматов** | Мудофаа сан агентлиги **О. Исмоил** Ички ишла вазирлиги **П. Бобожон** Миллий гвар **Р. Джурае** ДХХ чегар қўшинлар Иқтисодиёт молия вазирл **Ш. Кудбие** Мудофаа вази **А. Нарбае** |
| **91-мақсад: Ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий ҳимоясини ҳар томонлама кучайтириш** | | | | | | | |
| 276. | Қуролли Кучларда **ахлоқий-руҳий таъминотни ва ҳарбий психологлар институтини янада такомиллаштириш** ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг жанговар руҳиятини ошириш | Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Академиясида «**Психология (ҳарбий психолог)**» таълим йўналиши бўйича офицер кадрларни тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш. | Идоралараро ҳужжат | 2023 йил август | - | Хавфсизлик кенгаши котиби ўринбосари **Б. Ташматов** | Мудофаа вази **Х. Карши** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | бўйича чора-тадбирларни белгилаш. | | | | | | |
| 277. | Ёшларни **ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш тадбирлари самарадорлигини ошириш.** | 1. Аҳоли ва ёшлар ўртасида **муддатли ҳарбий хизмат нуфузи ва жозибадорлигини янада ошириш**, Қуролли Кучлар сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар бериш тизимини такомиллаштириш. | Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси | 2023 йил июль | - | Хавфсизлик кенгаши котиби ўринбосари **Б. Ташматов** | Мудофаа вазир **Х. Каршие** Олий таълим, ф инновациял вазирлиги **И. Абдурахмо** Иқтисодиёт молия вазирл **Ш. Кудбие** |
| | | 2. «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари томонидан **чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқув-моддий базасини ташкил этиш** механизмини назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш, бунда:<br>умумтаълим мактабларида **чақирувга қадар бошланғич тайёргарликни** ташкиллаштириш тартибини белгилаш;<br>фан ўқитувчиларига **захирадаги ҳарбий унвон ва** | Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси | 2023 йил август | Маҳаллий бюджет ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар маблағлари | Хавфсизлик кенгаши котиби ўринбосари **Б. Ташматов** | Мудофаа вазир **Б. Курбано** Иқтисодиёт молия вазирл **Ш. Кудбие** Мактабгача мактаб таъли вазирлиги **Х. Умаров** Олий таълим, ф инновациял вазирлиги **И. Абдурахмо** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **малака тоифаларини бериш тизимини жорий этиш**; **фаннинг ўқув-моддий базасини 2023 — 2026 йилларда босқичма-босқич мустаҳкамлаш** бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш. | | | | | |
| **92-мақсад: Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этишнинг мутлақо янги тизимини яратиш, куч ва воситаларни маҳаллаг тушириш** | | | | | | | |
| 278. | **Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш** ва бартараф этиш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш. | **1**. Маҳаллалардаги уй-жой фондида ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши оқибатида рўй берган ёнғинлар юзасидан **қоидабузар шахсларга нисбатан чора кўришга** оид нормаларни либераллаштириш. | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2023 йил август | Ҳисоб-китобларга кўра Қонун ҳужжатларида тақиқланмаган манбалар | Хавфсизлик кенгаши котиби ўринбосари **Т. Валиев** | Фавқулодд вазиятлар вази **А. Қўлдош** Қурилиш ва уй коммунал хўж вазирлиги **Б. Закиро** |
| | | **2.** Шаҳарсозлик соҳасидаги **ёнғин хавфсизлигига оид талабларни мақбуллаштириш**. | Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ҳужжат лойиҳаси | 2023 йил ноябрь | - | | |
| | | **3.** Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳарбий хизматчилари, хизматчилари, шу жумладан, қутқарувчилари **меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифларни тайёрлаш** ва белгиланган тартибда киритиш. | Ахборот хати | 2023 йил август | - | Хавфсизлик кенгаши котиби ўринбосари **Т. Валиев** | Фавқулодд вазиятлар вази **А. Қўлдош** манфаатдо вазирлик в идоралар |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 279. | **Сейсмик хавфсизликни таъминлаш** ва **қурилишда назоратни кучайтириш** чораларини кўриш. | Сейсмик хавфсизликни таъминлаш, қурилишда назоратни кучайтириш, лойиҳа ташкилотлари масъулиятини ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш. | Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси | 2023 йил март | Сейсмология, иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, маҳаллий бюджет маблағлари | Вазирлар Маҳкамаси **А. Арипов** | Фанлар академ **С. Мирзае** Қурилиш ва уй коммунал хўж вазирлиги **Д. Адило** Фавқулодд вазиятлар вази **А. Қўлдош** Лойиҳа ташкилотла *(келишув асос* |
| 280. | Аҳолига фавқулодда вазиятларда **хабар бериш тизимини такомиллаштириш.** | **1.** Фавқулодда вазиятлар хавфи юқори **ҳудудларда хабар бериш тизимининг ҳолатини ўрганиш**. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил март | Ҳисоб-китобларга кўра халқаро молия институтлари ва ташкилотларнинг грантлари | Хавфсизлик кенгаши котиби ўринбосари **Т. Валиев** | Фавқулодд вазиятлар вази **А. Қўлдош** |
| | | **2.** Танланган ҳудудларда маҳаллий даражада **телерадиоканаллар орқали хабар бериш** тизимини яратиш бўйича тадбирларни белгилаш. | | 2023 йил июнь | | | |
| | | **3.** Белгиланган тадбирларни амалга ошириш орқали аҳолини фавқулодда вазиятлар хавфи ёки рўй берганлиги тўғрисида **барвақт хабар бериш маҳаллий даражадаги тизимини такомиллаштириш**. | | 2023 йил октябрь | | | |
| 281. | **Ёнғин-техник воситаларни ишлаб чиқариш**га хусусий секторни жалб этиш. | Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ёнғин-қутқарув бўлинмаларини **маҳаллий шароитларда ишлаб** | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | Ҳисоб-китобларга кўра | Хавфсизлик кенгаши котиби ўринбосари **Т. Валиев** | Фавқулодд вазиятлар вази **А. Қўлдош** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **чиқарилган ёнғин-техник маҳсулотлари билан таъминлаш**. | | | | | |
| **93-мақсад: Мамлакатнинг халқаро муносабатлардаги тенг ҳуқуқли субъект сифатидаги ролини ошириш** | | | | | | | |
| 282. | Ҳамкор мамлакатлар билан ҳамда халқаро ташкилотлар доирасида минтақавий ва глобал масалалар бўйича мувозанатли, доимий мулоқот олиб бориш, улар билан икки ва кўп томонлама учрашувлар ўтказиш, сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда ҳамда турли даражадаги **маслаҳатлашувларни ташкил этиш**. | Ўзбекистоннинг Осиё, Европа, Америка, Африка ва мусулмон олами мамлакатлари билан сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш бўйича **2023 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси**ни тасдиқлаш. | Ташқи ишлар вазирининг буйруғи | 2023 йил март | - | Хавфсизлик кенгаши котиби ўринбосари **А. Камилов** Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Ходжаев** | Ташқи ишл вазирлиги **Б. Саидов** Инвестициял ташқи савд вазирлиги **Л. Кудрато** Иқтисодиёт молия вазирл **Ш. Кудбие** Маданият ва ту вазирлиги **О. Назарбек** Стратегик минтақалара тадқиқотла институти **Э. Арипо** |
| **94-мақсад: Марказий Осиёда хавфсизлик, савдо-иқтисодий, сув, энергетика, транспорт ва маданий-гуманитар соҳалардаги яқин ҳамкорлик сифат жиҳатидан юқори босқичга олиб чиқиш** | | | | | | | |
| 283. | Марказий Осиё давлатлари билан **икки ва кўп томонлама проактив дипломатияни амалга ошириш**. | **1.** Марказий Осиё давлатлари билан **олий даражадаги сиёсий мулоқотни ривожлантириш**.<br>**2.** Марказий Осиё давлат раҳбарлари навбатдаги **5-маслаҳат учрашувида фаол иштирок этиш**.<br>**3.** Икки томонлама **ҳукуматлараро ҳамкорлик** | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | - | Хавфсизлик кенгаши котиби ўринбосари **А. Камилов** Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Ходжаев** | Ташқи ишл вазирлиги **Б. Саидов** Инвестициял саноат ва са вазирлиги **Л. Кудрато** манфаатдо вазирлик в идоралар |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **комиссияларининг навбатдаги йиғилишлари**ни ўтказиш.<br>**4.** Марказий Осиё давлатлари билан **ТИВлараро сиёсий маслаҳатлашувлар** ташкил қилиш.<br>**5.** Ўзаро **маданият, санъат, кино соҳалари**да тадбирлар ўтказиш. | | | | | |
| **95-мақсад: Анъанавий ҳамкорларимиз билан муносабатларни янада ривожлантириш, ташқи алоқалар географиясини кенгайтиришга усту аҳамият қаратиб, иқтисодий дипломатияни кучайтириш** | | | | | | | |
| 284. | Ўзбекистоннинг **инвестициявий жозибадорлигини янада ошириш** бўйича фаол тарғибот ишлари, тадбирлари ва тақдимотлар ўтказиш. | **1.** Ҳукуматлараро комиссиялар йиғилишларини ўтказиш.<br>**2.** Икки томонлама сиёсий консультацияларнинг иқтисодий қисмини кучайтириш.<br>**3.** Хорижий мамлакатларда **бизнес-форум, роуд-шоу, брифинг ва тақдимотлар ўтказиш**. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | Харажатлар сметасига мувофиқ | Хавфсизлик кенгаши котиби ўринбосари<br>**А. Камилов**<br>Вазирлар Маҳкамаси<br>**Ж. Ходжаев** | Ташқи ишл вазирлиги<br>**Б. Саидов**<br>Инвестиция саноат ва са вазирлиги<br>**Л. Кудрат** |
| 285. | Чет давлатларда Ўзбекистон Республикаси **товар-ҳом ашё биржасининг (ЎзРТХБ) савдо майдончаларини ташкил этиш**, хорижий ишлаб чиқарувчи ва улгуржи савдо корхоналарини мазкур биржага жалб қилиш. | **1.** Хориждаги Савдо-саноат палаталари, биржалар ва тегишли ташкилотлар билан **ЎзРТХБ ўртасида музокаралар ўтказиш**.<br>**2. ЎзРТХБ салоҳияти ва имкониятларини тарғиб қилиш** мақсадида хорижда ярмаркалар, роуд-шоу ва тақдимотлар ўтказиш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | Харажатлар сметасига мувофиқ | Вазирлар Маҳкамаси<br>**Ж. Қўчқоров** | Республика т хом ашё бирж<br>**З. Бадридди**<br>Ташқи ишл вазирлиги<br>**Б. Саидо** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **3.** Англашув меморандумларини имзолаш. | | | | | |
| **96-мақсад: Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти органлари ва институтлари, глобал ва минтақавий иқтисодий, молиявий в гуманитар ташкилотлардаги фаолиятини кучайтириш** | | | | | | | |
| 286. | Ўзбекистонни **БМТ тузилмалари** орқали дунё ҳамжамиятига **кенг танитиш.** | **1. БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида** Ўзбекистон делегацияси иштирокини таъминлаш ҳамда унинг доирасида **икки ва кўп томонлама учрашувларни ташкил этиш.**<br>**2.** БМТнинг ихтисослашган муассасалари доирасида ўтказиладиган йирик халқаро тадбирларда Ўзбекистон делегацияси иштирокини таъминлаш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | - | Хавфсизлик кенгаши котиби ўринбосари **А. Камилов,** Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Ходжаев** | Ташқи ишл вазирлиги **Б. Саидо** |
| 287. | Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг **75 йиллигига бағишланган халқаро кампанияда** фаол иштирок этиш. | **Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 75 йиллиги** бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, бунда:<br>БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Комиссари Бошқармаси ва унинг Марказий Осиёдаги бўлими томонидан ташкил қилинадиган тадбирларда БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши, Олий даражадаги сегменти, шартномавий органлар ва | Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси | 2023 йил март | Ҳисоб-китобларга кўра | Олий Мажлис Қонунчилик палатаси **А. Саидов** *(келишув асосида)* Хавфсизлик кенгаши котиби ўринбосари **А. Камилов** | Инсон ҳуқуқл бўйича Мил марказ **М. Тиллабо** Ташқи ишл вазирлиги **Б. Саидов** Адлия вазирл **А. Ташкуло** Инсон ҳуқуқл бўйича вак (Омбудсма **Ф. Эшмато** Бола ҳуқуқл бўйича вак (Омбудсма |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бошқаларнинг сессияларида Ўзбекистон вакилларининг қатнашишини таъминлаш;<br>халқаро тадбирларда сўнгги йилларда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича эришилган ютуқлар билан халқаро жамоатчиликни таништириш;<br>БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Ихтиёрий бадаллар жамғармасига ўз ҳиссасини қўшиш назарда тутилади. | | | | | **А. Юнусов**<br>Иқтисодиёт<br>молия вазирл<br>**Ш. Кудби** |
| **97-мақсад: Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш ва Евроосиё Иқтисодий Иттифоқи билан интеграция жараёнларини чуқурлаштириш** | | | | | | | |
| 288. | **Жаҳон Савдо Ташкилотига** аъзо давлатлар билан **музокаралар ўтказиш.** | **1.** Ўзбекистоннинг Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлиши бўйича **Ишчи гуруҳнинг кейинги йиғилишларини ўтказиш** чораларини кўриш.<br>**2. Қишлоқ хўжалиги бўйича кўп томонлама** музокараларни ташкил этиш.<br>**3.** Ташкилотга аъзо давлатлар билан **товарлар ва хизматлар бозорига кириш бўйича икки томонлама музокаралар** олиб бориш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлари, ҳисоб-китобларга кўра | Хавфсизлик кенгаши котиби ўринбосари **А. Камилов,** Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Ходжаев** | Инвестиция<br>саноат ва са<br>вазирлиги<br>**Л. Кудрато**<br>Ташқи ишл<br>вазирлиги<br>**Б. Саидо** |
| 289. | Ўзбекистонлик мутахассисларнинг **Жаҳон Савдо Ташкилоти ва кўп томонлама савдо тизими соҳасида** салоҳиятини ошириш. | Етакчи хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда, **товарлар ва хизматлар савдоси, интеллектуал мулк, қишлоқ хўжалиги, импортни лицензиялаш, савдодаги** | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | - | Хавфсизлик кенгаши котиби ўринбосари **А. Камилов,** Вазирлар Маҳкамаси | Инвестиция<br>саноат ва са<br>вазирлиги<br>**Л. Кудрато**<br>Ташқи ишл<br>вазирлиги |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **техник тўсиқлар, санитария ва фитосанитария** тўғрисидаги битимлар бўйича семинар ва тренингларни ташкиллаштириш ва тегишли ахборот-таҳлилий маълумотларни тайёрлаш. | | | | **Ж. Ходжаев** | **Б. Саидо** |
| **98-мақсад: Жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимиз имижини оширишга қаратилган ахборотлар етказиш самарадорлигини ошириш** | | | | | | | |
| 290. | Хорижда кенг мақсадли тарғибот тадбирларини, шу жумладан, «**Ўзбекистон маданият кунлари**», давра суҳбатлари, кўргазмаларни ўтказиш. | **Хорижда кенг мақсадли тарғибот тадбирлари дастурини ишлаб чиқиш** ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритиш. | Чора-тадбирлар дастури | 2023 йил март | - | Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Ходжаев** | Ташқи ишл вазирлиги **Б. Саидов** Маданият ва ту вазирлиги **О. Назарбек** «Ҳунарман уюшмаси **У. Абдулла** |
| 291. | **Ўзбекистон имижини жаҳон майдонида илгари суриш**ни назарда тутувчи чора-тадбирлар мажмуини тайёрлаш ва амалга ошириш. | Жаҳон майдонида Ўзбекистон Республикасининг брендини халқаро нуфузли ОАВ «Минтақавий IT-марказ» (IT-HUB) сифатида тизимли тарғиб қилишни йўлга қўйиш. Бунда:<br>**1.** Хорижий IT-компаниялар вакиллари билан учрашувлар, семинар ва тренинг ташкил этиш, шу жумладан уларнинг чет элдаги офисларига Вазирлик марказий аппарати ҳамда тизим ташкилотларининг раҳбарлари ва масъул | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | - | Хавфсизлик кенгаши котибининг биринчи ўринбосари **Э. Арипов** | Рақамли технологиял вазирлиги **Ш. Шермат** Ахборот ва омм коммуникаци агентлиги **А. Ходжае** Ташқи ишл вазирлиги **Б. Саидов** Инвестициял ташқи савд вазирлиги **Л. Кудрат** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | ходимларининг ташрифларини ташкил этиш;<br>хорижий IT-компаниялар ва IT-аутсорсинг хизматларини кўрсатиш борасида мамлакатимиздаги яратилган шарт-шароитлар борасида уларнинг оммавий ахборот воситаларида мақолалар, видеолавҳалар жойлаштирган ҳолда тарғибот ишларини олиб боришни ташкил этиш.<br>**2.** Ўзбекистонда ишлашга қизиқиб келган хорижий IT-мутахассислар учун йирик шаҳарларимизда қулайликларни ошириш чораларини кўриш:<br>меҳмонхоналарда IT-мутахассисларнинг энг муҳим меҳнат қуроллари бўлган юқори тезликдаги сифатли Интернет хизматини тақдим этишга минимал талаблар белгилаш. | | | | | |
| **99-мақсад: Ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг норматив-ҳуқуқий базасини ҳамда халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқ асосларини такомиллаштириш** | | | | | | | |
| 292. | Чет давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан **сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар йўналишлардаги ўзаро ҳамкорликнинг** ҳуқуқий | Имзоланган шартномаларни хатловдан ўтказиш ҳамда янги халқаро шартномаларни ишлаб чиқиш, имзолаш (қўшилиш). | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | - | Хавфсизлик кенгаши котиби ўринбосари **А. Камилов,** Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Ходжаев** | Ташқи ишл вазирлиги **Б. Саидов** Инвестиция саноат ва са вазирлиги **Л. Кудрат** |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | асосларини такомиллаштириш. | | | | | | |
| **100-мақсад: Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари томонидан Ўзбекистоннинг эллардаги фуқароларига хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш** | | | | | | | |
| 293. | Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари томонидан хориждаги Ўзбекистон Республикаси фуқароларига **консуллик хизматларини кўрсатиш сифатини ошириш.** | **1.** Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари томонидан кўрсатилаётган **интерактив консуллик хизматлари тизимини** такомиллаштириш.<br>**2.** Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг тегишли вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилинишини таъминлаш. | Амалий чора-тадбирлар | 2023 йил давомида | - | Хавфсизлик кенгаши котиби ўринбосари **А. Камилов**<br>Вазирлар Маҳкамаси **Ж. Ходжаев** | Ташқи ишл вазирлиги **Б. Саидов** Рақамли технологиял вазирлиги **Ш. Шермат** манфаатдо вазирлик в идоралар |

*Изоҳлар:*

*Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг амалга оширилиши жараёнида уларнинг молиялаштириш манбалари ва миқдорларига аниқлик киритилиши мумкин.*

*Давлат бюджети маблағлари деганда марказлашган инвестициялар, вазирлик, идора ва ташкилотларнинг харажатлар сметасида назарда тутилган бюджет маблағлари тушунилади.*

*Дастурда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун қабул қилинадиган ҳужжатлар шакли заруратга қараб ўзгартирилиши, бошқа бандлардаги ҳужжатлар билан бирлаштирилиши ёки бир неча турдаги ҳужжатларга бўлиниши мумкин.*

*Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида мутасадди вазирлик ва идораларнинг таклифлари асосида Дастурда белгиланган тадбирларнинг мазмунига мос келадиган бошқа масалалар ҳам назарда тутилади.*

2023 йилда Давлат дастури тадбирларини амалга оширишнинг жами харажатлари:

**20 трлн сўм ва 11,5 млрд АҚШ доллари, шундан:**

| | | |
|---|---|---|
| Давлат бюджети ва Давлат мақсадли жамғармалари маблағлари | 19,9 трлн сўм | |
| Ижрочилар ва банклар маблағлари | 41 млрд сўм | 38,7 млн АҚШ доллари |

| | |
|---|---|
| Тижорат банкларининг кредитлари | 32 млн АҚШ доллари |
| Халқаро ташкилотлар, молия институтлари маблағлари ва грантлари | 468,8 млн АҚШ доллари |
| Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар маблағлари | 11 млрд АҚШ доллари |

*(Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 02.03.2023 й., 06/23/27/0121-сон)*